



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИНинг  
2018 ЙИЛДАГИ  
ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

ХИСОБОТ



ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ  
БАНКИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИНинг  
2018 ЙИЛДАГИ  
ФАОЛИЯТИ ТҮГРИСИДА  
ҲИСОБОТ

Тошкент 2019



## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ СЎЗИ .....</b>	<b>5</b>
<b>I. 2018 ЙИЛДА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ ШАРОИТЛАРИ .....</b>	<b>8</b>
1.1. Ички иқтисодий шарт-шароитларнинг шаклланиши .....	8
1.2. Ташқи иқтисодий шарт-шароитларнинг шаклланиши .....	10
1.3. Иқтисодиётнинг реал секторидаги ҳолат .....	13
1.4. Инфляция ва инфляцион жараёнлар .....	17
1.5. Тўлов баланси ҳолати .....	23
<b>II. БАНК ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИ .....</b>	<b>27</b>
2.1. Тижорат банклари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари .....	28
2.2. Тижорат банкларининг иқтисодиётни кредитлаш бўйича фаолияти .....	38
2.3. Банк тизими инфратузилмаси.....	42
2.3.1. Кредит ахбороти давлат реестри ва кредит бюроси фаолияти .....	43
2.3.2. Гаров реестри фаолияти.....	47
2.3.3. Ахоли омонатларини кафолатлаш тизими .....	49
2.4. Нобанк кредит ташкилотлари фаолияти кўрсаткичлари .....	50
<b>III. МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ 2018 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ .....</b>	<b>55</b>
3.1. Пул-кредит сиёсати соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар .....	55
3.1.1. Пул-кредит сиёсатининг мақсади ва асосий тамойиллари.....	55
3.1.2. Банк тизими ликвидлиги таҳлили ва унга таъсир этувчи омиллар .....	58
3.1.3. Пул-кредит сиёсати инструментларидан фойдаланиш ва унинг трансмиссион механизми таҳлили.....	59
3.1.4. Банклараро пул бозори фаолияти таҳлили.....	66
3.2. Нақд пул муомаласини ташкил этиш.....	67
3.3. Валюта сиёсати .....	74
3.3.1. Валютани тартибга солиш борасида амалга оширилган ишлар .....	74
3.3.2. Валюта бозоридаги операциялар таҳлили .....	75
3.3.3. Ўзбекистон Республикасининг тўлов балансини шакллантириш борасида амалга оширилган ишлар .....	81
3.4. Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш .....	83
3.4.1. Банклар фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш .....	83
3.4.2. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш ...	86
3.5. Тўлов тизимлари ва банкларда молиявий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш .....	87

3.5.1. Банклараро электрон тўлов тизими ривожланиши .....	88
3.5.2. Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими таҳлили .....	90
3.5.3. Масофавий банк хизматларини кўрсатиш тизимларининг ривожланиши .....	93
3.5.4. Миллий банклараро процессинг марказини яратиш борасида амалга оширилган ишлар .....	95
3.6. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини такомиллаштириш .....	96
3.7. Пул-кредит ва банк тизими статистикасини такомиллаштириш ва тарқатиш борасидаги фаолият .....	98
3.8. Кредит ташкилотларида молиявий мониторингни мувофиқлаштириш ва валюта назорати.....	100
3.9. Банк қонунчилигини такомиллаштириш .....	103
3.10. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш .....	107
3.11. Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.....	109
<b>IV. КОММУНИКАЦИЯ СИЁСАТИ, ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ҲАМКОРЛИК .....</b>	<b>113</b>
4.1. Марказий банк коммуникация сиёсатини ривожлантириш юзасидан амалга оширилган ишлар.....	113
4.2. Халқаро муносабатлар ва ҳамкорлик.....	115
<b>V. ТАШКИЛИЙ ВА ИЧКИ ФАОЛИЯТ .....</b>	<b>122</b>
5.1. Ташкилий тузилма .....	122
5.2. Ходимлар билан ишлаш тизими.....	122
5.3. Ички аудит фаолияти.....	127
<b>VI. ИЛОВАЛАР.....</b>	<b>128</b>

## КИРИШ СҮЗИ

2018 йилда Марказий банк асосий эътиборни илғор халқаро тажриба асосида ўз фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш борасидаги 2017 йилда бошланган ишларни янада фаоллаштиришга қаратди. Ушбу йўналишдаги ишлар, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сонли “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида белгилаб берилган вазифалар ижросидан келиб чиқсан ҳолда ташкил этилди.

Мазкур Фармон билан нархлар, банк ва тўлов тизими барқарорлигини таъминлаш Марказий банк фаолиятининг стратегик мақсадли йўналиши сифатида белгиланган бўлиб, ҳисобот йили давомида Марказий банк томонидан ушбу вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга ошириб борилди.

Хусусан, нархлар барқарорлигини таъминлаш борасида 2018 йил давомида Марказий банк томонидан инфляция даражасига монетар омилларнинг таъсирини камайтиришга ва иқтисодиётдаги инфляцион жараёнларни жиловлашга қаратилган пул-кредит сиёсатини юритиш давом эттирилди.

Бу борада 2018 йилда амалга оширилган чора-тадбирларнинг энг муҳимларидан бири шубҳасиз инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш бўйича тайёргарлик ишларининг фаоллаштирилиши бўлди. Жумладан, иқтисодиётдаги инфляцион жараёнларни янада сифатли ва тезкор таҳлил қилиб бориш мақсадида ҳисобот йили бошидан бошлаб нархлар ўзгариши омилларини ўрганиш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмаларини аниқлаш бўйича мунтазам равишда даврий сўровлар ўтказиш ва уларни эълон қилиб бориш амалиёти жорий қилинди.

Шунингдек, ҳисобот йилида Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсати инструментларини такомиллаштириш, шу жумладан банк тизимидағи ликвидликни тартибга солишнинг замонавий бозор механизмлари ва усулларини жорий қилиш ва уларнинг таъсирчанлигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Бу борада Марказий банкининг депозит операциялари ва давлат қимматли қоғозларини бирламчи жойлаштириш операцияларининг жорий қилинганлиги алоҳида эътиборга лойик.

Пул-кредит соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар, шу жумладан 2018 йилнинг сентябрь ойида Марказий банк қайта молиялаш ставкаси бўйича қабул қилинган қарор, ташқи омилларнинг инфляцион босими кучайиши ҳамда нарх ва тариф сиёсатини эркинлаштириш шароитида

нархларнинг ҳаддан зиёд ошишининг олдини олиш ва иқтисодиётдаги инфляцион жараёнларни жиловлаш имконини берди.

Ҳисобот йилида Марказий банк фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши ҳисобланган валютани тартибга солиш борасида валюта сиёсатини янада либераллаштириш бўйича ишлар ҳам давом эттирилди.

Хусусан, аҳолига валюта операцияларини амалга оширишда қулайликлар яратиш мақсадида ҳалқаро тўлов карталарига сотиб олинган хорижий валютани тижорат банкларида нақд шаклда ечиб олиш механизми жорий этилди. Шунингдек, аҳолининг валюта операцияларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани янада кенгайтириш мақсадида аҳоли гавжум жойларда 24 соат режимида ишловчи чакана банк хизматлари марказлари ҳамда автоматлаштирилган валюта айирбошлиш шахобчалари ташкил этилмоқда.

2018 йилда Марказий банк фаолиятининг устувор йўналишларидан яна бири шубҳасиз Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси ҳамда ҳалқаро инвестицион позицияси статистикасини шакллантириш ва таҳлил қилиш тизимининг тўлиқ ишлаб чиқилиши бўлди.

Бу борада 2018 йилнинг I чораги давомида Ҳалқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) билан ҳамкорликда амалга оширилган тайёргарлик ишларидан сўнг, 2018 йилдан бошлаб, тўлов баланси ва ҳалқаро инвестицион позиция чораклик статистикасини ҳалқаро стандартларга мувофиқ шакллантириш ва тарқатиш амалиёти йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, ҳисобот йилида пруденциал назорат механизmlарини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар доирасида ҳалқаро тажрибада банк фаолиятига оид хатарларни аниқлашда кенг қўлланиладиган **стресс-тест модделлари** ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди. Бугунги кунда ушбу моделлар ёрдамида тижорат банкларининг **пул оқимлари, ликвидлик ҳолати ва кредит хатарлари** стресс-тестдан ўтказиб борилмоқда.

Ўз навбатида, миллий тўлов тизими барқарорлиги ва ривожланишини таъминлаш бўйича белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, 2018 йил давомида Марказий банк томонидан Миллий банклараро процессинг марказини ташкил этиш ҳамда “Нито” чакана тўлов тизимини яратиш ва ишга тушириш юзасидан кенг қамровли тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Мазкур марказ ва тўлов тизимини 2019 йилнинг I ярим йиллиги мобайнида ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Ҳисобот йилида Марказий банкнинг коммуникация сиёсатини ҳамда ҳалқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, пул-кредит ва валюта сиёсати соҳасида ҳамда банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг моҳияти, мақсадлари ва натижалари тўғрисида кенг жамоатчиликка ахборот беришни кенгайтириш ҳамда Марказий банк фаолияти шаффоғлигини ошириш мақсадида Марказий банк веб-сайтига пресс-релизлар, шарҳлар, статистик маълумотлар ва бошқа шу турдаги банк фаолиятига оид муҳим ҳужжатларни эълон қилиб бориши тизими йўлга қўйилди.

Шунингдек, 2018 йил давомида Марказий банк фаолиятига оид масалалар бўйича мунтазам равишда қатор тадбирлар (конференция, брифинг, семинар, интервью)лар ташкиллаштирилди.

Банк тизими, шу жумладан Марказий банк фаолиятини халқаро тажриба асосида такомиллаштириш вазифаларидан келиб чиқиб, халқаро молия институтлари ва хорижий марказий банклар билан ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш ва янги алоқаларни йўлга қўйиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Бунда, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Молиявий оммабоплик альянси, Швейцария миллий банки, Россия Федерацияси Марказий банки, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари миллий банклари билан ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ишлар айниқса самарали бўлди.

2018 йил давомида банк қонунчилигини такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банк ва банклар фаолияти тўғрисида”ги ва “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунларнинг янги таҳрирдаги лойиҳалари ҳамда “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур ҳисоботда юқорида қайд этилган ва банк тизимида 2018 йил давомида амалга оширилган бошқа чора-тадбирлар ҳамда Марказий банкка амалдаги қонунчиликка мувоғиқ юқлатилган вазифаларнинг ижроси тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган.

## I. 2018 ЙИЛДА ПУЛ - КРЕДИТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ ШАРОИТЛАРИ

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий, инвестицион ва ижтимоий сиёсат, асосан, иқтисодиётда ялпи талаб ҳажмининг ошишини рағбатлантирувчи характерга эга бўлиб, мамлакатдаги иқтисодий ўсиш ва инфляция жараёнларининг ҳамда умумий макроиқтисодий ҳолатнинг шаклланишида муҳим роль ўйнади.

### 1.1. Ички иқтисодий шарт-шароитларнинг шаклланиши

2018 йилда иқтисодиётда инвестицион ва истеъмол талабнинг юқори даражада шаклланиши иқтисодиётнинг реал секторида маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмларининг сезиларли даражада ошишига қулай шарт-шароит яратди.

Ҳисобот йили давомида иқтисодиётда ялпи талаб ҳажмининг юқори даражада шаклланишига республикамиз иқтисодиётида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган **инвестициялар** ҳажмининг 2017 йилга нисбатан реал ҳисобда 18,1 фоизга ошиши катта ҳисса қўшди. Мазкур даврда инвестициялар умумий ҳажми 107,3 трлн. сўмни, унинг ЯИМдаги улуши эса 2017 йилдаги кўрсаткичга (22,6 фоиз) нисбатан 3,7 фоиз бандга ошиб, 26,3 фоизни ташкил этди.

Мазкур кўрсаткичнинг ошиши асосан марказлашган инвестицияларнинг 2017 йилга нисбатан 1,6 баробарга, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб қилинган хорижий кредитлар ҳисобидан амалга оширилган инвестицияларнинг 2,8 баробарга кўпайганлиги билан изоҳланади. Бунда, 2018 йил якуни бўйича марказлашган манбаларнинг жами инвестициялардаги улуши 8,6 фоиз бандга, ЯИМга нисбатан улуши эса 3,1 фоиз бандга ошиб, мос равища 32,1 ва 8,4 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, ҳисобот йилида корхона ва ташкилотлар ҳамда аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилган инвестициялар ҳажмининг 2017 йилга нисбатан мос равища 6,5 ва 4,1 фоизга ошганлиги иқтисодиётдаги ялпи талабнинг жадал ўсишини қўллаб-қувватлади.

2018 йилда бюджет даромадларининг сезиларли ўсиши шароитида давлат харажатларининг кўпайиши иқтисодий ўсишни қўллаб - қувватловчи фискал сиёсат юритилиши учун замин бўлди. Жумладан, ҳисобот йилида давлат бюджети харажатлари 2017 йилга нисбатан қарийб 62 фоизга ёки 30,4 трлн. сўмга ошли

Кўшимча маблағлар асосан истеъмол ва инвестицион талабнинг ошишига тўғридан-тўғри таъсир қилувчи харажатларга, яъни бюджет тизимида иш ҳақини ошириш, аҳоли учун арzon уй-жойлар қуриш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, аҳолини иш билан таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларини қуриш ва таъмирлаш бўйича тадбирларни ҳамда “Обод қишилоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини молиялаштиришга йўналтирилди.

2018 йил мобайнида энг кам иш ҳақи миқдорининг ошишига (қарийб 20 фоизга) мос равишда пенсия тўловларининг индексация қилиниши ҳам аҳоли истеъмол фаоллигининг ошишига хизмат қилди.

Шунингдек, 2018 йилда иқтисодиётдаги истеъмол ва инвестицион талаб ҳажмининг жадал ошиши **иқтисодиётга ажратилаётган банк кредитлари ҳажмининг** сезиларли даражада ўсиши билан ҳам боғлиқ.

Хисобот йилида иқтисодиётга ажратилган кредитлар умумий миқдори 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 2 баробарга ёки 49,5 трлн. сўмдан 100,7 трлн. сўмгача, ЯИМга нисбатан улуши эса 16,3 фоиздан 24,7 фоизгача ошди.

Инвестиция мақсадлари учун ажратилган кредитлар ҳажми 2017 йилга нисбатан 2,4 баробарга ўсган. Шунингдек, 2018 йилда аҳоли тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича давлат дастурларининг амалга оширилиши ҳамда аҳоли уй-жой ва турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш қўламишининг сезиларли даражада кенгайтирилиши натижасида аҳолига ажратилган кредитлар ҳажми 2017 йилга нисбатан 2,5 баробарга ёки 6,1 трлн. сўмдан 15,4 трлн. сўмгача, шу жумладан ажратилган ипотека кредитлари ҳажми 1,7 баробарга кўпайди.

2018 йилда ялпи талабнинг ошишига, шунингдек **аҳоли даромадларининг ижобий динамикаси** ҳам ўз таъсирини ўтказди. Жумладан, хисобот йилида аҳолининг жами даромадлари 286,3 трлн. сўмни ташкил этиб, 2017 йилга нисбатан реал хисобда 10,3 фоизга ошди.

Бунда, аҳоли даромадларининг номинал ўсиш суръатлари 2017 йилга нисбатан сезиларли равища жадаллашиб, иш ҳақи шаклидаги даромадлар ўсиши 25,1 фоизни (2017 йилда ўсиш 14,3 фоиз) ҳамда ижтимоий трансферлар бўйича даромадлари ўсиши 24,5 фоизни (14,5 фоиз) ташкил этди.

## 1.2. Ташқи иқтисодий шарт-шароитларнинг шаклланиши

2018 йилда ички иқтисодий шарт-шароитлар миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсишини қўллаб-қувватловчи характерга эга бўлган бўлса, ташқи шарт-шароитлар бирмунча нокулай шаклланди.

Халқаро валюта жамғармасининг 2019 йил январь ойида эълон қилган жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш истиқболлари бўйича қайта кўриб чиқилган ҳисоб-китобларига кўра, 2018 йил якуни бўйича жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръати 3,7 фоизни ташкил қилган ҳолда, 2017 йилдаги кўрсаткичга (3,8 фоиз) нисбатан 0,1 фоиз бандга секинлашган.

Иқтисодий ўсиш суръатининг пасайишига асосан:

АҚШ ва Хитой ўртасидаги савдо муносабатларида тангликнинг юзага келиши ҳамда уларнинг ташқи савдо сиёсатларидаги ноаниқликларнинг сақланиб қолиниши;

Хитойда иқтисодий ўсиш суръатларининг секинлашиши натижасида жаҳон бозорида асосий хом-ашё товарларига талабнинг суст шаклланиши ҳисобига айрим хом-ашё товарлари нархларининг пасайиши;

АҚШ федерал фонд ставкаларининг бир неча марта кўтарилиши натижасида ривожланаётган мамлакатлардан капиталнинг чиқиб кетишининг кучайиши ва оқибатда, аксарият давлатларда пул-кредит сиёсатининг қатъйлаштирилиши сабаб бўлди.

Бу ҳолат, ўз навбатида, халқаро миқёсда саноат ишлаб чиқариш ўсиш суръатларининг секинлашишига, халқаро савдо ҳажмлари ўсишининг сустлашишига ҳамда жаҳон бозорларида хом-ашё нархларининг пасайиши натижасида кўплаб ривожланаётган мамлакатлар экспорт даромадининг қисқаришига олиб келди.

Хусусан, 2018 йилда Ўзбекистоннинг асосий **савдо ҳамкорлари ҳисобланган аксарият давлатларда иқтисодий ўсиш суръатларининг** 2017 йилга нисбатан **секинлашганлиги** Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматларга ташқи талабни сусайтириб, экспорт ҳажмининг ошишига салбий таъсир кўрсатди.


Расмий маълумотларга кўра, 2018 йилда Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари ҳисобланган давлатлардан Хитойда АҚШ билан “савдо урушлари”нинг кучайиши ва жаҳон миқёсида иқтисодий фаолликнинг нисбатан сусайиши натижасида иқтисодий ўсиш суръатлари 6,9 фоиздан 6,6 фоизгача пасайган.

Дастлабки маълумотларга кўра ҳисбот йилида иқтисодий ўсиш суръати Туркияда 7,4 фоиздан 3,5 фоизгача ва Қирғизистонда 4,5 фоиздан

3,5 фоизгача секинлашган. Қозоғистонда эса иқтисодий ўсиш суръати 2017 йил даражасида (4,1 фоиз) сақланиб қолган.

### 1.2.1-ЧИЗМА

#### **Асосий савдо ҳамкор давлатлардаги иқтисодий ўсиш суръатлари динамикаси, фоиздана**



Шу билан бирга, 2018 йилда жағон бозорида нефть нархининг күтарилиши, йирик нефть-газ лойиҳалари ва қурилиш ишлари ҳажмининг ошиши ҳисобига Россияда иқтисодий ўсиш суръати 1,5 фоиздан 1,8 фоизгача тезлашди.

Ҳисобот йилида Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари ҳисобланган давлатлар миллий валюталарининг сезиларли даражада қадрсизланиши ҳам ташқи иқтисодий шарт-шароитларнинг нокулай шакланишига ўз таъсирини ўтқазди.

Хусусан, Хитой юани 2018 йил давомида АҚШ долларига нисбатан 6,5 фоизга қадрсизланган бўлса, Россия рубли 19 фоизга ҳамда ушбу давлат иқтисодиётига боғлиқлик даражаси юқори бўлган Қозоғистон тенгеси 14 фоизга қадрсизланди.

Турк лираси эса 2018 йилда Туркияда кузатилган сиёсий-иктисодий нобарқарорлик ва валюта бозоридаги номутаносибликлар натижасида ҳисобот йили давомида АҚШ долларига нисбатан 43 фоизга қадрсизланди.

## 1.2.2-чизма

**Асосий савдо ҳамкор давлатлар миллий валюта курсларининг  
АҚШ долларига нисатан үзгариш динамикаси**  
(01.01.2018 ҳолатига нисбатан фоизда)



Ҳамкор мамлакатлар миллий валюталарининг сезиларли қадрсизланиши Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини пасайтириб, экспорт ҳажмининг ўсишига маълум даражада салбий таъсир ўтказди.


Шунингдек, жорий йилда жаҳон бозорларида Ўзбекистоннинг асосий экспорт маҳсулотлари қаторига киравчи қимматбаҳо ва рангли металлар ҳамда хом-ашё товарлари бўйича нархлар конъюнктурасининг нокулай шаклланганлиги ҳам мамлакат экспорт даромадларини пасайтирувчи омиллардан бири бўлди.

Бунда, жорий йилнинг I чораги давомида жаҳон бозорларида хом-ашё маҳсулотлари нархларининг ошиши кузатилган бўлса, кейинги даврларда нархлар асосан пасайиш тенденциясига эга бўлди.

2018 йил мобайнида жаҳон бозорларида олтин нархининг 6 фоизга арzonлашиши кузатилган бўлиб, ушбу ҳолат асосан АҚШ Федерал захиралар тизими томонидан фоиз ставкасининг 2018 йилнинг март, июль, сентябрь ва декабрь ойларида кетма-кет тўрт марта оширилиши, АҚШ долларидаги активлар жозибадорлигининг ошиши ҳамда олтинга инвестицион актив сифатидаги талабнинг пасайиши билан изоҳланади.

## 1.2.3-чизма

**Жаҳон бозорида асосий хом-ашё товарлари нархларининг ўзгариши  
(2016 йил декабрь ҳолатига нисбатан фоизда)**



Рангли металларнинг энг йирик импортёри ҳисобланган Хитойда иқтисодий ўсиш суръатининг секинлашиши жаҳон бозорида мис ва руҳга бўлган талабнинг камайишига ва шу орқали мазкур металлар нархларининг, мос равишда, 14 фоизга ва 24 фоизга пасайишига олиб келди.

### 1.3. Иқтисодиётнинг реал секторидаги ҳолат

Ҳисобот йилида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) реал ўсиш суръати **5,1** фоизни, ЯИМнинг номинал ҳажми **407,5** трлн. сўмни ҳамда ЯИМ дефлятори 28,1 фоизни ташкил қилди.

ЯИМнинг аҳоли жон бошига ҳисобланган миқдори эса 2017 йилга нисбатан реал ҳисобда 3,3 фоизга ўсиб, 12,4 млн.сўмни ташкил этди.

Бунда, иқтисодиётнинг барча тармоқлари томонидан **яратилган ялпи қўшилган қиймат** ЯИМ умумий ҳажмининг **88,8** фоизини (ЯИМ ўсишидаги ҳиссаси 4,5 фоиз банд), товарларга **соғ солиқларнинг** ЯИМ таркибидаги **улуши** эса **11,2** фоизни (ЯИМ ўсишидаги ҳиссаси 0,6 фоиз банд) ташкил этди.

Иқтисодиётда яратилган **ялпи қўшилган қиймат** ўсишининг тармоқлар кесимидағи таҳлили унинг 5,1 фоизлик ўсишининг шаклланишида **саноат соҳасининг** улуши энг юқори бўлганлигини (2,1 фоиз бандга ёки жами ЯИМ ўсишининг 41,2 фоизи) кўрсатмоқда.

## 1.3.1-жадвал

**Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар**

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил
<b>Ялпи ички маҳсулот (млрд. сўм)</b>	<b>302 536,8</b>	<b>407 514,5</b>
ЯИМнинг реал ўсиши (фоизда)	4,5	5,1
ЯИМ дефлятори (фоизда)	18,9	28,1
Истебъом секторидаги инфляция даражаси (олдинги йилнинг декабрь ойига нисбатан фоизда)	14,4	14,3
Асосий капиталга инвестициялар ҳажми (млрд. сўм)	68 423,9	107 333,0
олдинги йилга нисбатан реал ўсиш (фоизда)	20,4	18,1
Экспорт (млн. АҚШ доллари)	12 553,7	14 253,9
олдинги йилга нисбатан реал ўсиш (фоизда)	3,8	13,5
Импорт (млн. АҚШ доллари)	14 012,4	19 555,2
олдинги йилга нисбатан реал ўсиш (фоизда)	15,4	39,6
Ташқи савдо сальдоси (млн. АҚШ доллари)	-1 458,7	-5 301,3

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Даевлат статистика қўмитаси*

2018 йилда **саноат соҳасида** яратилган **қўшилган қиймат** ҳажми **10,6** фоизга (2017 йилда 5,2 фоиз) ўсган бўлиб, мазкур ўсиш асосан тоғ-кон саноати (ўсиш суръати 28,2 фоиз) ҳамда қайта ишлаш саноати (ўсиш суръати 6,4 фоиз) тармоқлари қўшилган қиймат ҳажмининг юқори суръатларда ўсиши ҳисобига шаклланди.

2018 йилда **хизмат кўрсатиш соҳасида** қўшилган қиймат ҳажмининг **5,4** фоизга ўсиши, ўз навбатида, ЯИМнинг 1,8 фоиз бандга (жами ЯИМ ўсишининг 35,2 фоизи) ўсишини таъминлади. Шундан қўшилган қиймат савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида 4,4 фоизга, ташиш, сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари соҳасида 6,3 фоизга ҳамда бошқа хизмат соҳалари бўйича 5,4 фоизга ўсди.

Ўз навбатида, **қурилиш ишлари соҳасида** яратилган қўшилган қиймат ҳажмининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **9,9** фоизга ошиши ЯИМ ўсиш суръатини 0,5 фоиз бандга жадаллаштириди.

## 1.3.2-жадвал

**ЯИМнинг иқтисодий фаолият тури бўйича шаклланиши**

Кўрсаткичлар	Млрд. сўмда		2017 йилга нисбатан, фоизда	ЯИМ ўсишида тармоқлар хиссаси, фоизда
	2017 йил	2018 йил		
<b>I. Ялпи ички маҳсулот, жами</b>	<b>302 536,8</b>	<b>407 514,5</b>	<b>105,1</b>	<b>5,1</b>
<i>шу жумладан:</i>				
Ишлаб чиқариш тармоқларининг ялпи қўшилган қиймати	267 744,8	361 951,1	105,1	4,5
Маҳсулотларга соғ соликлар	34 792,0	45 563,4	105,5	0,6
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>267 744,8</b>	<b>361 951,1</b>	<b>105,1</b>	<b>4,5</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	90 983,9	117 315,8	100,3	0,1
Саноат	59 570,4	95 083,9	110,6	2,1
Қурилиш	15 228,6	20 734,4	109,9	0,5
Хизматлар	101 961,9	128 817,0	105,4	1,8
<i>саёдо, яшаш, ва овқатланиш бўйича хизматлар</i>	<i>21 540,6</i>	<i>26 493,0</i>	<i>104,4</i>	<i>0,3</i>
<i>ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари</i>	<i>25 305,5</i>	<i>29 868,3</i>	<i>106,3</i>	<i>0,5</i>
<i>бошқа хизмат тармоқлари</i>	<i>55 115,8</i>	<i>72 455,7</i>	<i>105,4</i>	<i>1,0</i>

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Шу билан бирга, ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳасидан (2018 йил якуни бўйича ЯИМдаги улуши 35,6 фоиз) кейинги энг катта улушга эга бўлган қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига (ЯИМдаги улуши 32,4 фоиз) яратилган қўшилган қиймат ҳажмининг ўсиш суръати 2017 йилдаги 1,2 фоиздан 0,3 фоизгача пасайган бўлиб, 2018 йилда мазкур соҳанинг ЯИМ ўсиш суръатига таъсири 0,1 фоизни ташкил қилди.

Иқтисодиётнинг мазкур тармоғида ўсиш кўрсаткичининг бундай секинлашиши ҳисобот йилида республикамизда дон экинларини етиштириш 2017 йилга нисбатан 12,5 фоизга, пахта хом-ашёси умумий ҳосили 19,7 фоизга, полиз маҳсулотларини етиштириш 6,2 фоизга, сабзавотлар етиштириш 5,7 фоизга ҳамда мевалар ва узум етиштириш мос равища 1 фоизга ва 3,8 фоизга камайганлиги билан изоҳланади

## 1.3.1-чизма

**Деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ҳажмларининг  
2017 йилга нисбатан ўзгариши, фоизда**




2018 йил якунларига кўра, **жами импорт ҳажми** 2017 йилга нисбатан **39,6** фоизга ўсиб, **19,6** млрд. АҚШ долларини ташкил қилди. Товар ва хизматлар экспорти ўсишининг (13,6 фоиз) импорт ҳажмининг ўсишидан сезиларли даражада паст бўлиши ҳисобига 2018 йил якуни бўйича республикамиз ташқи савдо баланси манфий сальдоси 5,3 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди.

Савдо баланси манфий сальдосининг ортиши, асосан, мамлакат иқтисодиётидаги инвестицион ва модернизация жараёнлари билан боғлиқ ҳисобланади. Жумладан, ҳисбот йилида ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ва технологиялари, қурилиш техникаси ва бошқа инвестицион товарлар жами импорти 2017 йилга нисбатан 76,2 фоизга ёки 2,5 млрд. АҚШ долларига ошиб, 5,9 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди.

Бошқача қилиб айтганда, мазкур даврда кузатилган жами импорт ўсишининг қарийб **46** фоизи ҳамда ташқи савдо баланси салбий сальдосининг деярли **47** фоиздан ортиғи айнан инвестицион товарлар импортининг ошиши натижасида шаклланди. Қурилиш материаллари импорти ўсиши (0,8 млрд. АҚШ доллари) ҳам ҳисобга олинадиган бўлса, ташқи савдо баланси манфий сальдосининг деярли **65** фоизи айнан иқтисодиётда инвестицион харажатларнинг ошиши натижасида шаклланлигини кўриш мумкин.

## 1.3.2-чизма



Юқоридаги омиллар таъсирида 2018 йил якуни бўйича республикамизнинг жорий операциялар ҳисоби сальдоси манфий бўлиб, 3,5 млрд. АҚШ долларини ёки ЯИМга нисбатан 7 фоизни ташкил қилди.

Бунда, фаол иқтисодий ислоҳотлар даврида инвестицион жараёнларнинг жадаллашуви таъсирида мамлакат жорий операциялар ҳисоб варағи сальдосининг бундай шаклланиши табиий ҳолат ҳисобланади.

Жаҳон тажрибаси инвестицион товарлар импортининг сезиларли даражада ўсиши ташқи савдо балансидаги тафовутни ошишига олиб келсада, янги ишлаб чиқариш қувватларини ва тармоқларини ташкил қилиш ҳамда ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигини ошириш ҳисобига иқтисодиётнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболда барқарор ва янада юқори суръатларда ўсишига хизмат қилишидан далолат беради.


#### 1.4. Инфляция ва инфляцион жараёнлар

2018 йилда иқтисодиётда **инфляцион жараёнлар** таркибий ислоҳотлар фаол давом эттирилиши шароитида шаклланиб борди.

Ҳисобот йилида инфляция даражасининг шаклланишида янги шароит сифатида давлат томонидан маъмурий тартибга солинадиган товар ва хизматлар нархларини эркинлаштириш сиёсатини амалга оширишнинг бошланиши инфляциянинг жорий ҳолати ва ўрта муддатли истиқболдаги кутилмаларига ўз таъсирини кўрсатди.

## 1.4.1-чизма

### Йиллик инфляция ва базавий инфляция динамикаси (ўтган йилнинг мос ойига нисбатан, фоизда)



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисобкитоби

2018 йил давомида истеъмол нархлари индекси (ИИ) бўйича ҳисобланган йиллик инфляция даражасининг энг юқори кўрсаткичи январь ойида (20,1 фоиз) қайд этилган бўлиб, февраль оидан бошлаб ушбу кўрсаткич пасайиб борди. Жумладан, июнь ойида йиллик инфляция даражаси 17,7 фоизгача, йил якуни бўйича эса 14,3 фоизгача пасайди.

Бунда, 2018 йилнинг январь-август ойлари давомида йиллик инфляция<sup>1</sup> кўрсаткичининг сезиларли даражада пасайишига асосан озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг арzonлашиши таъсир қилган бўлса, сентябрь-ноябрь ойларида эса маъмурий тартибга солинадиган нархларнинг оширилиши таъсирида инфляция динамикаси ўсуви тренд ҳосил қилди.

Хусусан, қўшни мамлакатлар билан ташқи савдо алоқаларининг эркинлаштирилиши ҳисобига ушбу мамлакатлардан республикамизга ички бозорда талаб юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш ҳажмининг кенгайиши айрим маҳсулотларнинг мавсумий танқислиги натижасида юзага келадиган нархлар ошишининг олдини олиш имконини берди.

<sup>1</sup> Ўзгармас вазн усули орқали ҳисобланган истеъмол нархлари индекси

## 1.4.2-чизма

### ИНИ асосий таркибий қисмлари динамикаси (ўтган йилнинг мос ойига нисбатан, фоизда)



Манба: Давлат статистика құмитаси

Үз навбатида, 2017 йил билан таққослаганды озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари йиллик үсиш суръати 25,7 фоиздан 14,9 фоизгача ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархлари йиллик үсиш суръати 16,1 фоиздан 12,5 фоизгача секинлашған бўлса, хизматлар тарифлари йиллик үсиш суръати 8,6 фоиздан 15,8 фоизгача, яъни 1,8 баробарга тезлашди.

#### Озиқ-овқат маҳсулотлари инфляцияси

Хисобот йили давомида **озиқ-овқат маҳсулотлари инфляцияси**да яққол пасайиш тренди кузатилди. Хусусан, ҳисобот йилининг январь ойида охирги йиллардаги озиқ-овқат маҳсулотлари инфляциясининг энг юқори даражаси қайд этилиб (26,8 фоиз), ушбу гурухнинг умумий йиллик инфляция даражасидаги ҳиссаси 11,7 фоиз бандга teng бўлган бўлса, йил охирига келиб умумий инфляция даражасига таъсири қарийб 2 баробарга пасайиб, 6,5 фоиз бандни ташкил этди.


2018 йилда бир қатор омиллар озиқ-овқат маҳсулотлари йиллик инфляциясининг нисбатан мўътадил динамикасини таъминлади. Хусусан, миллий валюта алмашув курсининг нисбатан барқарор сақланиб туриши, ички бозорда рақобат муҳитини яхшилаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, айрим асосий озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг (картошка, шакар) божхона тўловларидан озод этилиши ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш имконини яратиб, нархларнинг кескин ошишининг олдини олишга ёрдам берди.

Шунингдек, ёз ойларида мева-сабзавот маҳсулотларининг сезиларли арzonлашиши ҳисобига кейинги ойларда йиллик инфляция даражаси пасайиб борди. Тадбиркорлик субъектлари томонидан мева ва сабзавотларни саклаш инфратузилмасининг яхшиланиши ўтган йиллардан фарқли ўлароқ ички бозордаги мазкур маҳсулотлар нархларининг кескин тебранишини олдини олишга ёрдам берди.

Шу билан бирга, гўшт ва чорва моллари импортининг божхона тўловларидан озод этилишига қарамасдан ички бозорда гўшт маҳсулотлари нархларининг ўсиши кузатилди. Хусусан, 2018 йил давомида йиллик ҳисобда мол гўшти ва қўй гўшти мос равишда 26,9 фоиз ва 24,6 фоизга қимматлашди. Гўшт маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши шароитида ем-хашаклар танқислиги ва уларнинг нархининг қимматлашиши ҳисобига ички ишлаб чиқаришнинг етарли даражада ошмаганлиги мазкур маҳсулотлар нархларининг ошишига сабаб бўлди.

#### 1.4.3-чизма

### Йиллик инфляция таркибида асосий гурӯхлар ҳиссалари ўзгариши (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, фоизда)



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисобкитоби

Ички бозорда гўшт нархининг чегарадош мамлакатлардаги ўртача нархлар даражасига етганлиги сабабли гўшт бўйича ички таклиф етишмовчилиги гўшт маҳсулотлари ва чорва молларининг импорти ҳисобига қисман қопланди.

2018 йилда, олдинги йиллардан фарқли ўлароқ, шакар, картошка ва ўсимлик ёғи нархлари барқарор бўлди ва инфляция даражасига деярли таъсир кўрсатмади. Хусусан, 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида шакар нархи талабнинг мавсумий ошиши ҳисобига 29,8 фоизга қимматлашган

бўлса, ҳисобот йилининг сентябрь ойида шакар нархи аксинча йиллик ҳисобда 5,8 фоизга арzonлашди. Бу ижобий динамика ички бозорда мазкур маҳсулот бўйича рақобат муҳитининг яхшиланганлиги ва жаҳон бозорларида шакар нархининг пасайганлиги билан изоҳланади.

### **Ноозик-овқат товарлари инфляцияси**

2018 йил давомида ноозик-овқат товарлари инфляциясида кескин ўзгаришлар кузатилмади. Хусусан, январь-сентябрь ойлари давомида ушбу гурухнинг умумий инфляциядаги ҳиссаси ўзгаришсиз 6 - 7 фоиз банд оралиғида шаклланиб, IV чоракда бироз пасайиш кузатилди.

Иқтисодиётда ялпи талабнинг юқори суръатларда ошиши шароитида мазкур товарлар импортининг ошиши (айниқса 2018 йилнинг биринчи ярим йиллигига чегаралараро савдо жараёнларининг яхшиланиши ва соддалаштирилиши) 2018 йилда ноозик-овқат товарлар нархлари ўсиш суръатини секинлаштириш имконини берди. Бунда, импорт товарлари ҳисобига ички бозорда маҳсулотлар таклифи етишмовчилигининг қопланиши нархларнинг кескин ошишининг олдини олишга хизмат қилди.

Ноозик-овқат маҳсулотлари нархларининг ўсишида қурилиш материаллари улуши сезиларли ошган бўлиб, бу ҳолат мамлакатда қурилиш ишлари қўламининг кенгайиши ва бунинг натижасида, мазкур товарларга бўлган талабнинг ортиши билан изоҳланади. 2018 йил якуни бўйича қурилиш материаллари ўртача нархи йиллик ҳисобда 18,6 фоизга ошган.

Кийим-кечак нархларининг ошиши ҳам ноозик-овқат маҳсулотлари инфляциясининг асосий омилларидан бири бўлди ҳамда миллий валюта алмашув курси ўзгаришига юқори таъсирчанлиги билан харakterланди. 2018 йилда автомобиллар учун ёқилғи нархлари динамикаси маъмурий тартибга солинадиган маҳсулотлар нархларини эркинлаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар таъсирида шаклланди.


### **Хизматлар инфляцияси**

“Истемол савати”нинг бошқа таркибий қисмларидан фарқли равиша, 2018 йилда хизматлар гурухида инфляция жараёнларининг кучайиши кузатилди. Хусусан, 2018 йилнинг декабрь ойида хизматларнинг йиллик инфляциядаги ҳиссаси 2017 йилга нисбатан деярли 2 баробарга ортиб, 3,4 фоиз бандни ташкил этди (2017 йилда 1,8 фоиз бандга тенг бўлган).

Бу асосан, тартибга солинадиган нархларнинг эркинлаштирилиши шароитида, биринчи навбатда, ёқилғи-энергетика ва монопол корхоналар маҳсулотлари нархларининг ошиши ҳамда бунинг таъсирида коммунал ва транспорт хизматлари тарифларининг қимматлашиши ҳисобига юз берди.

## 1.4.4-чизма

**Тартибга солинадиган нархлар ва базавий инфляциянинг ИНИ таркибидағи хиссалари ўзгариши  
(НИИдаги улуши, фоизда)**



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисобкитоби

Ҳисобот даври мобайнида маъмурий тартибга солинадиган маҳсулот ва хизматлар нархларининг эркинлаштириб борилиши натижасида уларнинг ўртача нархи, умумий инфляция даражасидан фарқли ўлароқ, ўсувиトレндга эга бўлди.

Хусусан, апрель-май ойларида коммунал хизматлар тарифлари, сентябрь ойида биринчи навли ун нархи ва ноябрь ойида электр энергияси, табиий газ ва бензин нархлари оширилди ҳамда сентябрда қолипли нон нархи эркинлаштирилди. Бунинг натижасида, тартибга солинадиган нархларнинг йиллик инфляциядаги хиссаси 2017 йилнинг декабрь ойига нисбатан 2 баробарга ошди.


### Базавий инфляция даражаси

Базавий инфляциянинг<sup>2</sup> энг юқори даражаси 2018 йилнинг март ойида кузатилган бўлиб, II чоракдан бошлаб ушбу кўрсаткич доимий равиша пасайиб борди. 2018 йил якуни бўйича базавий инфляция даражаси 12,9 фоизни ташкил қилди ҳамда унинг умумий инфляциядаги улуши сезиларли даражада пасайиб, декабрь ойида 9,6 фоиз бандни ташкил этди.

<sup>2</sup> Базавий инфляция иқтисодиётдаги давомий инфляцион трендни яқолроқ ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, кисқа муддатли, мавсумий ёки доимий тарзда ўзгариб турувчи нархлар билан боғлиқ ўзгаришларни (шокларни) инобатта олмайди. Базавий инфляция истеъмол нархлари индекси саватчасидан тартибга солинадиган нархларни ва мева-сабзавот нархларини чиқариб ташлаш ўйли билан ҳисобланади.

## 1.4.5-чизма

### Базавий инфляция ўзгариш динамикаси ва унинг таркиби (базавий инфляциядаги улуши, фоизда)



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисобкитоби

Ҳисобот йилининг охирида базавий инфляциянинг умумий инфляциядаги улуши сентябрь ойи билан таққослагандага 1,9 фоиз бандга, 2017 йилнинг декабрь ойига нисбатан эса 3 фоиз бандга пасайди.

Бунда, 2018 йилнинг иккинчи ярим йиллигига базавий инфляция даражасининг пасайиши унинг асосий таркибий қисмлари бўйича нархлар ўсишининг секинлашиши ҳисобига рўй берди.

## 1.5. Тўлов баланси ҳолати


2018 йилда тўлов баланси ҳолати 2017 йилда бошланган иқтисодий ислоҳотлар таъсирида шаклланиб борди.

Тўлов балансининг 2018 йилдаги ҳолатига асосан хом-ашё товарларининг жаҳон нархлари динамикаси (энергия манбалари ва қимматбаҳо металлар), давлат ташқи қарзининг нисбатан ўсиши, норасмий импортнинг расмийлашувининг давом этиши, ҳудудларни ривожлантириш ва капитал қурилиш билан боғлиқ дастурларнинг кенг миқёсда амалга оширилиши, ишчи кучини қабул қилаётган мамлакатларда ташқи шароитларнинг ёмонлашуви натижасида келиб тушаётган пул ўтказмалари ўсиш суръатларининг қисқариши каби омиллар таъсир қилди

2018 йил якуни бўйича жорий операциялар ҳисоб вараги сальдоси манфий бўлиб, 3,5 млрд. АҚШ долларини ёки ЯИМга нисбатан 7 фоизни ташкил қилди.

### 1.5.1-чизма

#### Жорий операциялар ҳисобининг шаклланиш динамикаси (млн. АҚШ долларидаги)



Жорий операциялар ҳисоб варагининг манфий сальдоси, биринчи навбатда, импорт ҳажмининг ўсиши билан боғлиқ бўлиб, бу ички бозорда товарларга талабнинг ошиши билан боғлиқ.

2018 йил якуни бўйича ташқи савдо балансининг манфий сальдоси халқаро хизматларни инобатга олган ҳолда 9,3 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, бирламчи ва иккиламчи даромадларнинг ижобий сальдоси 5,8 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди.

Ҳисобот йилида товарлар импорти 47 фоизга ўсиб, 18,3 млрд. АҚШ долларини<sup>3</sup>, товарлар экспорти эса 12 фоизга ўсиб, 11,4 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди. Бунда, товарлар экспорти ўсиш суръатининг 2017 йилга нисбатан секинлашуви ички бозорда экспортбоп товарларга талабнинг ошиши билан боғлиқ ҳисобланади.

2018 йилда халқаро хизматлар савдоси манфий сальдоси 2,4 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди. Бунда, хизматлар экспорти 22 фоизга ўсиб, 2,7 млрд. АҚШ долларини, хизматлар импорти эса 27 фоизга ўсиб, 5,1 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди.

<sup>3</sup> мокилик импортини, яъни резидент - жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистонда қайта сотиш мақсадида чет элда сотиб олинган маҳсулотлар импортини ҳисобга олган ҳолда

Бирламчи даромадларнинг ижобий сальдоси 1,5 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди. Резидентларнинг бирламчи даромадлари келиб тушиши 2017 йилга нисбатан 23 фоизга ошиб, 3,2 млрд. АҚШ долларини, норезидентларнинг бирламчи даромадлари бўйича тўловлар эса 25 фоизга ошиб, 1,7 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди.

Ўз навбатида, иккиламчи даромадлар ижобий сальдоси 4,3 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди. Иккиламчи даромадларнинг келиб тушиши 2 фоизга ошиб, 4,9 млрд. АҚШ долларини, улар бўйича тўловлар эса 24 фоизга ошиб, 615,2 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

Ҳисобот йилида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг соғ ўсиши 606,4 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Жумладан, хориждан кириб келган инвестициялар ҳажми 1,8 млрд. АҚШ долларини ташкил қилиб, шундан 674,2 млн. АҚШ доллари нефть-газ соҳаси корхоналари бўйича маҳсулот таксимотига оид битимлар доирасида, улар бўйича даромадлар эса 1,2 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган бўлиб, унинг 1,0 млрд. АҚШ доллари нефть-газ соҳаси корхоналари ҳиссасига тўғри келмоқда.


Шу билан бирга, 2018 йилда портфель инвестициялар бўйича сезиларли ўзгаришлар кузатилмади.

Ташки қарз бўйича мажбуриятлар соғ ўсиши 2,1 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди. Бунда, ҳисобот йилида давлат сектори томонидан 2,5 млрд. АҚШ доллар ва тижорат банклари томонидан 400 млн. АҚШ доллар миқдорида қарз маблағлари жалб қилинган. Шу билан бирга, 2018 йилда бошқа секторлар ташки қарз мажбуриятлари 743 млн. АҚШ долларига камайди.

Ўзбекистон Республикасининг ялпи ташки қарзи 2018 йилда 12,8 фоизга ўсиб, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 16,6 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди. Шундан 60,7 фоизи ёки 10 млрд. АҚШ доллари давлат сектори, 5,9 фоизи ёки 1 млрд. АҚШ доллари банк сектори, 33,4 фоизи ёки 5,5 млрд. АҚШ доллари бошқа секторлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

2018 йилда давлат ташки қарзи бўйича мажбуриятлар 33 фоизга ва банк сектори мажбуриятлари 40,3 фоизга ошиб, бошқа секторлар мажбуриятлари эса 13,6 фоизга камайди. Келгусида давлат ва банк сектори ташки мажбуриятларининг ўсиши, бошқа секторлар бўйича эса қисқариши кутилмоқда.

## 1.5.2-ЧИЗМА


**Ўзбекистон Республикасининг ялпи ташқи қарзи таркиби, фоизда**

Ташқи қарзнинг ЯИМга нисбий кўрсаткичи 2018 йил якуни бўйича 33,2 фоизни ташкил қилиб, давлат ва банк секторлари соф кредитор, бошқа секторлар эса соф қарздор ҳисобланади.

2018 йилда жорий операциялар ҳисоб варағи манфий сальдосининг молиялаштирилиши асосан ташқи қарзлар ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига амалга оширилди.

Олтин-валюта захираларининг ҳажми 2018 йил якуни бўйича 26,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

## 1.5.3-ЧИЗМА

**Олтин-валюта захиралари ҳажмининг ўзгариши  
(млрд. АҚШ долларида)**

Олтин-валюта захиралари ҳажми ҳисобот йили давомида 1 фоизга (173,4 млн. АҚШ долларига) камайди. Ушбу камайиш, асосан, 2018 йил давомида жаҳон бозорида олтин нархининг 1,1 фоизга, яъни 1296,50 дан 1281,65 долл/тр.унцияга пасайиши билан изоҳланади (нархнинг олтин-валюта захираларининг камайишга таъсири – 160,7 млн. АҚШ доллари).

Бунда, олтин-валюта захираларини ҳисоблашда тижорат банклари ва давлат бошқаруви органларининг (Молия вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бундан мустасно) Марказий банкда очилган ҳисоб варакларидаги валюта маблағлари ҳисобга олинмаган.

## II. БАНК ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИ

Банк тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар давр талабларига жавоб берувчи барқарор банк тизимини шакллантириш, банк хизматлари бозорида рақобатни кучайтириш ҳамда банклар ва тадбиркорлик субъектлари ўргасида самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини таъминлашга қаратилган.

Ҳисобот йили давомида бу борада Марказий банк томонидан банклар капиталлашувини ошириш, активлар ва кредит портфели сифатини яхшилаш орқали уларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини таъминлаш, кўрсатилаётган банк хизматлари сифати ва кўламини кенгайтириш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг бўш пул маблағларини банкларга жалб қилиш ҳисобига банклар ресурс базасини мустаҳкамлаш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилди.

Ҳисобот йили давомида банк тизими ривожланиш кўрсаткичларининг сезиларли даражада ошишига эришилди.

Хусусан, 2018 йил давомида тижорат банклари умумий капитали 29 фоизга, жами активлари 28,7 фоизга, шу жумладан кредит қўйилмалари ҳажми 51,4 фоизга ҳамда жалб қилинган депозитлар ҳажми 17,5 фоизга ошди.

### **2.1. Тижорат банклари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари**

**Банклар капитали.** Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини таъминлаш ҳамда иқтисодиётнинг кредитга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига мувофиқ 2018 йилда давлат улушига эга банклар капиталига ҳукумат томонидан 3 трлн. сўмдан ортиқ маблағлар йўналтирилди.

Натижада, 2018 йил давомида тижорат банкларининг умумий капитали 29 фоизга ёки 6 трлн. сўмга ошиб, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 26,7 трлн. сўмни, шундан устав капитали 21 фоизга ошиб, 19,7 трлн. сўмни ташкил этди.

Жами капитал ҳажми ўсишининг 5 трлн. сўми (83,3 фоизи) давлат улушига эга тижорат банклари ва қолган 1 трлн. сўми бошқа тижорат банклари ҳиссасига тўғри келади.

## 2.1.1-жадвал

**Тижорат банкларининг жами капитали таркиби  
ва динамикаси, млрд.сўмда**

Кўрсаткичлар	Давлат улушига эга банклар <sup>4</sup>			Бошқа банклар <sup>5</sup>			Жами		
	2017 й.	2018 й.	Ўзгариши, фоизда	2017 й.	2018 й.	Ўзгариши, фоизда	2017 й.	2018 й.	Ўзгариши, фоизда
<b>Жами капитал</b>	<b>16 672</b>	<b>21 743</b>	<b>30,4</b>	<b>4 005</b>	<b>4 936</b>	<b>23,2</b>	<b>20 676</b>	<b>26 679</b>	<b>29,0</b>
<i>шундан:</i>									
Устав капитални	14 195	16 815	18,5	2 111	2 858	35,4	16 307	19 673	20,6
Қўшимча капитал	14	18	28,6	54	71	31,5	68	89	30,7
Захира капитални	1 269	2 306	81,7	524	632	20,6	1 793	2 938	63,9
Тақсимланмаган фойда	1 193	2 604	118,3	1 315	1 374	4,5	2 508	3 979	58,6

Тижорат банклари томонидан кредитлаш амалиётининг сезиларли даражада кенгайтирилиши натижасида 2018 йил якуни бўйича банклар **капиталининг етарлилик даражаси кўрсаткичи** 2017 йилга нисбатан 3,2 фоиз бандга камайиб, таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларга нисбатан 15,6 фоизни (минимал талаб 13 фоиз) ташкил этди.

Мазкур кўрсаткич давлат улушига эга тижорат банкларида 15,4 фоизни, бошқа банкларда эса 16,9 фоизни ташкил этди.

## 2.1.2-жадвал


**Капитал етарлилиги кўрсаткичлари динамикаси**

Кўрсаткич номи	01.01.2018	01.04.2018	01.07.2018	01.10.2018	01.01.2019
<b>Банк тизимида капитал етарлилиги кўрсаткичи</b>	<b>18,8%</b>	<b>19,6%</b>	<b>16,4%</b>	<b>15,8%</b>	<b>15,6%</b>
Давлат улуши мавжуд тижорат банклари	19,2%	19,8%	16,2%	15,6%	15,4%
Бошқа банклар	16,9%	18,5%	17,1%	16,7%	16,9%

4. Устав капиталида давлат улуши мавжуд бўлган банклар: Ўзмилийбанк, Ўзсаноатқурилишбанк, Агробанк, Халқ банки, Микрокредитбанк, Қишлоқ қурилиши банк, Ипотека-банк, Асака банк, Алоқабанк, Туронбанк, Азия Альянс банк, Ўзагроэспортбанк, Пойтамтх банк.

5. Бошқа банклар: Ҳамкор банк, ЎзКДБ банк, Капитал банк, Ипак йўли банк, Ориент Финанс банк, Инвест Финанс банк, Траст банк, Давр банк, Савдоғар банк, Туркистон банк, Зираат банк, Равнақ банк, Универсал банк, Эрон Содерот банк, Мадад инвест банк, Хай-Тек банк

## 2.1.1-чизма

**Банк капитали етарлилиги даражаси динамикаси**

**Тижорат банкларининг ликвидлилик кўрсаткичлари.** 2019 йил 1 январь ҳолатига банк тизими жорий ликвидлилиги кўрсаткичи 82 фоизни (минимал талаб 30 фоиз), ликвидлиликни қоплаш меъёри 170,7 фоизни (минимал талаб 100%) ва соф барқарор молиялаштириш меъёри 107,9 фоизни (минимал талаб 100%) ташкил этди.

Бунда, ҳисобот йилида Марказий банк томонидан банкларнинг капитал етарлилиги ва ликвидлилик кўрсаткичларининг салбий ўзгариши ва тегишли меъёрларнинг бузилишини олдини олиш мақсадида “олдиндан чора кўриш” тизимининг жорий этилиши ўз самарасини берди.

Мазкур янги тизим доирасида банк капитали етарлилиги кўрсаткичи 13,5 фоиздан (минимал талаб 13 фоиз), шунингдек ликвидлиликни қоплаш ва соф барқарор молиялаштириш меъёрлари 110 фоиздан (минимал талаб 100 фоиз) пасайган ҳолатларда тижорат банклари томонидан тегишли меъёрларни мустаҳкамлаш бўйича аниқ манбалар ва муддатлар кўрсатилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш амалиёти жорий этилди.

**Тижорат банклари мажбуриятлари тузилмаси ва динамикаси.** 2018 йилда тижорат банкларининг жами мажбуриятлари 41,8 трлн. сўмга ёки 28,6 фоизга ўсиб, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 188 трлн. сўмни ташкил этди.

Шундан 84 фоизи ички мажбуриятлар, (шу жумладан 25 фоизи Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари), 16 фоизи чет эл банклари ва халқаро молия ташкилотлари кредит линиялари маблағлари ҳисобидан шаклланган.

### 2.1.3-жадвал

#### Тижорат банклари жами мажбуриятлари таркиби

Кўрсаткич номи	01.01.2018 й.		01.01.2019 й.		ўзгариши, фоизда
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	
<b>Жами мажбуриятлар</b>	<b>145 956</b>	<b>100%</b>	<b>187 741</b>	<b>100%</b>	<b>28,6%</b>
Жалб қилинган қарз маблағлари	72 819	50%	104 379	56%	43,3%
Депозитлар	59 579	41%	70 001	37%	17,5%
Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	1 049	0,7%	2 181	1,2%	108%
Бошқа банклар маблағлари	5 763	4%	6 903	3,7%	19,8%
Марказий банкнинг вакиллик ҳисобвараги	537	0,4%	498	0,3%	-7,3%
Бошқа мажбуриятлар	6 209	4,3%	3 779	2,0%	-39,1%


2018 йил мобайнида жалб қилинган қарз маблағларининг (Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, чет эл банклари ва халқаро молия ташкилотлари кредит линиялари, бошқа молиявий ташкилотлардан олинган қарз маблағлари) тижорат банклари жами мажбуриятларидаги улуши 50 фоиздан 56 фоизгacha ошиди. Шу билан бирга, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлардан жалб қилинган депозитларнинг тижорат банклари жами мажбуриятларидаги улуши 41 фоиздан 37 фоизгacha пасайди.

Ҳисобот йилида тижорат банклари томонидан жалб қилинган жами депозитлар ҳажми 17,5 фоизга ошиб, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 70 трлн. сўмни ташкил этди. Бунда, жалб қилинган депозит маблағлари таркибида миллий валютадаги депозитлар улуши 52 фоиздан 62 фоизгacha ошиди.

2018 йил мобайнида тижорат банкларидаги аҳоли омонатлари ҳажми 21,2 фоизга ошиб, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 14,7 трлн. сўмни ташкил этди. Шундан миллий валютадаги омонатлар 38,2 фоизга ўсиб, уларнинг жами аҳоли омонатларидаги улуши 53 фоиздан 61 фоизгacha ошиди. Шу билан бирга, хорижий валютадаги омонатлар қолдиги 2 фоизга ошган бўлиб, уларнинг жами аҳоли омонатларидаги улуши 47 фоиздан 39 фоизгacha камайди.

## 2.1.2-чизма

### Тижорат банкларидағи жами депозитлар ва ахоли омонатлари динамикаси



2019 йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банкларидағи жами депозитларнинг 68,1 фоизи, шу жумладан, ахоли омонатларининг 64,9 фоизи давлат улусига эга банклар ҳиссасига тўғри келган бўлиб, ушбу депозит ва омонатлар давлат улусига эга банкларнинг жами мажбур иятларининг 30 фоизини ташкил этди.

## 2.1.4-жадвал

#### Тижорат банклари томонидан жалб қилинган депозитлар, фоизда

Банклар	Жами депозитлар				Ахоли омонатлари			
	Банк тизимидаги улуси, фоизда		Жами мажбуриятдаги улуси, фоизда		Банк тизимидаги улуси, фоизда		Жами мажбуриятдаги улуси, фоизда	
	2017 й.	2018 й.	2017 й.	2018 й.	2017 й.	2018 й.	2017 й.	2018 й.
Давлат улусига эга банклар	65,8	68,1	32,2	30,1	66,7	64,9	6,7	6,0
Капиталида давлат улуси бўлмаган банклар	34,2	31,9	76,9	76,2	33,3	35,1	15,5	17,6

Капиталида давлат улуши бўлмаган бошқа тижорат банклари ҳиссасига банк тизимидағи жами депозитларнинг 31,9 фоизи, шу жумладан, жами аҳоли омонатларининг 35,1 фоизи тўғри келиши билан бирга, депозит ва омонатларнинг мазкур тижорат банклари жами мажбуриятларидаги улуши 76,2 фоизни ташкил этган.

Бу эса, давлат улушига эга тижорат банкларидан фарқли равишда, бошқа банклар учун депозитлар ва аҳоли омонатлари кредитлаш амалиётларининг асосий ресурс манбай бўлиб хизмат қилаётганлигини билдиради.

**Тижорат банклари активлари тузилмаси ва динамикаси.** 2018 йил давомида тижорат банкларининг жами активлари 28,7 фоизга ёки 47,8 трлн. сўмга ўсиб, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 214,4 трлн. сўмни ташкил этди.

#### 2.1.5-жадвал

#### Тижорат банклари активларининг таркиби

Банк активлари номи	01.01.2018 й.		01.01.2019 й.	
	суммаси, млн. сўмда	улуши, фоизда	суммаси, млн. сўмда	улуши, фоизда
Кредит қўйилмалари, нетто	108 467	65,1	164 670	76,8
Марказий банкдаги маблағлар	14 909	8,9	11 429	5,3
Бошқа банклардаги маблағлар	25 060	15,0	19 919	9,3
Инвестициялар ва бошқа қимматли қофозлар	1 649	1,0	2 277	1,1
Асосий воситалар	2 335	1,4	3 488	1,6
Нақд пул маблағлари	4 841	2,9	5 269	2,5
Бошқа активлар	9 371	5,7	7 368	3,4
<b>Жами</b>	<b>166 632</b>	<b>100,0</b>	<b>214 420</b>	<b>100,0</b>

Тижорат банклари активларининг асосий қисмини ташкил этувчи кредит қўйилмалари ҳажми ҳисбот йили давомида 51,4 фоизга ёки 57 трлн. сўмга ошиб, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 167,4 трлн. сўмни, ЯИМдаги улуши эса 41 фоизни ташкил қилди. Кредит қўйилмаларининг (нетто) жами активлар таркибидаги улуши эса 65,1 фоиздан 76,8 фоизгача ошди.

Таъкидлаш жоизки, тижорат банклари кредит қўйилмалари етарли даражада диверсификацияланган бўлиб, республика банк тизимида иқтисодиёт тармоқлари фаолияти билан боғлик хатарлар мўътадил даражада шаклланган.

Хусусан, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банклари кредит қўйилмаларининг 39,8 фоизи саноат, 12,5 фоизи транспорт ва коммуникация соҳаси, 6,4 фоизи савдо ва умумий хизмат қўрсатиш соҳаси, 5,6 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳаси, 3,5 фоизи қурилиш соҳаси ҳамда 14,6 фоизи жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келади.

#### 2.1.6-жадвал


#### **Тижорат банклари кредит қўйилмаларининг тармоқлар бўйича тақсимланиши**

Иқтисодиёт тармоқлари номи	01.01.2018 й.		01.01.2019 й.	
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда
<b>Жами кредитлар</b>	<b>110 572</b>	<b>100</b>	<b>167 391</b>	<b>100,0</b>
Саноат соҳаси	45 223	40,9	66 690	39,8
Транспорт ва коммуникация соҳаси	16 205	14,7	20 913	12,5
Савдо ва умумий хизмат қўрсатиш соҳаси	5 246	4,7	10 786	6,4
Қишлоқ хўжалиги	4 742	4,3	9 422	5,6
Қурилиш соҳаси	3 424	3,1	5 880	3,5
Моддий ва техник таъминотни ривожлантириш	472	0,4	2 746	1,6
Уй-жой коммунал хизмати	996	0,9	1 821	1,1
Жисмоний шахслар	13 600	12,3	24 427	14,6
Бошқа соҳалар	20 665	18,7	24 705	14,8

Ҳисобот йилида тижорат банклари кредит қўйилмалари таркибида хорижий валютадаги кредитлар улушининг 62 фоиздан 56 фоизгача пасайиши кузатилди. Мазкур пасайиши асосан давлат улушкига эга тижорат банкларининг жами кредит қўйилмалари таркибидаги хорижий валютадаги кредитлар улушининг 66,4 фоиздан 58,7 фоизгача камайиши ҳисобига юз берди.

## 2.1.3-чизма


## Тижорат банкларининг кредит қўйилмалари динамикаси



**Муаммоли кредитлар.** 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банкларининг жами кредит портфели таркибида муаммоли кредитлар қолдиги 2,6 трлн. сўмни ташкил этиб, 2018 йил давомида 351 млрд. сўмга ёки 16 фоизга ошган. Мазкур муаммоли кредитларнинг тижорат банклари жами кредит қўйилмаларидағи улуши ҳисобот йили бошидаги кўрсаткичга нисбатан 0,5 фоиз бандга камайиб, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 1,5 фоизни ташкил этди.

## 2.1.4-чизма

## Муаммоли кредитлар динамикаси



Муаммоли кредитларнинг асосий қисми, яъни 84 фоизи ёки 2 155 млрд. сўми шартлари қайта кўрилган ва муддати узайтирилган кредитлар ҳиссасига тўғри келади. Муаммоли кредитларнинг 259 млрд. сўмини ёки 10 фоизини муддати ўтган кредитлар ташкил қилган бўлиб, 2018 йил давомида уларнинг миқдори 46 млрд. сўмга ёки 15 фоизга камайган. Суд жараёнидаги кредитлар миқдори эса ҳисобот йили давомида 63 млрд. сўмга ёки 70 фоизга ошиб, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 153 млрд. сўмни ёки жами муаммоли кредитларнинг 6 фоизини ташкил қиласди.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг 92,1 фоизи “стандарт”, 6,6 фоизи “субстандарт” ҳамда 1,3 фоизи “қоникарсиз”, “шубҳали” ва “умидсиз” деб таснифланган активлар ҳиссасига тўғри келади.

Ажратилган кредитлар бўйича яратилган захиралар умумий миқдори 3,1 трлн. сўмни ёки тижорат банклари жами кредит портфелининг 1,9 фоизини ташкил этиб, 2018 йил давомида 31,4 фоизга ошган.

#### 2.1.7-жадвал


#### **Тижорат банклари кредит портфелининг таснифланиши ҳамда яратилган захиралар ҳолати**

Кредитлар таснифланиши	01.01.2018 й.				01.01.2019 й.			
	жами кредитлар, млрд. сўм	улуши, фоизда	яратилган захира, млрд. сўм	улуши, фоизда	жами кредитлар, млрд. сўм	улуши, фоизда	яратилган захира, млрд. сўм	улуши, фоизда
<b>Жами</b>	<b>110 572</b>	<b>100,0</b>	<b>2 395</b>	<b>100,0</b>	<b>167 391</b>	<b>100</b>	<b>3 148</b>	<b>100</b>
Стандарт	100 235	90,7	290	15,3	154 187,7	92,1	427,9	13,6
Субстандарт	9 013	8,2	1 390	55,3	11 062,4	6,6	1 720,5	54,6
Қоникарсиз	739	0,7	207	6,7	1 102,1	0,7	232,4	7,4
Шубҳали	254	0,2	131	9,1	452,6	0,3	235,3	7,5
Умидсиз	332	0,3	377	13,6	585,7	0,3	532,3	16,9

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банклари кредит қўйилмаларининг 58 фоизи Тошкент шахридаги ҳамда 42 фоизи худудлардаги банк филиаллари томонидан ажратилган бўлиб, мазкур ҳолат худудлардаги йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш асосан тижорат банкларининг Бош банклари томонидан амалга оширилаётганлиги билан изоҳланади.

## 2.1.5-чизма

### Тошкент шаҳрида ажратилган кредитларнинг жами кредит қўйилмаларидағи улуши




**Активлар ва капитал рентабеллиги.** 2018 йил якуни бўйича банк тизимида жами активлар рентабеллиги 2,0 фоизни, шундан давлат улушкига эга тижорат банкларида 1,6 фоиз ва бошқа банкларда 4,3 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, банк тизимининг капитал рентабеллиги кўрсаткичи 16,2 фоиз, шу жумладан давлат улушкига эга тижорат банкларида 13,1 фоиз ва бошқа банкларда 30,3 фоиз даражасида шаклланди.

## 2.1.6-чизма

### Активлар ва капитал рентабеллиги, фоизда



Банкларнинг молиявий самарадорлик коэффициентларини солиштириш натижалари давлат улушкига эга ва бошқа тижорат банкларида молиявий бошқариш стратегиялари ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд эканлигини кўрсатмоқда.

Бунда, давлат улушкига эга тижорат банклари активлар ва капитал рентабеллиги кўрсаткичларининг нисбатан пастлиги мазкур банкларнинг асосан давлат аҳамиятига эга бўлган паст маржали дастурларни молиялаштириш билан шуғулланиши ҳамда уларнинг фаолиятида даромадлилиги юқори бўлган тижорат кредитларининг ва чакана банк хизматлари улушининг паст даражада сақланиб қолаётганлиги билан изоҳланади.

## **2.2. Тижорат банкларининг иқтисодиётни кредитлаш бўйича фаолияти**

Тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига ажратилаётган кредитлар асосий қисмининг ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш ва кенгайтириш, янги ишлаб чиқариш корхоналари ва хизмат кўрсатиш обьектларини қуриш ҳамда уларни инновацион ва энергияни тежайдиган замонавий ускуна ва технологиялар билан жиҳозлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадлари учун йўналтирилаётганлиги республикамиз иқтисодий салоҳиятининг жадал ошиб боришини таъминлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

**Инвестиция жараёнларида банкларнинг иштироки.** Ўтган 2018 йил давомида тижорат банклари томонидан иқтисодиёт реал сектори корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификациялашга доир инвестиция лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун 38,8 трлн. сўм ёки 2017 йилга нисбатан 2,4 баробарга кўп инвестицион кредитлар ажратилди.

Тармоқлар кесимида қаралганда жами ажратилган инвестицион кредитларнинг 18,3 трлн. сўми (47 фоизи) саноат соҳасига, 4,9 трлн. сўми (13 фоизи) қишлоқ хўжалиги соҳасига, 4,8 трлн. сўми (12 фоизи) транспорт ва коммуникация соҳасига, 2,6 трлн. сўми (7 фоизи) қурилиш соҳасига, 1,7 трлн. сўми (4 фоизи) хизмат кўрсатиш соҳасига ва 6,5 трлн. сўми (17 фоизи) бошқа соҳаларга йўналтирилган.


Хусусан, ҳисбот йилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2698-сонли “2017-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга оширишни давом эттиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида банклар томонидан рақобатбардош, импорт ўрнини

босувчи ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга қаратилган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга 5,3 трлн. сўм микдорида кредитлар ажратилди.

Шунингдек, худудларда замонавий технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш жараёнига хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилиш, худудларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида ташкил этилган эркин иқтисодий зоналар ҳамда кичик саноат зоналаридаги 190 дан ортиқ лойиҳаларни (2017 йилда 40 та лойиҳа молиялаштирилган) молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан 183,4 млн. АҚШ доллари эквиваленти микдоридаги ёки 2017 йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар кўп кредитлар ажратилди.

#### 2.2.1-чизма

##### **Эркин иқтисодий зоналар ҳамда кичик саноат зоналари кесимида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун 2018 йилда ажратилган кредитлар микдори, млн. АҚШ долларида**



Бундан ташқари, республикамида мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3651-сонли “Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан давлат-хусусий шерикчилиги бўйича тузилган 950 та битимлар доирасида лойиҳаларни молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасидан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан 508 та лойиҳаларни молиялаштириш учун жами 580,2 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

**Кичик бизнес ва тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар.** Тижорат банклари томонидан 2018 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари талаблари доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Бу борада асосий эътибор, кичик бизнес субъектларига узоқ муддатли ва имтиёзли кредитлар ажратишни кенгайтириш орқали ахолини, шу жумладан ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш борасидаги ишларни кучайтириш, бандликка кўмаклашиш ва уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилди.

Натижада, 2018 йил давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари хисобидан ажратилган кредитлар 30,6 трлн. сўмни ташкил этиб, 2017 йилга нисбатан 1,6 баробарга ўсди.

#### 2.2.1-жадвал

**Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаштириш манбалари хисобидан ажратилган кредитлар динамикаси, млрд.сўм**

Асосий йўналишлар	2017 йил	2018 йилда	Ўзгариши (фоизда)
Барча молиялаштириш манбалари хисобидан ажратилган кредитлар	19 564,7	30 648,9	57%
Ажратилган микрокредитлар	4 015,0	6 205,9	55%
Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга	2 782,3	3 361,5	21%
Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга	3 582,2	6 547,8	83%
Хорижий кредит линиялари хисобидан (млн. АҚШ доллари)	521,8	1 039,3	99%

Шу билан бирга, ахолининг бандлигини таъминлаш ва оиласиий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ижтимоий дастурлар доирасида тадбиркорлик субъектларига 2,1 трлн. сўм миқдорида, шу жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сонли ““Ҳар бир оила - тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги Қарори доирасида ахоли ва тадбиркорлик субъектларига **1,2 трлн. сўм**;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ-5242-сонли “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ худудларда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш учун **222,5 млрд. сўм**;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги ПҚ-3680-сонли “Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ 112,6 млрд. сўм;

аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик соҳасини янада қўллаб-қувватлаш мақсадларига маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги худудий жамғармалар ҳисобидан жами 138 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли ““Yoshlar - kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ “Yoshlar - kelajagimiz” жамғармаси маблағлари ҳисобидан 408,8 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун йўналтирилди.

Натижада, ишлаб чиқариш соҳасида 185 млрд. сўмлик 1 430 та лойиҳа, хизмат кўрсатиш соҳасида 132,1 млрд. сўмлик 1 021 та лойиҳа, қишлоқ хўжалиги соҳасида 91,7 млрд. сўмлик 710 та лойиҳа банк кредитлари ҳисобидан амалга оширилди ҳамда мазкур кредитлар ҳисобидан худудларда жами 20 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Хотин-қизлар ўртасида бандликка қўмаклашиш ва тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб қилиш мақсадида тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган аёлларга ажратилган банк кредитлари ҳажми 2018 йил якуни бўйича 2017 йилга нисбатан 1,2 баробарга ошган ҳолда 3,4 трлн. сўмни ташкил этди.

Ҳисобот йилида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида халқаро молия институтлари ва чет эл банкларининг кредит линияларини жалб қилиш борасидаги ишлар давом эттирилди.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига ушбу мақсадда тижорат банклари томонидан 30 дан зиёд чет эл банклари ва халқаро молия институтлари билан уларнинг кредит линияларини жалб этиш бўйича ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, биргина 2018 йил давомида кичик бизнес субъектларига хорижий кредит линиялари ҳисобидан 1,3 млрд. АҚШ доллари миқдорида ёки 2017 йилга нисбатан 3 баробар кўп кредитлар ажратилди.

**Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурлар доирасида ажратилган кредитлар.** 2018 йил давомида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни кўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ҳамда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида тижорат банклари томонидан **3,7 мингдан** ортиқ лойиҳаларни молиялаштириш учун **28,2 трлн.** сўм миқдорида ёки 2017 йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп кредит маблағлари ажратилди. Шундан:

саноат соҳасидаги 1 477 та лойиҳага 20,7 трлн. сўм;

хизмат кўрсатиш соҳасидаги 1 225 та лойиҳага 2,5 трлн. сўм;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги 1 043 та лойиҳага 5 трлн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги туманларга қилган ташрифлари давомида қабул қилинган дастурлар доирасида, 2018 йилда ишга туширилиши белгиланган 2,1 мингдан ортиқ лойиҳага 10,4 трлн. сўм, 2019-2021 йилларда ишга туширилиши белгиланган 1,2 мингдан ортиқ лойиҳага 13,9 трлн. сўм кредит маблағлари йўналтирилди.

Тижорат банкларининг 14,1 трлн. сўм миқдоридаги кредитлари ҳисобига молиялаштирилган 2,6 мингдан ортиқ лойиҳалар 2018 йилда ўз фаолиятини бошлади.

Шунингдек, худудларда уй-жойга бўлган талаб-эҳтиёжни қондириш, уй-жой қурилиши ҳамда ипотека кредитларини бериш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари доирасида:

қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арzon уй-жойлар қуриш учун 1,9 трлн. сўм;

шаҳарларда кўп квартирали уй-жойларни қуриш учун 4,6 трлн. сўм;

кўп квартирали уй-жойларни жорий ва капитал таъмирлаш, куз-қиши мавсумига барқарор тайёрлаш мақсадида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига 628,3 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

### 2.3. Банк тизими инфратузилмаси

2019 йил 1 январь ҳолатига тижорат банклари таркибидаги филиаллар сони 876 тани, мини-банклар сони 1 151 тани, банқдан ташқари операцион кассалар сони 2 150 тани, валюта айирбошлиш шахобчалари сони 956 тани,

халқаро пул ўтказмалари шахобчалари 1 129 тани ҳамда сайёр кассалар сони 2 152 тани ташкил этди. Бунда, 2018 йил давомида тижорат банклари таркибидаги филиаллар ва мини-банклар умумий сони 185 тага ошиб, 2027 тага етди.

Шу билан бирга, республикамизда ҳозирги кунда 92 та нобанк кредит ташкилотлари, шу жумладан 37 та микрокредит ташкилотлари ҳамда 55 та ломбардлар фаолият кўрсатмоқда.

### **2.3.1. Кредит ахбороти давлат реестри ва Кредит бюроси фаолияти**

Бугунги кунда республикамизда “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ кредит ахбороти алмашинуви тизими ташкил этилган бўлиб, мазкур тизим “Кредит-ахборот таҳлилий маркази “Кредит бюроси”” МЧЖ ва Марказий банкнинг Кредит ахборотининг давлат реестрини ўз ичига олади.

Хусусан, Марказий банкнинг **Кредит ахборотининг давлат реестрида** республикамиз банк тизимида тузилаётган барча кредит битимлари ва ушбу битимлар бўйича амалга оширилаётган амалиёtlар тўғрисидаги маълумотлар юритилмоқда.

2018 йил давомида аҳолига ва реал сектор корхоналарига, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажмининг сезиларли даражада ўсиши натижасида Кредит ахборотининг давлат реестри маълумотлар базасига киритилган жами кредит битимлари сони (тўлиқ ижро этилган кредит битимлари билан бирга) йил бошига нисбатан 1,3 баробарга ёки 1 млн. 112 мингтага ошиб, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 4 млн. 653 мингтани ташкил этди.


Ўз навбатида, маълумотлар базасига киритилганлар сони ҳам 2018 йил давомида 1,3 баробарга ёки 626 мингтага ўсиб, 2 млн. 669 мингтага етди. Шундан 2 млн. 156 мингтасини (80 фоизини) жисмоний шахслар, 19 мингдан ортиғини (11,8 фоизини) юридик шахслар ва қарийб 194 мингтасини (7,8 фоизини) якка тартиbdаги тадбиркорлар ташкил этади.

Ҳисобот йилида кредитдан фойдаланувчилар умумий сони асосан жисмоний шахслар ҳисобига ошган бўлиб, кредит олган аҳоли сони қарийб 576,1 мингтага (маълумотлар базасига киритилган кредитдан фойдаланувчилар сони жами ўсишининг 92 фоизи) ёки 36,5 фоизга ўсган. Мазкур ҳолат, асосан 2018 йил давомида аҳолининг бандлигини таъминлаш, оиласиий тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурлар доирасида ажратилган кредитлар, шунингдек истеъмол кредитлари ҳажмининг ошиши билан изоҳланади.

2018 йил бошида амалдаги, яъни кредит бўйича мажбуриятлар мавжуд бўлган кредит битимлари сони 1 млн. 44,3 мингтани, қарздорлар сони эса 1 млн. 32,7 мингтани ташкил қилган бўлса, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига амалдаги кредит битимлари сони 1 млн. 742,2 мингтани (йил бошига нисбатан ўсиш – 66,8 фоиз), қарздорлар сони эса 1 млн. 540,8 мингтани (йил бошига нисбатан ўсиш – 49,2 фоиз) ташкил этади.

### 2.3.1.1-чизма


#### Кредит битимлари сони, мингда



2019 йилнинг 1 январь ҳолатига Кредит ахборотининг давлат реестри маълумотлар базасига киритилган жами кредит битимларининг қарийб 61 фоизи акциядорлик-тижорат банклари, 24,6 фоизи давлат банклари, 11,3 фоизи чет эл капитали иштирокидаги банклар ва 3,3 фоизи хусусий банклар ҳиссасига тўғри келади.

### 2.3.1.2-чизма

#### Амалдаги қарздорлар сони, мингда



2019 йилнинг 1 январь ҳолатига Кредит ахборотининг давлат реестридаги амалдаги қарздорларнинг 925 мингтаси акциядорлик тижорат банклари, 382 мингтаси давлат банклари, 184,4 мингтаси чет эл капитали иштирокидаги банклар ва 49,4 мингтаси хусусий банклар мижозлари хиссасига тўғри келади.

2018 йил давомида Кредит ахборотининг давлат реестридаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш, шунингдек кредит ахборотини етказиб берувчилар томонидан тақдим этилаётган ахборотлар сифатини ошириш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, Кредит ахборотининг давлат реестри электрон базасидаги маълумотларнинг баланс кўрсаткичлари билан мувофиқлигини таъминлаш ва кредитларга оид ахборотларнинг сифатини яхшилаш орқали банк назорати самарадорлигини янада ошириш мақсадида реестрдаги жисмоний шахсларга оид 480,4 мингта, юридик шахсларга оид 160,4 мингта ахборотлар янгиланди.

Шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-куватлашга қаратилган дастурлар доирасида ажратилаётган кредитлар, микроқарзлар ҳамда реал вақт режимида ажратилаётган янги инновацион кредит маҳсулотларини куннинг исталган вақтида реестр маълумотлар базасида рўйхатдан ўтказиш имконияти яратилди.

Кредит ахборотининг давлат реестри базасидаги маълумотлардан Марказий банкнинг банк назорати функцияларини бажаришда, шу жумладан дистанцион (масофадан) тарзда банкларнинг кредит портфелидаги хатарларни баҳолашда кенг фойдаланилмоқда. Мазкур маълумотлар базаси тижорат банкларининг кредит портфелидаги хатарларни масофадан туриб аниқлаш, таҳлил қилиш ва уларнинг олдини олишга қаратилган пруденциал назоратни амалга оширишда катта аҳамият касб этмоқда.

Кредит ахборотининг давлат реестри фаолиятини такомиллаштириш ва ундаги маълумотлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида 2018 йилнинг апрель-май ойларида Жаҳон банкининг техник кўмаги доирасида Халқаро молия корпорацияси эксперtlари томонидан банк тизимида кредит ахбороти алмашинуви ва реестрнинг ички инфратузилмаси диагностика қилинди.

Халқаро молия корпорациясининг тавсиялари ва Кредит ахборотининг давлат реестри маълумотлар базаси бўйича ўтказилган инвентаризация натижаларидан келиб чиқиб, Марказий банк томонидан 2018 йил 26 сентябрда Кредит ахборотининг давлат реестри фаолиятини такомиллаштириш ва кредит ахборотидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Мазкур “Йўл харитаси”га мувофиқ Кредит ахборотининг давлат реестри ахборотлар базаси ҳамда дастурий мажмуасини тўлиқ модернизация қилиш, уни Марказий банкнинг барча таркибий бўлинмалари учун кредит ахбороти бўйича ягона манбага айлантириш ҳамда йиғилаётган маълумотлар таркибини оптималлаштириш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Ўз навбатида, 2018 йилда республикамиздаги кредит ахбороти алмашинуви тизимининг кейинги муҳим субъекти – “**Кредит-ахборот таҳлилий маркази**” кредит бюроси” МЧЖ бўйича ҳам асосий кўрсаткичлар сезиларли даражада ошган.

Бугунги кунда, мазкур Кредит бюроси кредит ахборотлари субъектлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг кредит тарихларини шакллантириш учун зарур бўлган маълумотлар базасини шакллантириш ва ахборотни таҳлил қилиш, кредит ахбороти субъектларининг молиявий фаолиятини таҳлил қилиш ва уларнинг рейтингини баҳолаш тизимини шакллантириш ҳамда шу каби бошқа вазифалар билан шуғулланмоқда.

Хусусан, Кредит бюронинг маълумотлар базасига киритилган жами кредит битимлари сони (тўлиқ ижро этилган кредит битимлари билан бирга) йил бошига нисбатан қарийб 17,7 фоизга ошиб, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 4 млн. 431 мингтани ташкил қилган.

Кредит бюронинг маълумотлар базасига киритилган кредит ахбороти субъектлари сони 2018 йил давомида 11,5 фоизга ўсиб, 9 млн. 821 мингтага етган, шундан 685,6 мингтаси (7 фоизи) юридик шахслар ва 9 млн. 135 мингтаси (93 фоизи) жисмоний шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобига тўғри келади.


### 2.3.1.1-жадвал

#### **Кредит бюро базасидаги юридик ва жисмоний шахслар сони, мингда**

Сана	Юридик шахслар	Жисмоний шахслар	Жами
01-янв-14	839	2 778,8	3 617,8
01-янв-15	876,8	2 918	3 794,5
01-янв-16	1 415	4 164	5 578,9
01-янв-17	589,8	7 642	8 231,8
01-янв-18	620,9	8 189,7	8 810,6
01-янв-19	685,6	9 135,29	9 820,9

Шунингдек, ҳисбот йилида Кредит бюрога кредит ташкилотларидан келиб тушган сўровлар сони 2017 йилга нисбатан 814,5 мингтага ёки 74 фоизга ошиб, 1 млн. 915 мингтани ташкил этди.

## 2.3.1.3-чизма

**Кредит бюргага берилган сўровлар сони, мингда**

Таъкидлаш жоизки, Марказий банкнинг Кредит ахборотининг давлат реестри ҳамда “Кредит-ахборот таҳлилий маркази” кредит бюроси” МЧЖ маълумотлар базасидаги кредит битимлари бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақидаги маълумотлар, кредит ахбороти субъектларини нг молиявий ҳолатини, тўлов қобилиятини ва интизомини аниқлашга қўмаклашувчи бошқа ахборотлар банк соҳасидаги хавф-хатарларни бошқариш, кредит бериш тартибларини такомиллаштириш ва кредит бозорида ракобатни оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўз навбатида, республикамизда кредит ахбороти алмашинуви тизимини ташкил этиш борасида амалга оширилган ишлар халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланмокда. Хусусан, Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг тадбиркорлик шарт-шароитларини юритиш бўйича “Бизнесни юритиши – 2018” ҳисоботига кўра, “Кредит ахбороти алмашинуви индекси” бўйича Ўзбекистон Республикаси банк тизими кетма-кет еттинчи йил мавжуд 8 балл тизимида 7 балл билан баҳоланган.

**2.3.2. Гаров реестри фаолияти**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги “Гаров реестри” давлат унитар корхонаси банк тизими инфратузилмасининг муҳим ташкил этувчиларидан бири бўлиб, унинг фаолияти гаров мол-мулки бўйича холис ахборотлар базасини шакллантириш орқали кредиторлар манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга ҳамда тадбиркорлик субъектларининг кредит олиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган.

2018 йил давомида Марказий банк томонидан “Гаров реестри” давлат унитар корхонаси фаолиятини такомиллаштириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан:

мурожаат этган ҳар бир юридик ёки жисмоний шахс билан тузиладиган шартнома асосида ёзув киритиш учун гаров реестрига кириш, шунингдек ундан реал вақт режимида Интернет ахборот тармоғи орқали фойдаланиш;

гаров реестридаги ахборотни қарздор – солиқ тўловчининг идентификация рақами, ёзувнинг ягона рўйхатдан ўтказиш рақами бўйича излаш имкониятлари яратилди.

Шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларга гаров реестридан фойдаланиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиб борилмоқда.

Бугунги кунда барча тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ҳамда давлат божхона ва солиқ органлари гаров реестрида ўзининг шахсий кабинетларига эга. Шунингдек, корхоналар ва ташкилотлар ҳамда жисмоний шахслар ҳам гаров реестри хизматларидан фаол фойдаланиб келмоқда.

Жумладан, 2018 йилда гаров реестрида 47 та фойдаланувчи рўйхатдан ўтказилган бўлиб, 2019 йил 1 январь ҳолатига гаров реестри фойдаланувчилари сони жами 218 тага етди.

Шунингдек, 2019 йил 1 январь ҳолатига гаров реестрига киритилган ёзувлар сони 411 мингтадан ошган ҳамда мавжуд ёзувларга 421 мингдан ортиқ ўзгартиришлар киритилиб, 253 мингдан ортиқ ёзувлар гаров реестридан чиқарилган. Гаров реестрига киритилган ёзувларнинг 94,8 фоизи тижорат банклари томонидан ва 5,1 фоизи микрокредит ташкилотлари томонидан киритилган.

Ўз навбатида, фойдаланувчиларга ёзувлар бўйича гаров реестридан 4,7 мингга яқин қўчирмалар тақдим этилган.

Шу билан бирга, фойдаланувчиларга қулайликлар яратиш мақсадида 2018 йилда жисмоний шахслар учун гаров реестрида “Биллинг” тизими жорий қилинди ҳамда гаров реестри сайтининг мобил версияси яратилди.

Гаров реестри хизматларидан фойдаланиш тарифларини арzonлаштириш мақсадида гаров реестрига ёзув киритилганлиги учун жисмоний ва юридик шахслардан ундириладиган тўлов миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма фоизидан ўн фоизигача, гаров реестридан қўчирмалар берилганлиги учун жисмоний ва юридик шахслардан ундириладиган тўлов миқдори эса энг кам ойлик иш ҳақининг ўн фоизидан беш фоизигача пасайтирилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида, 2018 йилда Гаров реестри хизматларидан фойдаланиш кўлами сезиларли даражада ошди. Жумладан, фойдаланувчилар томонидан гаров мулкига бўлган ҳукуқлари тўғрисида гаров реестрига киритилган янги ёзувлар сони 2017 йилга нисбатан 85 фоизга кўпайиб, 191,5 мингтани ташкил этди.

### **2.3.3. Аҳоли омонатларини кафолатлаш тизими**

Республикамизда аҳолининг тижорат банкларидағи омонатларини кафолатлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 сентябрдаги 326-сонли “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан ташкил этилган Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан 2002 йилдан буён амалга ошириб келинмоқда.

2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, Жамғарма реестрида ҳисобда турган банклар сони 27 тани ташкил этган бўлиб, аъзо банклар реестри Жамғарма томонидан муентазам равишда матбуотда эълон қилиб борилмоқда.

Жамғарманинг ҳисобот йили давомидаги фаолияти Жамғарма кузатув кенгашининг 2018 йил учун тасдиқланган прогноз қўрсаткичларига асосан амалга ошириб борилди.

2018 йилда Жамғармага аъзо тижорат банклари томонидан 101,8 млрд. сўм миқдорида календарь бадаллар ўтказилган бўлиб, Жамғармага ўтказилган жами календарь бадаллар ҳажми 2019 йил 1 январь ҳолатида 515,4 млрд. сўмни ташкил этди.

Тижорат банкларининг омонатларни кафолатлаш билан боғлиқ харажатларини камайтириш мақсадида Жамғарма кузатув кенгашининг 2018 йил 16 апрелдаги қарори билан Жамғармага ўтказиладиган календарь бадаллар ставкаси 2018 йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб банкдаги кафолатланиши лозим бўлган фуқаролар омонатлари миқдорининг 0,5 фоизидан 0,25 фоизигача пасайтирилди.

Шунингдек, “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан банклар томонидан Жамғармага ўтказиладиган календарь бадаллар банкдаги омонатлар қолдиғининг 5 фоизига етганда бадал ўтказиш тўхтатилиши белгиланган бўлиб, 2018 йил якунига кўра республикадаги жами 9 та банк (Ўзсаноатқурилишбанк, Асака банк, Ипотека банк, Агробанк, Қишлоқ қурилиш банк, Микрокредитбанк, Ҳамкорбанк, Капиталбанк ва Ziraat Bank Uzbekistan) ушбу меъёри (имтиёз)лар даражасига етган.

2018 йил мобайнида Жамғарманинг инвестицион фаолияти 2018 йилга мўлжалланган асосий прогноз кўрсаткичларига ҳамда Кузатув кенгаши томонидан 2018 йил 10 апрелда тасдиқланган “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармасининг вақтинча бўши маблағларини активларга жойлаштириши” Мезонига мувофиқ олиб борилди.

Жамғармада мавжуд маблағларнинг инвестиция мақсадларига йўналтирилиши ва олинган даромадларнинг қайта инвестиция қилиниши натижасида Жамғарманинг жами маблағлари 2018 йилнинг бошига нисбатан 171,4 млрд. сўмга ошиб, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 761,8 млрд. сўмни ташкил қилди.

Ушбу маблағлар тўлиғича тижорат банкларининг, яъни Қишлоқ қурилиш банк (175,5 млрд. сўм), Асака банк (165,4 млрд. сўм), Агробанк (111,4 млрд. сўм), Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (110 млрд. сўм), Микрокредитбанк (85,6 млрд. сўм), Asia Alliance Bank (48,6 млрд. сўм), Алоқабанк (30 млрд. сўм) ва бошқа банкларнинг муддатли депозит ҳамда депозит сертификатларига йўналтирилган.

2018 йилда Жамғарма томонидан тижорат банкларининг муддатли депозит ҳамда депозит сертификатларижа жойлаштирилган қўйилмалар ҳисобидан 71,6 млрд. сўм даромад олинган бўлиб, мазкур кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 25,7 млрд. сўмга ошган.

#### **2.4. Нобанк кредит ташкилотлари фаолияти кўрсаткичлари**


2018 йил давомида нобанк кредит ташкилотлари умумий сони 16 тага кўпайиб, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 92 тага етди.

Жумладан, микроクредит ташкилотлари сони ҳисбот йили давомида 30 тадан 37 тагача ошган бўлса, ломбардлар умумий сони 46 тадан 55 тагача кўпайган.

Республика худудлари бўйича жойлашуви бўйича қаралганда, нобанк кредит ташкилотларининг асосий қисми, яъни 43 таси (47 фоизи) Тошкент шаҳрида жойлашган.

Шунингдек, Тошкент вилоятида 10 та, Фарғона вилоятида 9 та, Бухоро вилоятида 8 та, Андижон вилоятида 6 та, Наманган вилоятида 3 та, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида 2 тадан ҳамда қолган худудларда 1 тадан нобанк кредит ташкилотлари фаолият юритмоқда.


## 2.4.1-чизма

**Нобанк кредит ташкилотлари сони**

Ҳисобот йилида нобанк кредит ташкилотлари сонининг қўпайиши билан бир қаторда, уларнинг фаолият кўрсаткичларининг сезиларли даражада ошиши кузатилди. Хусусан, 2018 йилда микрокредит ташкилотларнинг умумий капитали 2,3 баробарга ёки 133 млрд. сўмга ошиб, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 238 млрд. сўмни ташкил этди.

Ўз навбатида, микрокредит ташкилотларининг активлари умумий ҳажми 2,5 баробарга ёки 214 млрд. сўмга ошиб, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 354 млрд. сўмга етди. Бунда, микроқарз, микрокредит ва микролизинг хизматлари бўйича мижозларнинг қарз мажбуриятлари қолдиги 2,5 баробарга ёки 197 млрд. сўмга ошиб, 325 млрд. сўмни ташкил этди.

## 2.4.2-чизма

**Микрокредит ташкилотларининг асосий молиявий кўрсаткичлари, млн. сўмда**

2018 йилда микрокредит ташкилотларининг микромолиявий хизматлари таркибида микроқарзлар қарийб 2,5 баробарга ёки 183 млрд. сўмга ошиб, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига ушбу хизматлар бўйича мижозларнинг мажбуриятлари қолдиги 308 млрд. сўмни (жами активларнинг қарийб 95 фоизини) ташкил этади.

#### 2.4.3-чизма


##### **Микромолиявий хизматлар таркиби, фоизда**



Шунингдек, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига жами ажратилган микроқарз, микрокредит ва микролизинг бўйича мижозлар мажбуриятлари қолдигининг қарийб 99 фоизи жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келади.

#### 2.4.4-чизма

##### **Ломбардлар асосий кўрсаткичлари, млн. сўмда**



Ўз навбатида, ҳисобот йили давомида ломбардларнинг жами капитали 40 фоизга ёки 28 млрд. сўмга ошиб, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 99 млрд. сўмни ташкил этди. Ломбардларнинг жами активлари эса 37 фоизга ёки 29 млрд. сўмга ошиб, 109 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, улар томонидан ажратилган кредитлар қолдиғи 33 фоизга ёки 21 млрд. сўмга ошиб, 86 млрд. сўмни ташкил этди.


Ҳисобот йили давомида Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартағи ПҚ-3620-сонли “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Карори талабларига мувофиқ нобанк кредит ташкилотларининг кредитлаш фаолиятини тартибга солиш, шу жумладан мижозлардан асоссиз ортиқча тўловлар ундирилишининг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Тижорат банклариға аҳолига микроқарзлар ажратишга рухсат берилиши микромолиявий хизматлар бозорида рақобатни кучайтириб, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларнинг фоиз ставкалари ва комиссион тўловлари даражасини мўътадиллашувига сабаб бўлди. Жумладан, бунгача микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар аҳолига микроқарзларни ўрта ҳисобда 60 фоизлик ставка бўйича ажратган бўлса, тижорат банклари томонидан 30-35 фоизлик ставка бўйича микроқарзлар бериш йўлга қўйилди.


Натижада, ҳисобот йили давомида микрокредит ташкилотлари активларининг рентабеллик даражаси 21 фоиздан 16 фоизгача, капиталининг рентабеллик даражаси эса 28 фоиздан 24 фоизгача пасайди.

#### 2.4.5-чизма

#### **Микрокредит ташкилотлари активлар ва капитал рентабеллиги**



## 2.4.6-чизма

**Ломбардлар бўйича активлар ва капитал рентабеллиги**

Ўз навбатида, 2018 йил давомида ломбардлар активларининг рентабеллик даражаси 75 фоиздан 49 фоизгacha, капиталининг рентабеллик даражаси эса 84 фоиздан 56 фоизгacha пасайди.

### III. МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ 2018 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ

#### 3.1. Пул-кредит сиёсати соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар

##### 3.1.1. Пул-кредит сиёсатининг мақсади ва асосий тамойиллари

2018 йилда Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсати инфляция даражасининг ўрта муддатли истиқболда барқарор пасайишини ва реал фоиз ставкалари ижобийлигини таъминлаш ҳамда иқтисодиётда инфляцион кутилмалар ўсишини олдини олиш мақсадлари доирасида амалга оширилди.

Пул-кредит сиёсатини юритишда, асосий эътибор, иқтисодиётда инфляцион жараёнларни жиловлаш орқали аҳолини инфляцион кутилмаларини пасайтириш ҳамда бизнес юритиш учун қулай муҳитни яратишга қаратилди.

Ушбу даврда қайта молиялаш ставкасининг оширилиши, пруденциал назорат чораларининг кучайтирилиши билан биргаликда кредитлаш шарт-шароитларининг қатъйлашишига ҳамда монетар омилларнинг инфляция даражасига таъсирини камайтиришга хизмат қилди.

Хусусан, ҳисобот йилида Марказий банк томонидан пул-кредит шароитларининг қатъйлаштирилиши, мажбурий захиралаш тартибининг ўзгартирилиши ва ликвидликни жалб қилиш операциярининг жорий этилиши пул бозоридаги фоиз ставкаларининг Марказий банк қайта молиялаш ставкасига яқинроқ даражада шаклланишига хизмат қилди.

Марказий банк пул-кредит сиёсати инструментлари иқтисодиётдаги ликвидликнинг мавсумий ва даврий ўзгаришларни мувозанатлаштириш ҳамда ўсиш суръатларининг иқтисодий салоҳиятдан оғиб кетишининг олдини олиш учун мослашувчанлик билан қўлланилди.

Бу ўз навбатида, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг жамғаришга бўлган фаоллигини қўллаб-қувватлашга хизмат қилиб, кредитлар ўсиш суръатларини иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш суръатларига мос равища мўътадиллашувига хизмат этди.

2018 йил давомида ўрта муддатли истиқболда инфляцион таргетлашга ўтиш учун зарурӣ асосларни яратиш, самарали ва истиқболга йўналтирилган пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасида қуидаги тамойилларга асосланилди.

##### Пул-кредит сиёсатининг аниқ мақсадли йўналишларини белгилаб олиш

2018 йилда пул-кредит сиёсатининг мақсадли йўналишлари, пул-кредит сиёсатини ўрта муддатли истиқболда инфляцион таргетлаш режимига ўтишга тайёрлаш ва иқтисодиётда инфляция даражасини пасайтириш мақсадларини ўз ичига олувчи ўтиш давридаги режимга йўналтирилди.

Марказий банк ҳисобот даврида банклараро пул бозорини кенгайтириш, очиқ бозор операцияларини жорий этиш, шунингдек, таҳлилий инструментлар ҳамда операцион механизмларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш чора-тадбирлари бўйича мақсадларини очиқ эълон қилиш амалиётидан кенг фойдаланди.

#### *Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаштириши тизимини жорий қилиш*

Инфляцион таргетлаш режимининг энг муҳим тамойилларидан бири Марказий банкнинг макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаштириш базасини мустаҳкамлаш ҳисобланади.

Бу борада, 2018 йилда Марказий банк томонидан аҳоли ва бизнес вакилларининг инфляцион кутилмаларини баҳолаб бориш ҳамда турли хил замонавий эконометрик моделлар асосида инфляцияни прогнозлаштириш амалиётлари жорий қилинди.

Шунингдек, илғор халқаро тажрибадан келиб чиқиб, Марказий банкнинг макроиктисодий таҳлил ва прононзлаштириш (FPAS) тизимини яратиш ва жорий қилиш мақсадида ҳисобот йилининг IV чорагида Европа тикланиш ва тараққиёт банки техник кўмаги доирасида катта тажрибага эга бўлган “OGResearch” (Чехия) консалтинг компанияси жалб қилинди ва бугунги кунда мазкур йўналишдаги ишлар фаол олиб борилмоқда.

#### *Самарали инструментлар тўплами*

Инфляцион таргетлашга ўтишда амалдаги пул-кредит сиёсати инструментларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш, шунингдек, бозор тамойиллари асосида ишловчи янги инструментларни амалиётга жорий этиш учун зарурий пойdevор яратиш муҳим ахамият касб этади. Бу инфляцияни маъмурий усуллар билан эмас, балки фақат бозор механизmlари орқали таргетлашга шароит ва имкон беради.

2018 йилда пул-кредит сиёсати инструментларини қўллаш механизmlарини такомиллаштириш, келгуси даврларда фоиз инструментларидан кенг фойдаланиш учун зарурий асослар яратиб бориш бўйича чоралар кўрилди ҳамда уларнинг иқтисодиёт ички талабларига мослашувчан бўлишига асосий эътибор қаратилди.

Пул-кредит сиёсатининг барча трансмиссион каналларининг (фоиз канали, кредит канали, кутилмалар канали ва валюта канали) хусусиятлари ва таъсирлари амалий қўламлар ва натижалардан келиб чиқсан ҳолда таҳлил қилинди ҳамда ўрганиб борилди.

### Коммуникацион сиёсат

Коммуникацион сиёсат ўз ичига молиявий ва пул-кредит кўрсаткичлари бўйича маълумотларни доимий равишда эълон қилиб боришини, Марказий банк томонидан ўз мақсадларини ошкор этиб борилишини ва қабул қилинаётган қарорлар сабаблари юзасидан тушуниришлар бериб борилишини қамраб олади.

2018 йилда коммуникацион сиёсатни юритишда асосий эътибор Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати, банк ва тўлов тизимларини ривожлантириш ҳамда барқарорлигини таъминлаш соҳасида қабул қилаётган қарорлари моҳиятини бозор иштироқчиларига равшан ва осон тушуниладиган даражада етказиб беришга қаратилди.

Бунда доимий равишда шарҳлар, ҳисоботлар ҳамда маъruzалар оммавий ахборот воситалари ва Марказий банк сайтида эълон қилиниб, Марказий банк Бошқаруви қарорлари бўйича пресс-релизлар чоп этиб борилди.

Шунингдек, Марказий банк мутахассислари кўплаб пресс-конференцияларда пул-кредит сиёсатининг бугунги ҳолати ҳамда амалга оширилаётган чора-тадбирлар юзасидан тушуниришлар бериб бордилар. Пул-кредит сиёсати ҳолати, ҳар чоракда қайта молиялаш ставкасини қайта кўриб чиқиши бўйича Марказий банкнинг якуний қарорлари оммавий ахборот воситалари орқали батафсил ёритиб борилди.

### Солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсатларини ўзаро мувофиқлаштириш

Пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсатларини мувофиқлаштириш (координация қилиш) инфляцион таргетлашга самарали ўтишнинг яна бир муҳим бўғини ҳисобланади.

Мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурлари давлат томонидан фаол молиялаштирилаётган даврда бюджет операцияларининг пул-кредит кўрсаткичлари шаклланишига ва умуман пул-кредит сиёсати самарадорлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатишни инобатга олган ҳолда Марказий банк Молия вазирлиги билан биргаликда бюджет даромадлари ва харажатларини кутилаётган параметрларини прогноз қилиб борди.

Бюджет маблағлари оқимларининг сезиларли ўзгариши билан боғлиқ ҳолларда ликвидлилик даражасини самарали тартиба солиш учун Марказий банк зарур қўшимча пул-кредит сиёсати инструментларини амалиётга жорий қилиш бўйича дастлабки ишларни йўлга қўйди ҳамда ўз пул-кредит сиёсати чора-тадбирларини Молия вазирлиги билан мувофиқлаштириб борди.


### 3.1.2. Банк тизими ликвидлиги таҳлили ва унга таъсир этувчи омиллар

Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсатини қатъийлаштириш ва унинг инструментларини фаоллаштириш борасида амалга оширилган чоратадбирлар 2018 йилда банк тизимидаги ликвидлик миқдорини мақбуллаштириш имконини берди.

2018 йил давомида банк тизимидаги ликвидлик миқдори турли “автоном” ва мавсумий омиллар таъсирида сезиларли ўзгариб борган бўлсада, йил охирига келиб банк тизимидаги ликвидлик ҳажми йил бошига нисбатан 1,3 трлн. сўмга (6,7 трлн. сўмдан 5,4 трлн. сўмгача) ёки 19 фоизга камайди. Мазкур даврда банк тизимида ликвидлилик ҳолати турли омиллар (мавсумий, монетар, ташқи иқтисодий, бюджет ҳаражатлари) таъсирида шаклланиб борди.

#### 3.1.2.1-чизма

##### 2018 йилда банк тизими ликвидлиги динамикаси



Хусусан, 2018 йилнинг бошида ликвидликнинг шаклланишига асосан ҳукумат операциялари, қимматбаҳо металлар ишлаб чиқарувчи корхоналар билан ҳисоб-китоблар, Марказий банк кредитлари ва муомаладаги накд пуллар ҳажмининг ўзгариши таъсир кўрсатди.

Бунда давлат ҳаражатларининг ошиши ва монетар олтинни сотиб олиш операциялари ликвидлик ҳажмининг кўпайишига олиб келган бўлса, Марказий банкнинг ички валюта бозоридаги интервенция операциялари, мажбурий захиралаш меъёрларининг ўзгарилиши ва тижорат банклари билан депозит операцияларининг ўтказиб борилиши ликвидлиликни тартибга солишга хизмат қилди.

Марказий банкнинг ички валюта бозоридаги интервенция операциялари йил давомида банк тизимида ликвидлик ҳажмини 26 трлн. сўмга, мажбурий захиралаш тартибининг ўзгартирилиши эса 2,7 трлн. сўмга камайтиришга хизмат қилди.

Ушбу даврда Марказий банкнинг ишлаб чиқарувчилардан монетар олтинни сотиб олиши операцияларининг банк тизими ликвидлигига соф таъсири (жаҳон бозорида олтин нархи ўзгаришини ҳисобга олмагандан) ўзгарувчан бўлди. Яъни, Марказий банкнинг ички валюта бозоридаги интервенция операциялари ҳажми валютага бўлган талаб ва таклифнинг мавсумий ўзгаришидан келиб чиқиб, ўзгарувчан хусусият касб этди.

2018 йилнинг июнь ойидан мажбурий захиралаш меъёрлари ва механизмига ўзгартириш киритилиши Марказий банкнинг ички валюта бозоридаги интервенция операциялари ҳажми кам бўлган шароитларда ликвидликнинг кескин ошиб кетишининг олдини олишга хизмат қилди.

2018 йилнинг август ойидан сўнг ташки иқтисодий шарт-шароитларнинг ўзгариши натижасида ички валюта бозорида хорижий валютага бўлган талабнинг таклифга нисбатан кўпайиши, Марказий банк интервенция операцияларидан ликвидликни тартибга солиш мақсадларида фойдаланиш имкониятини янада оширди. Ушбу даврда интервенция операцияларининг амалга оширилиши натижасида ликвидлик ҳажмининг камайиши кузатилди.

Умуман олганда ҳисбот йили давомида Марказий банк томонидан амалга оширилган соф интервенциялар миқдори 3,2 млрд. АҚШ долларини ташкил қилиб, уларнинг сотиб олинган олтин қиймати доирасида бўлиши таъминланди.

### **3.1.3. Пул-кредит сиёсати инструментларидан фойдаланиш ва унинг трансмиссион механизми таҳлили**

2018 йилда Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсати инструментлари ва уларни қўллаш механизмини такомиллаштириш ҳамда илғор халқаро тажрибага асосланган янги бозор инструментларини жорий қилиш бўйича ишлар давом эттирилди.

Йил давомида мамлакатда шаклланган макроиқтисодий ҳолат ҳамда инфляция даражаси ва инфляцион кутилмаларга таъсир этувчи омиллар бўйича таҳлиллар мавжуд инструмент ва воситалардан самарали фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини доимий равишда қатъйлаштириб боришни тақозо қилди.

### Пул-кредит сиёсати инструментларининг амалий натижадорлиги

Марказий банк томонидан ички нархлар ўсишига монетар омиллар таъсирини пасайтириш мақсадида пул-кредит сиёсатининг барча инструментларидан (мажбурий захиралаш, ликвидлик бериш ва жалб қилиш операциялари, интервенция) босқичма-босқич амалиётда кенг фойдаланиш чоралари кўрилди.

2018 йилда пул-кредит сиёсатининг фоиз инструментларини фаоллаштириш орқали молиявий ресурслар нархига таъсир кўрсатиш мумкин бўлган самарали инструментларни жорий қилиш учун тижорат банкларининг **мажбурий захиралаш меъёрларига** ўзгартиришлар киритилди.

Хусусан, мажбурий захиралаш меъёрларига ўзгартириш киритиш ҳамда депонентлаш тартибини такомиллаштириш 2 босқичда амалга оширилди.

**2018 йил 1 июндан** бошлаб тижорат банклари томонидан мажбурий захирани шакллантириш жалб қилинган мажбурият ва депозитларнинг валюта туридан келиб чиқиб, мос равишда миллий ҳамда хорижий валютада амалга оширилиши белгиланди. Бундан ташқари, мажбурий захирага тортиладиган базага жисмоний шахслар депозитлари киритилди ва мажбурий захиралар миқдорига нисбатан ўртачалаш коэффициенти ўрнатилди.

Депозитларнинг муддатлари бўйича мажбурий захиралаш меъёрлари қайта кўриб чиқилиб, муддатлари 1 йилдан 2 йилгacha, 2 йилдан юқори бўлган депозитлар ҳамда бошқа мажбуриятлар учун уларнинг валюта турига қараб меъёрлари табақалаштирилди. Натижада, хисобот йилининг май ойида хорижий валютанинг жами мажбурий захиралардаги улуши йил бошидаги 96 фоиздан 47 фоизгача пасайиб, қўшимча 2 трлн. сўмлик ликвидлик мажбурий захираларга жалб қилинди.


**2018 йил 1 октябрдан** бошлаб мажбурий захиралаш инструментини такомиллаштиришнинг иккинчи босқичи амалга оширилди. Мазкур босқичда мажбурий захираларни фақат миллий валютада шакллантириш тартиби жорий қилиниб, юридик ва жисмоний шахсларнинг депозитлари бўйича захиралаш меъёрлари бирхиллаштирилди, яъни миллий валютадаги депозитлар учун мажбурий захира меъёрлари пасайтирилди ва чет эл валютасидаги депозитлар бўйича мажбурий захира меъёрлари оширилди.

Натижада, 2018 йил июнь-декабрь ойларида бир йилдан узок муддатли чет эл валютасидаги депозитларнинг жами мажбурий захирага тортиладиган

маблағлардаги улуши 4,2 фоиздан 11,7 фоизгача ошиди. Мазкур даврда миллий валютадаги бир йилдан узоқ муддатли депозитлар улушкининг 10,5 фоиздан 17,8 фоизгача ўсганлиги жамғариш каналининг фаоллашганлигидан дарак беради. Бунда мажбурий захирага тортиладиган қисқа муддатли ва талаб қилиб олингунча депозитлар улуши июнь ойидаги 54 фоиздан декабрь ойида 48 фоизгача камайди.

### 3.1.3.1-ЧИЗМА

#### Банкларнинг Марказий банкдаги мажбурий резервлари қолдиги таркибининг ўзгариш динамикаси



Мазкур ўзгаришлар тижорат банкларининг Марказий банкдаги депозитга ўтказиладиган миллий валютадаги мажбурий захиралар микдорига таъсир қўрсатди ҳамда миллий валютадаги депозитлар жозибадорлигини оширишга ва банк тизимидали ликвидлиликни самарали бошқаришга хизмат қилди.

Шу билан бирга, ташқи омилларнинг инфляция даражасига бевосита ва билвосита босимининг кучайиши шароитларида миллий валютадаги активларнинг даромадлилигини таъминлаш ҳамда давлат харажатлари, шу жумладан ойлик иш ҳақлари оширилиши ва нархлар эркинлаштирилишининг инфляцион кутилмалар ошишига таъсирининг олдини олишга йўналтирилган пул-кредит шароитларини яратиш ва реал фоиз ставкаларининг ижобийлигини таъминлаш мақсадида 2018 йилнинг 25 сентябридан Марказий банк ўз қайта молиялаш ставкасини йиллик 14 фоиздан 16 фоизгача оширди.

Қайта молиялаш ставкасининг оширилиши, биринчи навбатда, инфляцион кутилмалар ва ташқи инфляцион омилларнинг кучайиши билан боғлиқ хатарларни камайишига (пасайишига) имкон берди.

Шунингдек, мазкур ставканинг оширилиши депозитлар бўйича ижобий реал фоиз ставкаларига эришиш орқали миллий валюта - сўмдаги депозитлар жозибадорлигини ҳамда истеъмол ҳажмининг мувозанатли ўсишини қўллаб-куватлади ва шу орқали банк тизимидан пул ресурслари чиқиб кетиши хатарини пасайтириди.

Тижорат банкларида жалб қилинган депозитлар ҳажмининг ўсиши, ўз навбатида, уларнинг узок муддатли ресурс базасининг кенгайишига замин яратди ва мос равишда иқтисодиётни барқарор инвестицион ресурслар билан таъминлашга хизмат қилди.

Бундан ташқари, банк тизими ликвидлилигини тартибга солиш амалиётини янада ривожлантириш мақсадида Марказий банк томонидан 2018 йилнинг 10 ноябридан бошлаб ликвидлик тақдим қилиш ва олиш бўйича **янги турдаги операциялар** жорий қилинди. Хусусан, Марказий банкнинг:

хорижий валюта гарови остида қисқа муддатли қайта молиялаш кредитларини аукцион тарзда тақдим этиш;

давлат қимматли қоғозларини жойлаштириш бўйича аукцион операцияларини ўтказиш;

тижорат банкларининг маблағларини аукцион тарзда ҳамда қатъий фоиз ставкаси бўйича Марказий банкнинг қисқа муддатли депозитларига жалб қилиш бўйича операциялари амалиётга жорий қилинди.

Шунингдек, 2018 йилнинг 12 декабридан бошлаб Марказий банк томонидан ортиқча ликвидликни олиш бўйича **депозит аукционлар** ҳамда **давлат қимматли қоғозларни (ДҚҚ)** жойлаштириш бўйича аукционларни ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди.

Дастлабки ўтказилган депозит аукционларида 449 млрд. сўмлик маблағ жалб қилинган бўлиб, шундан 346 млрд. сўми икки ҳафталик депозитга йиллик ҳисобдаги 16 фоиз ставка бўйича ва 103 млрд. сўми бир ойлик депозитга йиллик ҳисобдаги 17 фоиз ставка бўйича жойлаштирилди.

Марказий банк томонидан ўтказилган иккинчи депозит аукционида тижорат банкларидан 120 млрд. сўм миқдордаги бўш маблағлар 2 ҳафталик депозитга ўртacha тортилган 14,65 фоизлик ставкада жалб қилинди.

Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсатининг банклараро пул бозоридаги фоиз ставкаларни шакллантириш бўйича операцион мақсадидан келиб чиқсан ҳолда депозит аукционларини ўтказиш параметрлари ўрнатилди.


Депозит аукционларининг амалиётга татбиқ этилиши Марказий банкнинг банкларо фоиз ставкаларини операцион мақсади (қайта молиялаштириш ставкаси) атрофида ушлаб туриш борасида жиддий қадам бўлди.

Шунингдек, 2018 йилда давлат қимматли қоғозлари (ДҚҚ) билан операцияларни амалга ошириш қайта йўлга қўйилди. ДҚҚ бир йилгача бўлган муддатга дисконтли ҳамда бир йилдан ортиқ муддатга купонли фоиз ставка билан муомалага чиқарилди. Марказий банк фискал агент сифатида ДҚҚни тижорат банкларга жойлаштириди.

ДҚҚни аукционда жойлаштириш 2018 йилнинг 26-28 декабрь кунлари давомида уч босқичда Ўзбекистон Республика валюта биржасида ўтказилди ҳамда жойлаштирилган жами ДҚҚ суммаси 592,1 млрд. сўмни ташкил этди. Мазкур қимматли қоғозларнинг ўртacha тортилган даромадлилиги йиллик 14,1-14,86 фоизни ташкил этди.

### 3.1.3.2-чизма

#### ДҚҚ даромадлилик ставкалари ва ҳажмлари



Хисобот йилида пул-кредит сиёсатининг очиқ бозор операциялар инструментини ривожлантириш мақсадида Марказий банк томонидан ДҚҚ иккиламчи бозорида Марказий банкнинг иштирок этиш тартиби амалиётга жорий этилди.

Марказий банкнинг депозит операциялари ҳамда ДҚҚ бозорининг ривожланиши келгусида нафақат банк тизими ликвидлигини самарали бошқариш, балки бозор тамойиллари асосида иқтисодиётдаги фоиз ставкалари ҳамда фоиз коридорининг шаклланиши ва асосий ставкани жорий қилишга ҳам туртки бўлади.


### Пул-кредит сиёсати трансмиссион механизмлари

2018 йилда Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсати инструментларининг самарадорлиги унинг трансмиссион (ўтказувчанлик) механизмида яққол намоён бўлди.

Пул-кредит шароитларининг қатъйлаштирилиши, шу жумладан Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг оширилиши трансмиссион механизмининг **фоиз канали** орқали дастлаб банклараро пул бозоридаги ставкаларга, кейинчалик эса иқтисодиётдаги бошқа фоиз ставкаларига (банкларнинг қисқа ва узок муддатли депозитлари ҳамда кредитлари) маълум бир вақтдан кейин таъсир кўрсатди.

#### 3.1.3.4-чизма

#### **Иқтисодиётдаги номинал фоиз ставкалари динамикаси**



Хусусан, 2018 йил давомида юридик шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича ўртacha тортилган фоиз ставкаси йиллик 10,9 фоиздан 13,8 фоизгача, жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича ўртacha тортилган фоиз ставкаси йиллик 16,8 фоиздан 17,1 фоизгача ҳамда банк кредитлари бўйича ўртacha тортилган фоиз ставкаси йиллик 20,3 фоиздан 21,8 фоизгача ошди.

Пул-кредит шароитларини қатъйлаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида, иқтисодиётдаги номинал фоиз ставкалар ҳамда инфляция даражаси ўртасидаги тафовут қисқариб, реал фоиз ставкаларда ижобий ўзгаришлар кузатилди. Жумладан, 2018 йил бошида кузатилган тижорат банкларидаги депозитлар, банклараро депозитлар ҳамда қайта молиялаш ставкаси бўйича салбий реал фоиз ставкалари йил охирига келиб ижобий кўрсаткичларга эга бўлди.

2018 йилда пул-кредит шароитларининг қатъийлаштирилиши **кредит каналида** ҳам ўз аксини топди. Хусусан, миллий валютадаги кредитлар ҳажмининг ўсиши мўътадиллашди ва инфляция даражасига монетар омиллар таъсирининг камайишига хизмат қилди.

Кредит каналининг самарали ишлаши 2018 йилнинг сўнгги ойларида миллий валютадаги кредитлар ҳажмининг ўсиш суръатларида сезиларли секинлашишига имкон берди. Натижада, миллий валютада ажратилган кредитларнинг жами кредитлар ҳажмининг ўсишидаги хиссаси 6,6 фоиздан 3,7 фоизгача пасайди.

### 3.1.3.5-чизма

#### Иқтисодиётга ажратилган кредитлар қолдигининг таркибий ўзгариши



Шу билан бирга, ҳисобот йили давомида хорижий валютада ажратилган кредитларнинг жами кредитлар ўсишидаги хиссаси 2,3 фоиз бандга ошиб, 5 фоиз бандни ташкил этди. Хорижий валютада кредитлаш ҳажмининг ўсиши чет эл валютасидаги кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг нисбатан пастлиги, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг қўшимча кредитлар ажратиши билан изоҳланади.


2018 йилнинг сентябрь ойида қайта молиялаш ставкасининг оширилиши ва октябрь ойида мажбурий захиралаш меъёрларининг ўзгартирилиши **жамғарма каналининг** самарали ишлашига имкон берди.

Натижада, 2018 йилда миллий валютадаги муддатли депозитлар қолдиги 72 фоизга ёки 4 трлн. сўмга ошиб, 9,6 трлн. сўмни ташкил этди ва

уларнинг миллий валютадаги жами депозитлар таркибидаги улуши 20 фоиздан 26 фоизга ошди.

### 3.1.3.6-чизма

#### Миллий ва чет эл валютасидаги муддатли депозитлар қолдиғи



Тижорат банклари томонидан мазкур депозитлар фоиз ставкаларининг доимий ошириб борилиши ахолининг жамғаришга бўлган қизиқишининг ортишига туртки бўлди.


#### 3.1.4.Банклараро пул бозори фаолияти таҳлили

2018 йил давомида банклараро пул бозорида амалга оширилган операциялар ҳажми 2017 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошиб, 12,6 трлн. сўмни ташкил этди. Бунда I-III чораклар мобайнида чораклик операциялар ҳажми 3,4 трлн. сўмдан 2,4 трлн. сўмгача пасайиб борган бўлса, IV чорақда уларнинг ҳажми 3,6 трлн. сўмгача ошди.

Ҳисобот йилида банклараро пул бозоридаги фаолликнинг ошиши қисқа муддатли ликвидликка бўлган талабнинг ортиши ҳамда вакиллик ҳисобварағининг қолдиғи камайиши билан боғлиқ бўлди.

Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг оширилишидан кейинги даврда банк тизимидағи ликвидлик ҳажмининг ўзгариши ҳамда пул-кредит шароитининг қатъийлаштирилиши ҳисобига банклараро депозитлар бўйича ўртacha тортилган фоиз ставка йил бошига нисбатан 1,6 фоиз бандга ўсиб, ўртacha 14,8 фоизни ташкил этди.

## 3.1.4.1-чизма

**Банклараро пул бозоридаги операциялар ставкалари ва ҳажмлари**

Таъкидлаш жоизки, 2018 йилда Марказий банк пул-кредит сиёсати инструментларидан фаол фойдаланиш банклараро пул бозоридаги фоиз ставкалари даражасини қайта молиялаш ставкасига яқинлашишига шароит яратди.

2018 йилнинг декабрь ойида банк тизимидалики ликвидлик ҳажмининг ошишига қарамасдан банклараро пул бозоридаги фоиз ставкаларининг ўсиши Марказий банк томонидан депозит операцияларини амалиётга жорий қилиш ҳамда давлат қимматли қоғозлари билан операцияларни амалга ошириш орқали бозор иштирокчиларига пул-кредит шароитларини қатъйлаштирилганлиги тўғрисида аниқ ишора эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

### 3.2. Накд пул муомаласини ташкил этиш

Хисобот йилида Марказий банк томонидан иқтисодиётдаги нақд пулга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб банкнот ва тангалар бўйича узлуксиз таъминотни ташкил этиш, муомалага чиқарилган нақд пул таркибини оптималлаштириб бориш ҳамда нақд пулларнинг банқдан ташқари айланишини қисқартириш борасидаги амалий ишлар давом эттирилди.

Мамлакатда валюта бозорининг эркинлаштирилиши ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг нақд пулга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида амалга оширилган ишлар савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидаги субъектлар томонидан нақд пулларни банк кассаларига топширишилишини рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда.


Натижада, 2018 йил давомида банклар кассалариға қабул қилинган нақд пул тушумлари ҳажми 2017 йилга нисбатан 2,1 баробарга ортиб, 83,1 трлн. сўмни ташкил қилди.

Хусусан, 2018 йил давомида банк кассалариға товарлар сотишдан тушган нақд пуллар ҳажми 2 баробарга (18,5 трлн. сўмга), пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидан тушумлар 1,8 баробарга (5,0 трлн. сўмга), аҳоли томонидан банк омонатлариға қўйилган нақд пуллар ҳажми 1,9 баробарга (4,6 трлн. сўмга), банк хизматлари бўйича (кредит ва конверсия операциялари бўйича тушумлар) тушумлар ҳажми 3,4 баробарга (3,4 трлн. сўмга), солиқлар ва бошқа мажбурий йиғимлардан тушумлар қарийб 2,1 баробарга (2,6 трлн. сўмга) ҳамда бошқа соҳалардан тушумлар 2,6 баробарга (9,4 трлн. сўмга) ошди.

2018 йилда банк кассалариға тушган жами нақд пул тушумларининг манбалар бўйича улуши: товарларни сотишдан тушум – 45 фоизни (37,3 трлн. сўм), пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидан тушум – 13 фоизни (10,9 трлн. сўм), аҳоли томонидан банк омонатлариға қўйилган нақд пуллар – 12 фоизни (9,8 трлн. сўм), банк хизматлари бўйича тушум – 6 фоизни (4,8 трлн. сўм), солиқлар ва бошқа мажбурий йиғимлар бўйича – 6 фоизни (5,1 трлн. сўм) ҳамда бошқа манбалардан қабул қилинган нақд пуллар – 18 фоизни (15,2 трлн. сўм) ташкил этди.

### 3.2.1-чизма

#### *Жами нақд пул тушумида манбаларнинг улуши, фоизда*



Ўз навбатида, ҳисобот йили давомида банк кассалариға нақд пул тушумини топшириш қўламининг доимий равишда ошиб бориши кузатилди. Хусусан, 2018 йил январь ойида банк кассалариға кирим қилинган нақд

пулларнинг муомаладаги нақд пуллар ҳажмига нисбатан улуши 25,8 фоизни ташкил қилган бўлса, мазкур кўрсаткич июль ойида 27,1 фоизга, декабрь ойида эса қарийб 45 фоизга етди.

2018 йил давомида банк кассаларига нақд пул тушумини топшириш кўламининг ошиши билан бир қаторда, нақд пулдаги чиқимлар ҳажми ҳам 2017 йилга нисбатан 1,9 баробарга ошиб, 85,8 трлн. сўмни ташкил этди.

Бунда, банк кассаларидан амалга оширилган нақд пулдаги чиқимлар деярли тўлиғича (97 фоизи) банк кассаларига топширилган нақд пуллар ҳисобидан амалга оширилди.

Ҳисобот йилида нақд пул чиқими ҳажмининг кескин ошиб кетишига асосан ушбу даврда:

тижорат банкларининг валюта айирбошлиш шахобчалари орқали чет эл валюталарини сотиб олишга йўналтирилган нақд пуллар ҳажмининг 2017 йилга нисбатан 14,8 трлн. сўмга кўпайганлиги;

аҳоли даромадининг ошиши, шу жумладан иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорининг оширилиши натижасида мазкур тўловларга йўналтирилган нақд пул ҳажмининг 10,2 трлн. сўмга ошганлиги ўз таъсирини кўрсатди.


Шунингдек, аҳолига банк карталаридаги маблағларни исталган пайтда ва миқдорда банклар ва банкоматлар орқали нақд пул шаклида ечиб олиш имкониятлари кенгайтирилганлиги, шу жумладан банклар томонидан бозорлар, йирик савдо мажмуалари ва хизмат кўрсатиш обьектларида банкоматлар тармоғини кўпайтирилиши натижасида банк картасидаги маблағларни нақд кўринишида ечиб олишга банк кассаларидан йўналтирилган нақд пул ҳажми 2017 йилдаги 3,1 трлн. сўмдан 2018 йилда 12,3 трлн. сўмгача ошди.

Банк карталаридан жами ечиб олинаётган нақд пулларда банкоматлардан олинган маблағлар улуши 2017 йилда 3,1 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилда 40 фоизга етди.

2018 йилда банк кассаларидан чиқим қилинган нақд пулларнинг тўлов мақсадлари бўйича таҳлили жами чиқимнинг 23 фоизи ижтимоий тўловларга, 24 фоизи иш ҳақи тўловларига, 25 фоизи нақд чет эл валютасини сотиб олишга, 7 фоизи аҳолининг банклардаги омонат ҳисобваракларидан нақд пуллар беришга, 14 фоизи банк карталаридаги маблағларни нақдлаштиришга ва 7 фоизи бошқа нақд пулдаги чиқимлар ҳиссасига тўғри келганлигини кўрсатмоқда.

## 3.2.2-чизма


**Банк кассаларидан амалга оширилгандын нақд пул чиқими  
йүналишлари, фоизда**



Ўз навбатида, ҳисобот йили давомида тижорат банклари томонидан ахолидан сотиб олинган хорижий валюта ҳажмининг 2017 йилга нисбатан 3,1 баробарга (854 млн. АҚШ долларидан 2 695 млн. АҚШ доллариғача) ошганлиги, нақд пулга бўлган жами 14,9 трлн. сўмлик ёки ўртacha бир ойда 1,2 трлн. сўм миқдордаги қўшимча талабни юзага келтирди.

## 3.2.3-чизма


**Ахолидан хорижий валюталарни сотиб олишга банк кассаларидан  
қилинган чиқимлар миқдори, млрд. сўмда**



Юқоридаги омиллар таъсирида ҳисобот йили давомида муомаладаги нақд пуллар ҳажми ўзгарувчан динамикага эга бўлди. Жумладан, муомаладаги нақд пуллар ҳажми 2018 йилнинг январь-март ойларида мавсумий омиллар таъсирида камайиб бориш тенденциясига эга бўлган бўлса, апрель-сентябрь ойлари мобайнида ўсиб борди.

### 3.2.4-чизма

#### **2018 йил давомида муомаладаги нақд пул ҳажмининг ўзгариши, трлн. сўмда**



2018 йилнинг IV чорагида муомаладаги нақд пул ҳажми нисбатан барқарорлашиб, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 22,1 трлн. сўмни ташкил қилди.

2018 йил давомида Марказий банкнинг нақд пул муомаласини ташкил этиш борасидаги фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши сифатида муомаладаги нақд пул номиналлари таркибини оптималлаштириш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, ахоли ва тадбиркорлик субъектларининг нақд пулдаги ҳисоб-китобларини амалга оширишда қулийликлар яратиш мақсадида нақд пулларни муомалага чиқариш асосан йирик номиналдаги (10 000 сўмлик ва 50 000 сўмлик) банкнотлар орқали амалга оширилиб, муомаладаги кичик номиналдаги банкнотлар миқдори босқичма-босқич камайтириб борилди.


Натижада, жами 1,6 трлн. сўмдан зиёд 500 сўмлик ва 1 000 сўмлик, жами номинал қиймати 845 млрд. сўм микдордаги 5 000 сўмлик банкнотлар муомаладан чиқарилди.

Бу эса ўз навбатида, муомаладаги банкнотларнинг сони бўйича таркибий тузилишида сезиларли ўзгаришларнинг юзага келишига олиб келди. Жумладан, 2018 йил бошида муомаладаги нақд пулларнинг умумий

сонида 500 сўм қийматгача бўлган банкнотлар улуши 13 фоизни, 1 000 сўмлик банкнотлар улуши 60,2 фоизни, 5000 сўмлик банкнотлар улуши 19,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йил якунига келиб муомаладаги банкнотлар сонида 500 сўмгача бўлган банкнотлар 9,9 фоиз, 1000 сўмлик - 55,7 фоизни, 5 000 сўмлик - 22,6 фоизни, 10 000 сўмлик - 9,0 фоизни ва 50 000 сўмлик - 2,8 фоиз улушга эга бўлди.

### 3.2.5-чизма

#### **2018 йил давомида муомаладаги нақд пулларнинг сони бўйича таркибий ўзгариши, фоизда**



Банкнотларнинг сони жиҳатдан таркибий тузилишидаги ўзгаришлар, ўз навбатида, муомаладаги нақд пул миқдорининг (қийматининг) банкнотлар кесимидағи тузилмасида ҳам ижобий ўзгаришларга сабаб бўлди.

Хусусан, ҳисобот йилида 10 000 сўмлик ва 50 000 сўмлик банкнотларининг кўпроқ муомалага чиқарилиши ҳисобига муомаладаги нақд пул миқдори (қиймати) таркибида 100, 200, 500, 1 000 ва 5 000 сўмлик банкнотлар умумий улуши 61,1 фоиздан 42,7 фоизгача камайган бўлса, 10 000 сўмлик ва 50 000 сўмлик банкнотлар улуши мос равишда 22,3 фоизга ва 34,9 фоизга, уларнинг умумий улуши эса 57,3 фоизга етди.

Шунингдек, 2018 йил июль ойидан бошлиб, 8,4 млрд. сўм миқдоридаги янги намуналадаги 50, 100, 200, 500 сўмлик тангалар муомалага чиқарилиб, йил якунига келиб уларнинг муомаладаги нақд пул ҳажмидаги (қийматидаги) улуши 0,03 фоизни ташкил этди.

Натижада, ўртача 1 кишига тўғри келадиган муомаладаги банкнотлар сони 2017 йилдаги 232 тадан 2018 йил охирида 174 тагача қисқарди.

Иқтисодиётда нақд пул муомаласини ташкил қилиш ва муомалага чиқарилган банкнотлар таркибини оптималлаштириб бориш борасидаги ишлар билан бир қаторда, ҳисбот йилида Марказий банк томонидан хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нақд пул тушумларини банк кассаларига топшириш борасидаги мавжуд тартибни соддалаштириш ва инкасация хизмати фаолиятини янада самарали ташкил этиш юзасидан ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПФ-5564-сонли “Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниб, мазкур Фармон билан:

энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баробаридан ортиқ миқдорда кунлик ўртача нақд пул тушуми бўлган хўжалик юритувчи субъектларга нақд пулни банк кассаларига инкасация хизматлари орқали ёки мустақил равишда кунлик топшириш;

ушбу белгиланган миқдордан кам бўлган кунлик ўртача нақд пул тушумига эга хўжалик юритувчи субъектларга эса нақд пулни банк кассаларига инкасация хизматлари орқали ўзлари белгилаган даврларда ёки мустақил равишда топшириш имконияти берилди.

Шунингдек, қонун хужжатларида белгиланган тартибда муқобил инкасация хизматларини ташкил этган ҳолда нақд пул тушумини фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг инкасация хизмати орқали топшириш тартиби бекор қилинди.

### **3.3. Валюта сиёсати**

#### **3.3.1. Валютани тартибга солиш борасида амалга оширилган ишлар**

Марказий банк фаолиятининг муҳим йўналишларидан яна бири хисобланган валютани тартибга солиш ва валюта сиёсатини либераллаштириш борасидаги ишлар ҳисбот йилида ҳам давом эттирилди.

Хусусан, ахолига банк хизматларини кўрсатишда, жумладан валюта олди-сотди операцияларини амалга оширишда қулайликлар яратиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 марта ПҚ-3620-сонли “Банк хизматлари оммаболлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ:

жисмоний шахслар томонидан халқаро тўлов карталарига сотиб олинган хорижий валютани тижорат банкларида нақд шаклда ечиб олиш механизми жорий этилди;

жисмоний шахслар учун валюта олди-сотди операцияларини амалга ошириш ҳамда халқаро тўлов карталаридан пул маблағларини хорижий ва миллий валютадаги муддатли омонатларга ўтказишни таъминловчи тижорат банкларининг мобил иловалари яратилди;

тижорат банклари томонидан аҳоли гавжум жойларда, шу жумладан туристик зоналар, аэропортлар, вокзаллар ва бозорларда “24/7” режимида ишловчи автоматлаштирилган валюта айирбошлиш шахобчалари ташкил этилди.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига валюта айирбошлиш шахобчаларининг (автоматлаштирилган шахобчалар билан бирга) умумий сони 1 337 тани ташкил этиб, уларнинг 953 таси банк бинолари қошида ва 384 таси банкдан ташқарида жойлашган. Бунда, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига валюта айирбошлиш шахобчаларининг жами сони 915 тани ташкил этган бўлса, 2018 йилда уларнинг сони 46 фоизга кўпайди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303-сонли “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2018 йил 13 июлдаги ПҚ-3852-сонли “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан товар-хом ашё ва фонд биржаларининг очиқ электрон савдоларида иштирок этувчи норезидент – юридик шахсларга тижорат банкларида ҳисобвараклар очиш ҳамда мазкур савдоларда тушган маблағлар ҳисобидан хорижий валюта сотиб олиш (сотиш) ҳукуки берилди.

Мамлакат мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмининг янада оширилиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 октябрдаги ПҚ-3978-сонли “Мева-сабзавот маҳсулотларини ташки бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори билан:

мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти билан шуғулланувчи юридик шахсларга ушбу маҳсулотлар экспортини олдиндан тўловсиз, аккредитив очмасдан, банк кафолатини расмийлаштиrmасдан ҳамда экспорт шартномасини сиёсий ва тижорат хавфларидан суғурта полисисиз амалга ошириш ҳукуки берилди;

мева-сабзавот маҳсулотлари экспортидан тушумларнинг Ўзбекистонга келишини ўз вақтида таъминламаган хўжалик юритувчи субъектларнинг ноҳалол экспорт қилувчилар реестрига киритилиши ҳамда уларга нисбатан кейинги маҳсулотлар экспортини амалга оширишда фақатгина 100 фоизлик олдиндан тўлов олиш талаблари қўлланилиши белгилаб қўйилди.


### 3.3.2. Валюта бозоридаги операциялар таҳлили

2018 йилда ички валюта бозорида хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан хорижий валютани сотиб олиш ва сотиш операциялари ҳажми ҳамда валюта бозори иштирокчилари сони ошганлиги кузатилди.

Хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан сотиб олинган жами валюта ҳажми 2017 йилга нисбатан 1,5 баробарга ёки 6,7 млрд. АҚШ долларидан 10,4 млрд. АҚШ долларигача ошган бўлса, улар томонидан сотилган валюта миқдори 2 баробарга ёки 3,2 млрд. АҚШ долларидан 6,5 млрд. АҚШ долларигача кўпайган.

#### 3.3.2.1-чизма

##### **2018 йилда ички валюта бозорида сотилган ва сотиб олинган хорижий валюта ҳажми, млн. АҚШ. долларида**



Бунда, ички валюта бозорида хорижий валютани харид қилган хўжалик юритувчи субъектлар сони ҳисобот йили мобайнида 2 200 тадан 5 100 тагача, ёки 2,3 баробарга кўпайган.

Бу эса ўз навбатида, валюта бозорининг эркинлаштирилиши натижасида ўз валюта операцияларини норасмий валюта бозорида амалга оширувчи кўплаб тадбиркорлик субъектларининг банк секторига ўтайдиганлиги билан ҳам изоҳланади.

2018 йил мобайнида ички валюта бозорида хорижий валюта таклифи асосан хўжалик юритувчи субъектларнинг экспортдан олган валюта маблағлари ҳамда хорижий давлатлардан келиб тушган пул ўтказмалари ҳисобига шаклланди.

Хусусан, 2018 йилда тижорат банкларига сотилган экспорт тушумлари ҳажми 2 баробарга кўпайиб, 4,1 млрд. АҚШ долларини ташкил этди

(2017 йилда 2,1 млрд. АҚШ доллары). Натижада, авваллари экспорт тушумининг мажбурий тартибда банкларга сотилган қисми 31 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилда ушбу кўрсаткич 61 фоизга етди.

2018 йилда Марказий банкнинг валюта бозоридаги интервенциялари стратегияси алмашув курсининг ички валюта бозоридаги талаб ва таклиф асосида шаклланиши шароитида амалга оширилиб, олтин-валюта захираларининг “нейтраллик” тамойилига асосланди.


Ҳисобот йили давомида Марказий банк томонидан амалга оширилган интервенциялар ҳажми 3,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этди ва Марказий банк томонидан харид қилинган монетар олтин қиймати доирасида бўлиши таъминланди.

Бунда, 2018 йил мобайнида олтин-валюта захираларидан жами 3,8 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар ички валюта бозорига йўналтирилган бўлиб, ушбу маблағлар ҳисобига ички валюта бозоридаги хорижий валютага бўлган умумий талабнинг 37 фоизи қопланди. Мазкур кўрсаткич валюта бозорини либераллаштиришдан аввалги даврда 75 фоизни ташкил этган.

2018 йил давомида миллий валюта – сўмнинг алмашув курси ички валюта бозоридаги талаб ва таклифнинг ўзаро нисбати асосида шаклланиб, хорижий валютага бўлган талаб ва таклифга таъсир этувчи мавсумий омиллар ҳисобига ўзгариб турди.

### 3.3.2.2-чизма

#### **2018 йил мобайнида Республика валюта биржаси савдоларида АҚШ долларининг сўмга нисбатан қийматининг ўзгариши, сўм/АҚШ долл.**



Умуман олганда, 2018 йил охирига келиб миллий валютанинг алмашув курси йил бошига нисбатан 2,7 фоизга (8 120 сўмдан 8 339 сўмгача) пасайган бўлса, йил мобайнида курснинг минимал ва максимал миқдори ўртасида ўзгариши 7,3 фоизни (август ойида – 7 781 сўм, декабрь ойида – 8 348 сўм) ташкил этди.


### **Юридик шахслар томонидан амалга оширилган валюта операциялари**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг экспорт шартномалари бўйича валюта маблағларининг ҳаракатланиши юзасидан амалга оширилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2018 йил якуни бўйича республикамиз тадбиркорлик субъектларнинг жами экспорт тушуми 12,3 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 10 фоизга ёки 1,1 млрд. АҚШ долларига ўсган.

Экспорт тушумининг 5,6 млрд. АҚШ доллари (жами экспорт тушумининг 45 фоизи), шу жумладан 3 млрд. АҚШ доллари монетар олтин ва кумуш экспортидан ҳамда 2,6 млрд. АҚШ доллари табиий газ экспортидан келиб тушган маблағлар ҳиссасига тўғри келади. Бошқа товар ва хизматлар бўйича жами экспорт тушуми эса 6,6 млрд. АҚШ долларини (55 фоиз) ташкил қилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 5 фоизга ёки 334 млн. АҚШ долларига кўпайган.

#### **3.3.2.3-чизма**

### **2018 йил давомида корхоналарнинг экспорт тушумлари ҳамда импорт тўловлари миқдори, млн. АҚШ долларида**



\* Монетар олтин ва кумуш сотувидан ташқари

Ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 2018 йилда амалга оширилган импорт тўловлари ҳажми 2017 йилга нисбатан 42 фоизга ошиб, 15,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Ушбу тўловларнинг 56 фоизи ички валюта бозорида харид қилинган маблағлар ҳисобига амалга оширилган бўлса, 25 фоизи корхоналарнинг ўз валюта маблағлари ва қолган 19 фоизи чет эл валютасида олинган кредит маблағлари ҳисобига тўланган.


2018 йил давомида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ички валюта бозорида харид қилинган 10,4 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги валюта маблағларининг асосий қисми ёки 83 фоизи ишлаб чиқариш мақсадлари учун мўлжалланган товар ва хизматларни импорт қилишга, 10 фоизи истеъмол товарлари ва дори-дармонлар импорти, хорижий кредитларни сўндириш, хорижий инвесторлар даромадларининг репатриацияси учун, қолган 7 фоизи эса бошқа мақсадлар учун йўналтирилган.

### **Жисмоний шахслар билан валюта айирбошлиш операциялари**

2018 йил давомида тижорат банклари томонидан жисмоний шахслардан жами 2,7 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги хорижий валюта сотиб олинган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 3 баробарга ёки 1,8 млрд. АҚШ долларига ошган.

#### **3.3.2.4-чизма**

### **2018 йил давомида жисмоний шахсларнинг валюта айирбошлиш операцияларининг ҳажми, млн. АҚШ долларида**



Бунда, операцияларнинг қарийб 40 фоизи 1 000 АҚШ долларидан ортиқ суммадаги операцияларга тўғри келган бўлса, операциялар сони бўйича уларнинг улуши фақатгина 3 фоизни ташкил қилган. Ўз навбатида, 100 АҚШ долларигача бўлган суммадаги операциялар жами сотиб олиш

амалийётлари сонидаги улуши 71 фоизни, жами сотиб олинган валюта маблағлари ҳажмидаги улуши эса 22 фоизни ташкил қилган. Ушбу ҳолат жисмоний шахслар асосан жорий харажатлари учун 100 АҚШ долларигача бўлган миқдордаги валюта маблағларини айирбошлиш мақсадида тижорат банкларига мурожаат қилаётганлигидан далолат беради.

2018 йил давомида жисмоний шахсларга жами 975 млн. АҚШ доллари миқдоридаги валюта маблағлари сотилган бўлиб, 2017 йилга нисбатан ушбу кўрсаткич 5 баробарга ошган. Валюта маблағларининг 32 фоизи якка тартибдаги тадбиркорларга ва 68 фоизи жисмоний шахсларга сотилган.

Таҳлилларга кўра, аҳолига хорижий валюта сотиш бўйича 1 000 АҚШ долларигача бўлган суммадаги операциялар сони 74 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳажми бўйича мазкур турдаги операциялар улуши 15 фоизга тўғри келган. Шунингдек, фуқароларга 10 000 АҚШ долларидан юқори бўлган суммада чет эл валютасини сотиш операциялари ҳажми 64 фоизни ташкил этган бўлса, шу турдаги операциялар сон жиҳатдан 4 фоизни ташкил қилган. Яъни, жисмоний шахсларнинг асосий қисми 1000 АҚШ долларигача бўлган миқдордаги валюта маблағларини сотиб олиш учун тижорат банкларига мурожаат қилганлар.

### **Халқаро пул ўтказмалари бўйича амалга оширилган операциялар**

Халқаро пул ўтказмалари бўйича 2018 йил мобайнида жисмоний шахслар номига жами 5,1 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги валюта маблағлари келиб тушган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 4 фоизга ўсган. Эксперт баҳолаш натижаларига кўра, ушбу ўсиш асосан хорижий давлатларга ишлашга кетаётган фуқаролар сонининг ортиши ҳисобига вужудга келган.


Келиб тушган маблағларнинг битта операция бўйича ўртacha суммаси 418 АҚШ долларини ташкил қилган. Таҳлилларга кўра, келиб тушган жами валюта маблағларининг 45 фоизи 500 АҚШ долларгача бўлган суммадаги операциялар ҳиссасига тўғри келиб, сон бўйича ушбу суммадаги операциялар улуши 81 фоизни ташкил қилган.

Пул ўтказмаларининг 78 фоизи Россия Федерациясидан, 6 фоизи Қозоғистондан ва қолган 16 фоизи бошқа мамлакатлардан юборилган. Мижозларнинг хоҳишига кўра келиб тушган маблағларнинг 127 млн. АҚШ доллари миллий валютада тўлаб берилган.

Ўз навбатида, ҳисботот йили давомида жисмоний шахслар томонидан халқаро пул ўтказмалари орқали хорижий мамлакатларга қарийб 900 млн. АҚШ доллари миқдоридаги валюта маблағлари жўнатилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 175 млн. АҚШ долларига ёки 24 фоизга ошган.

## 3.3.2.5-ЧИЗМА

**2017-2018 йиллар давомида халқаро пул ўтказмалари орқали келиб тушган ва жўнатилган маблағлар динамикаси, млн. АҚШ долларида**



Бунда, битта операция бўйича жўнатилган ўртacha сумма микдори 1100 АҚШ долларни ташкил қилган. Маблағларнинг 45 фоизи Россия Федерациясига, 15 фоизи Туркияга, 8 фоизи Қозоғистонга ва қолган 32 фоизи бошқа мамлакатларга юборилган.

Пул ўтказмалари орқали жўнатилган маблағларнинг 83 фоизини 1000 АҚШ долларидан ортиқ бўлган суммадаги операциялар ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, ушбу маблағлар фуқаролар томонидан савдо билан боғлиқ бўлмаган операциялардан ташқари, мокилик импорти<sup>6</sup> учун ҳам хорижий мамлакатларга юборилаётган бўлиши мумкин.

Хорижга жўнатилган маблағларнинг 112 млн. АҚШ доллари, мижозларнинг талабига кўра, миллий валютада топширилган маблағларни автоматик тарзда чет эл валутасига конверсия қилиш орқали юборилган.

### 3.3.3. Ўзбекистон Республикасининг тўлов балансини шакллантириш борасида амалга оширилган ишлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги Ф-5054-сонли “Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва молиявий маълумотларнинг очиқлиги ва оммабоплигини таъминлаш чоралари тўғрисида”ги Фармойиши ва 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сонли “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан

<sup>6</sup> Резидент - жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистонда қайта сотиш мақсадида чет элда сотиб олинган маҳсулотларнинг олиб кирилиши.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига кўра тўлов балансини ҳисобини юритиш ва таҳлил қилиш тизимини тўлиқ шакллантириш Марказий банк фаолиятининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди.

*Тўлов баланси бу маълум бир вақт давомида мамлакат резидентлари ва норезидентлари ўртасидаги амалга оширилган операцияларни жамланма кўринишида акс эттирувчи статистик ҳисобот ҳисобланади. Тўлов баланси статистикаси миллий ҳисоблар тизими учун муҳим маълумотлар манбаси ҳисобланиб, улардан бевосита мамлакат ялти ички маҳсулотини ҳисоблашда фойдаланилади. Мазкур статистик маълумотлар ташқи савдо, ишлаб чиқарии даражаси, истеъмол ҳажми ўзгариши, хорижий инвестициялар, ташқи қарзлар аҳволи ва олтин-валюта захиралари билан боғлиқ жараёнларни кузатиб бориши ва таҳлил қилиши имкониятини беради.*

2018 йилнинг I чораги давомида Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикаси тўлов балансини шакллантириш ва жамоатчиликка тақдим этишни йўлга қўйиш юзасидан бир қатор тайёргарлик ишлари амалга оширилди.

Қонунчиликка асосан халқаро инвестицион позиция статистикасини шакллантириш вазифаси Давлат статистика қўмитасига юклатилган бўлсада, мазкур статистик ҳисботнинг тўлов баланси билан чамбарчас боғлиқлигини ҳамда Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) тавсияларини инобатга олган ҳолда ушбу статистик ҳисботни тузишни Марказий банк ўз зиммасига олди.

Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция статистикасини шакллантириш ва тарқатишга тайёргарлик жараёнида ХВЖнинг техник қўмаги жалб қилиниб, тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция кўрсаткичларини шакллантириш бўйича маълумотлар манбалари аниқлаштирилди ҳамда мазкур маълумотларни шакллантириш методологияси бўйича Марказий банк ходимларининг билим ва савиялари ошириб борилди.

Шунингдек, Марказий банкнинг тегишли таркибий бўлинмалари ходимлари ХВЖ томонидан ташкил қилинган маҳсус ўқув-семинарларига юборилиб, тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция статистикасини шакллантириш борасидаги ХВЖ стандартлари ва методологик қўлланмалари бўйича тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлишди.

Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция статистикасини шакллантириш бўйича ишларни самарали ташкил этиш мақсадида, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан зарур маълумотларни Марказий банкка тақдим қилиш механизmlарини белгилаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги 263-сонли “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сектори статистикаси шакллантирилишини

таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор доирасида тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция кўрсаткичларини шакллантириш юзасидан ўндан ортиқ вазирлик, идора ва ташкилотлардан даврий (чораклик) маълумотларни Марказий банкда мужассамлаштириш тизими яратилди.

ХВЖ методологиясига асосан тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция кўрсаткичларини шакллантиришда фойдаланиладиган айrim маълумотларни расмий манбалардан олиш имконияти мавжуд эмаслигини инобатга олиб, баъзи кўрсаткичларни экспертилик баҳолаш механизмлари ишлаб чиқилди.

Хусусан, чет элда ишловчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бирламчи ва иккиламчи даромадлари, харажатлари, аҳолининг чет эл валютасидаги жамғармалари қолдиқлари, шунингдек, транспорт ва суғурта билан боғлиқ импорт хизматлари харажатлари, мокилик импорти кўрсаткичлари чегара худудларда сўровлар ўтказиш орқали ҳисобланмоқда.

2018 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция чораклик статистикаси ХВЖ стандартларига мувофиқ ҳисобот чорагидан кейинги чорак давомида тузилиб, Марказий банк веб-сайтида ўзбек, рус ва инглиз тилларида ҳамда ХВЖнинг маълумотларни тарқатиш тизимларида жойлаштириб борилмоқда.

Шу билан бирга, 2016-2017 йиллар учун тўлов баланси ХВЖнинг аввалги услубий кўлланмаси асосида тузилганлигини инобатга олиб, келажакда ушбу йиллар учун кўрсаткичларни ХВЖнинг сўнгги стандартларига мувофиқ қайта тузиш чоралари кўрилмоқда.

### **3.4. Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш**

Ҳисобот йилида Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Конунининг 50-моддасида белгиланган тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш борасидаги вазифаларнинг сифатли бажарилишини таъминлаш бўйича ишлар давом эттирилди.

Бу борада, асосий эътибор, илғор хорижий тажриба, умумэътироф этилган меъёрларни чуқур ўрганиш асосида кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи тамойил ва механизmlарни такомиллаштириш, шу жумладан халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган пруденциал назоратнинг замонавий механизmlарини жорий қилишга ҳамда уларнинг амалдаги қонун хужжатлари ҳамда Марказий банкнинг иқтисодий меъёрларига риоя қилишини таъминлашга қаратилди.

### 3.4.1. Банклар фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш

Ҳисобот йилида халқаро амалиётда банк фаолиятига оид хатарларни аниқлашда кенг қўлланиладиган стресс-тест модделларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 2018 йилнинг I чорагида Жаҳон банки мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган марказий банклар томонидан банк фаолиятига оид хатарларни аниқлашда қўлланиладиган стресс-тест ўтказиши модели амалиётга жорий қилинди.

Бугунги кунда мазкур модель асосида тижорат банклари стресс-тестдан ўтказилиб, банкларнинг кредит, фоиз, валюта, ликвидлилик хатарлари доимий равишда таҳлил қилиб борилмоқда.

Шунингдек, 2018 йилнинг ноябрь ойида бевосита тижорат банклари томонидан банк фаолиятига оид хатарларни баҳолашда қўлланиладиган стресс-тест модели ҳам амалиётга жорий қилинди. Ушбу модель ёрдамида тижорат банкларининг пул оқимлари, ликвидлилик ҳолати ва кредит хатарлари стресс-тестдан ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида банклар фаолиятидаги тизимли муаммолар ва уларни банк тизими молиявий барқарорлигига ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири масалаларига бағишлиб 2018 йил 22 ноябрь куни ўтказилган йиғилиш натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги ПҚ-4071-хдфу-сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, фаолияти самарадорлигини ошириш ва кредит сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга мувофиқ, давлат улуши иштирокидаги банклар кенгашларига банклар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг тузилмасини қайта кўриб чиқиш, активлар ва мажбуриятлар муддатлари мутаносиблигини таъминлаш, кредит портфелини диверсификация қилиш, банк таваккалчилигини бошқариш ва баҳолашни такомиллаштириш, масофавий хизматларни жорий этиш ва бизнес-жараёнларни автоматлаштириш орқали операцион харажатларни оптималлаштириш, кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш ва бошқа чора-тадбирларни кўзда тутувчи банкларни ривожлантиришнинг уч йиллик стратегияси ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга, 2018 йил давомида кредит ташкилотлари пруденциал назоратига оид меъёрий-хуқуқий базани Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва бошқалар алоқадор давлат идоралари ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигига такомиллаштириш ишлари давом эттирилди.

Хусусан, Марказий банкнинг:

*“Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги;*

*“Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий ўйқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириши ҳамда улардан фойдаланиши тартиби тўғрисида”ги;*

*“Тижорат банкларининг ликвидилигини бошқаршига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомлари Жаҳон банки тавсияларига асосан қайта кўриб чиқилди ва Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказилди.*

Жумладан, *“Тижорат банкларининг ликвидилигини бошқаршига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомнинг янги таҳририда банк ликвидилиги ҳисоб-китоблари Базель-3 талабларига мувофиқлаштирилди.*

Юқоридаги чора-тадбирлар билан бир қаторда, Марказий банкнинг банк тизими барқарорлигини, омонатчилар, қарз олувчи ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган назорат вазифаларидан келиб чиқиб, 2018 йил давомида банклар ва уларнинг филиалларида комплекс ва тематик характердаги текширувлар ўтказиб борилди.

Хусусан, 2018 йилда 14 та тижорат банклари, яъни Ўзмиллийбанк, Халқ банки, “Туронбанк” АТБ, “Ҳамкорбанк” АТБ, “Универсал банк” АТБ, “Туркистонбанк” ХАТБ, “NI-TECH BANK” ХАТБ, “Савдогарбанк” АТБ, “Мадад Инвест банк” ХАТБ, “InFinBank” АТБ, “Ориент Финанс” ХАТБ, “Давр банк” ХАТБ, “КДБ Банк Ўзбекистон” АЖ ҳамда Эрон “Содерот” банкининг фаолияти комплекс инспекциядан ўтказилди

Банкларда комплекс инспекция текширувларини ўтказиш жараёнида, асосий эътибор, уларнинг фаолиятида мавжуд бўлган хавф-хатарларни аниқлаш, банкларнинг молиявий ҳолатига баҳо бериш, амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда Марказий банкнинг иқтисодий меъёрларига риоя қилинишини ўрганишга қаратилди.

Комплекс текширувлар натижаларига кўра, Марказий банк Банк назорати қўмитасининг тегишли қарорларига асосан фаолиятида камчиликларга йўл қўйган банкларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Бундан ташқари, Марказий банк томонидан алоҳида масалалар юзасидан, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг сўровларига асосан тижорат банклари фаолияти бўйича текширишлар мунтазам равища ўтказиб борилди.

Марказий банк томонидан 2018 йил мобайнида банк қонунчилиги талабларини бузганлиги учун 12 та банкка нисбатан айрим банк операцияларини амалга оширишни тақиқлаб қўйиш ва 28 та банкка нисбатан жами 20,5 млрд. сўм миқдорида жарима ундириш каби таъсир чоралари қўлланилди.

Хусусан, Марказий банк томонидан белгиланган иқтисодий меъёrlарга риоя этилиши юзасидан аниқланган:

62 та ҳолат бўйича жами 2,9 млрд. сўм миқдорида;

жойида ўтказилган инспекция текширувлари натижасида аниқланган 13 та ҳолат бўйича 5,9 млрд. сўм миқдорида;

валюта операциялари бўйича белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан аниқланган 89 та ҳолат бўйича 5,9 млрд. сўм миқдорида;

ички назорат талабларига риоя этилиши юзасидан аниқланган 8 та ҳолат бўйича 3,5 млрд. сўм;

бошқа 65 та ҳолатлар бўйича 2,3 млрд. сўм миқдорида жарима чоралари кўрилди.

2018 йил давомида қўлланилган чораларга асосан Марказий банк тижорат банклари Бошқарувларига йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва келгусида уларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш бўйича кўрсатмалар юборди ҳамда ушбу чора-тадбирлар ижросини қатъий назоратга олди.

### **3.4.2. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш**

Ҳисобот йилида Марказий банк томонидан нобанк кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг кредитлаш фаолиятини тартибга солиш ҳамда уларнинг тегишли меъёрий-ҳукукий хужжатларда белгиланган талабларга риоя қилиши устидан назоратни кучайтириш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, нобанк кредит ташкилотларининг фаолиятини молиявий ҳисоботлар асосида масофадан туриб (дистанцион) ҳамда жойида текшириш ўтказиш йўли билан назорат қилиш ва тартибга солиш тизими жорий қилинган бўлиб, 2018 йил давомида жами 21 та нобанк кредит ташкилоти, жумладан 13 та микрокредит ташкилоти ва 8 та ломбард фаолияти жойида текширишдан ўтказилди.

Ўтказилган текширишлар натижаларига кўра, фаолиятида қонун хужжатлари шу жумладан, Марказий банкнинг меъёрий-ҳукукий хужжатлари талабларининг бузилишига йўл қўйган 10 та микрокредит

ташкилоти ва 3 та ломбардга нисбатан жами 217,6 млн. сўм миқдоридаги жарима санкциялари қўлланилди. 3 та микрокредит ташкилоти ва 5 та ломбардга аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатма хатлари юборилди.

Шунингдек, 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан нобанк кредит ташкилотлари устав капиталини белгиланган меъёр талабларига (устав фондининг минимал миқдори янги ташкил этиладиган микрокредит ташкилотлари учун 2,0 млрд. сўм ва ломбардлар учун 500 млн. сўм) етказилишини таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиб, 90 та нобанк кредит ташкилотлари устав капитали белгиланган меъёрларга етказилди.

Ҳисобот йили давомида Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 марта ПҚ-3620-сонли “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори талабларига мувофиқ нобанк кредит ташкилотлари банк хизматлари истеъмолчиларининг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ушбу қарор асосида микрокредит ташкилотларининг микромолия хизматлари шартномалари, шунингдек ломбардлар томонидан тузилган кредит шартномаларига қарз суммасининг ярмидан кўп миқдорида йиллик фоизлар ҳисоблаш, комиссия ва неустойка (штраф, пеня) ундириш ва жавобгарликнинг бошқа чораларининг қўлланилишига нисбатан чекловлар ўрнатилди.

Шу мақсадда Марказий банкнинг тегишли меъёрий-хуқуқий ҳужжат ва кўрсатмаларига нобанк кредит ташкилотларининг кредит сиёсалари, шунингдек микромолиявий хизматлар бўйича мижозлар билан тузилган шартномаларига кредитлар бўйича фоиз тўловлари унинг йиллик қарздорлик суммасининг ярмидан ошмаслиги юзасидан тегишли ўзгартиришлар киритилди.

### **3.5. Тўлов тизимлари ва банкларда молиявий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунида Марказий банкка юклатилган республикада ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш вазифасидан келиб чиқиб, 2018 йил давомида Марказий банк томонидан миллий тўлов тизимининг барқарор фаолият юритишини

таъминлаш ҳамда уни илғор халқаро тажриба, замонавий талаб ва андозаларга мувофиқ янада ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилди.


### **3.5.1. Банклараро электрон тўлов тизими ривожланиши**

Мавжуд бўлган электрон тўловлар тизими банклараро тўлов тизими, банкларнинг ички тўлов тизимлари ва чакана тўлов тизимларидан ташкил топган бўлиб, мазкур тўлов тизимлари иқтисодиётдаги тўлов ва ҳисоб-китобларнинг асосий қисмини ташкил этувчи нақдсиз шаклдаги транзакцияларнинг ўз вақтида ва тўғри амалга оширилишини таъминлаб келмоқда.

Жумладан, 2018 йил давомида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган операциялар суммаси 2017 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошиб, 845,6 трлн. сўмни ташкил қилди.

#### **3.5.1.1-чизма**


#### **Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали 2016-2018 йилларда амалга оширилган транзакциялар суммаси, млрд. сўмда**



Бунда, ҳисобот йилида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган тўлов ва ҳисоб-китоблар суммаси 2017 йилга нисбатан ошган бўлсада, ушбу тўлов тизими орқали ўтган транзакциялар сони аксинча 3,2 фоизга ёки 2017 йилдаги 77,2 млн. тадан 74,7 млн. тагача камайган.

## 3.5.1.2-чизма

**Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали  
2016-2018 йилларда амалга оширилган транзакциялар сони, минг тада**



Амалга оширилган транзакциялар сонининг бундай камайиши ахолининг турли тўловларини Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар Клиринг тизими орқали амалга оширилиши кўламининг ортиши билан изоҳланади. Жумладан, 2018 йилда ахолининг нотариал хизматлар ва Давлат персоналлаштириш маркази билан боғлиқ барча тўловларини Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар Клиринг тизими орқали ўтказиш тартиби жорий қилинди.

Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакцияларнинг тўлов ҳужжатлари турлари кесимидағи таҳлили, тўлов топшириқномалари орқали амалга оширилган транзакциялар сони 41,2 млн. тани (жами транзакцияларнинг 55,2 фоизини), транзакциялар суммаси эса 563,9 трлн. сўмни (жами транзакциялар суммасининг 66,7 фоиз), мемориал ордерлар орқали амалга оширилган транзакциялар сони 26,9 млн. тани (36,1 фоиз), транзакциялар суммаси эса 278,4 трлн. сўмни (32,9 фоиз) ҳамда инкассо топшириқномалари орқали амалга оширилган транзакциялар сони 5,9 млн. тани (8 фоиз), транзакциялар суммаси эса 2,5 трлн. сўмни (0,3 фоиз) ташкил этганлигини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, тўлов талабномаси орқали амалга оширилган транзакциялар сони 480 мингтани (0,6 фоизни), транзакциялар суммаси эса 716,8 млрд. сўмни (0,1 фоизни) ташкил этган бўлса, аккредитив бўйича амалга оширилган транзакциялар сони 1,1 мингтани (0,001 фоизни), транзакциялар суммаси эса 95,9 млрд. сўмни (0,01 фоизни) ташкил этган.

Ҳисобот йили давомида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими 274 банк иш кунида фаолият юритган бўлиб, ўртacha кунлик иш вақти 10,7 соатни, ўртacha кунлик транзакциялар сони 272,5 мингтани, ўртacha кунлик транзакциялар суммаси 3,1 трлн. сўмни ҳамда ўртacha ойлик транзакциялар сони 6,2 млн. тани, уларнинг суммаси эса 70,5 трлн. сўмни ташкил этди.

### **3.5.2. Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими таҳлили**

Нақд пулсиз, шу жумладан банк карталари орқали чакана тўловларнинг амалга оширилишида жисмоний шахслар ва улардан тўловларни қабул қилиб олувчи томонлар ўртасида ҳисоб-китобларнинг замонавий самарали тизимини ташкил этиш мақсадида Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими яратилган бўлиб, мазкур тизим орқали амалга оширилаётган тўловлар ҳажми доимий равишда ортиб бормоқда.

Ушбу тизим жисмоний ва юридик шахсларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек коммунал хизматлар ва мобил алоқа операторлари ва бошқа хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар учун тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш имкониятини яратди ҳамда банк карталари орқали амалга оширилган банклараро транзакциялар бўйича нетто позицияга асосланган ҳолда якуний ҳисоб-китобларни амалга оширади.


Шу мақсадда, Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими билан Давлат солик қўмитаси, Молия вазирлиги Ғазначилиги, Давлат божхона қўмитаси, Адлия вазирлигига қарашли Давлат хизматлари маркази, Давлат персоналлаштириш маркази ва Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ахборот тизимлари, шунингдек, “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Сувсоз” ДУК ва бошқа коммунал ҳамда хизмат кўрсатувчиларнинг биллинг тизимлари интеграция қилинган бўлиб, 34 дан ортиқ хизматлар бўйича тўловларнинг мазкур клиринг тизими реал вақт режимида амалга оширилиши йўлга қўйилган.

Клиринг тизими мижозларга дам олиш кунларисиз кечаю-кундуз (24/7) реал вақт режимида банк ҳисобваракларига масофадан хизмат кўрсатиши тизимлари, тижорат банклари томонидан яратилган мобил иловалар ва банк инфокиосклари ҳамда банкоматлари орқали тўловларни амалга ошириш имкониятини берди.

Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими функционал имкониятларини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида 2018 йил мобайнида мазкур тизим орқали амалга оширилган тўловлар суммаси 2017 йилга нисбатан қарийб 2 баробарга ошиб, 10,2 трлн. сўмга етди.


## 3.5.2.1-чизма

**Марказий банкнинг ҳисоб-қитоблар Клиринг тизими орқали амалга оширилган транзакциялар суммаси, млрд. сўмда**



## 3.5.2.2-чизма

**Марказий банкнинг ҳисоб-қитоблар Клиринг тизими орқали 2018 йилда амалга оширилган тўловлар таркиби, фоизда**



Марказий банкнинг ҳисоб-қитоблар клиринг тизими орқали амалга оширилган транзакциялар жами суммасининг 3,4 трлн. сўмини (амалга оширилган транзакциялар суммасининг 33,6 фоизи) Фазначилик тўловлари, 1,7 трлн. сўмини (17,1 фоизи) электр энергияси учун тўловлар, 1,7 трлн. сўмини (16,6 фоизи) табиий газ учун тўловлар, 1,1 трлн. сўмини (10,4 фоизи) солик ва бошқа мажбурий тўловлар,

746,3 млрд. сўмини (7,3 фоизи) нотариус ва ФХДЁ тўловлари, 254,7 млрд. сўмини (2,5 фоизи) божхона тўловлари, 369,9 млрд. сўмини (3,6 фоизи) иссиқлик қуввати учун тўловлар, 271,2 млрд. сўмини (2,7 фоиз) биометрик паспорт олиш учун тўловлар, 129,4 млрд. сўмини (1,3 фоиз) йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарима тўловлари ҳамда 491,7 млрд. сўмини (4,8 фоиз) бошқа тўловлар ташкил этган.


Ўз навбатида, ҳозирги вақтда Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали амалга оширилаётган транзакцияларнинг асосий қисмини банк карталари орқали амалга оширилаётган тўловлар ташкил қилмоқда.

2018 йил давомида аҳолининг нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш, банк карталари асосида ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда улар билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда фойдаланувчиларга янада қулай шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар муайян ижобий натижалар берди.

2019 йил 1 январь ҳолатига тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган банк карталари сони 17,7 млн. тани ташкил қилган бўлиб, ҳисобот иили давомида савдо ва хизмат қўрсатиш шахобчаларидаги терминаллар сони 235,7 мингтадан 244,9 мингтагача, банкомат ва инфокиосклар сони эса 5 632 тадан 6 859 тагача кўпайган.


### 3.5.2.3-чизма

#### Ўзбекистон Республикасида тўлов терминаллари сони



## 3.5.2.4-чизма

**Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган банкомат ва  
инфокиосклар сони**



Бунда, 2018 йил давомида миллый валютада банк карталари орқали амалга оширилган транзакциялар суммаси 2017 йилга нисбатан 20,4 фоизга ошиб, 63,7 трлн. сўмга етган.

**3.5.3. Масофавий банк хизматларини кўрсатиш  
тизимларининг ривожланиши**

2018 йилда миллый тўлов тизимини замонавий талаб ва андозаларга ҳамда илғор хорижий тажрибага мувофиқ ривожлантириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган банк хизматлари сифати ва қамровини ошириш борасидаги ишларнинг муҳим йўналиши сифатида реал вақт режимида масофадан туриб банк ҳисобваракларини бошқариш ва банк операцияларини амалга ошириш имконини берувчи ахборот тизимларини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси банк тизимида замонавий ахборот технологияларига асосланган банк ҳисобваракларини масофадан бошқариш хизматларининг кенг жорий этилиши банк хизматлари оммабоплигининг ошишига, тўлов ва бошқа банк хизматлари тариф ва нархларининг пасайишига, банк хизматларини кўрсатиш самарадорлиги ва шаффоғлигининг ошишига хизмат қилишини кўрсатмоқда.

Шундан келиб чиқиб, тижорат банклари томонидан банк ҳисобваракларини масофадан бошқариш тизимларини (банк-мижоз, интернет-банкинг, мобил-банкинг, смс-банкинг тизимларини) республика

миқёсида кенгайишини 2018 йил мобайнида жадаллаштириш юзасидан мақсадли кўрсаткичлар режаси Ўзбекистон банклари ассоциацияси билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, ҳисбот йили давомида унинг ижросини таъминлаш чоралари кўрилди.

Ушбу режага мувофиқ амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига таклиф қилинаётган масофадан туриб банк ҳисобварақларини бошқариш ва банк операцияларини амалга ошириш имконини берувчи қулай ва замонавий хизматлар турлари ва кўламининг сезиларли даражада ошиши таъминланди.

Жумладан, бугунги кунда тижорат банклари томонидан мижозларга реал вақт режимида банк операцияларини амалга ошириш имконини берувчи:

картадан картага пул ўтказиш (P2P) операцияларини бажариш;

алоқа, коммунал, солиқ, бюджет, интернет-провайдерлар, рақамли телевидение ва бошқа бир қанча тўловларни амалга ошириш;

мижознинг талабига кўра банк картасини блоклаш (блокдан чиқариш);

олинган кредит бўйича тўловларни сўндириш (амалга ошириш);

онлайн омонатларни расмийлаштириш, депозит ҳамда ссуда (кредит) ҳисобварақларини масофадан очиш;

халқаро банк карта ҳисобварагидан тўловларни амалга ошириш ва мониторинг қилиш, онлайн конверсия хизматлари;

халқаро пул ўтказмалари тизими орқали келган маблағларни мижознинг хоҳишига кўра банк ҳисобвараги ёки банк картасига киритиш каби хизматлар таклиф қилинмоқда ҳамда ушбу хизматлардан фойдаланувчи мижозлар сони доимий равища ошиб бормоқда.

Шунингдек, банк инфратузилмалари (филиаллар, айирбошлиш шахобчалари, банкомат ва инфокиосклар) дислокацияси ҳақида маълумот олиш хизматларини жорий қилиш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2019 йил 1 январь ҳолатига банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш хизматларидан фойдаланувчилар сони қарийб 8 млн. тани ташкил қилган бўлиб, 2018 йил давомида ушбу кўрсаткич 1,8 баробарга ошган. Шундан 359,8 мингтасини юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ташкил этган бўлса, банк карталари ва банк депозит ҳисобварақлари бўйича банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчи жисмоний шахслар сони 7,6 млн. тани ташкил қилган.

## 3.5.3.1-чизма

**Ўзбекистон Республикасида банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиши тизимларидан фойдаланувчилар сони, мингда**



Банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчи жисмоний шахслар сони 2018 йил давомида 4,2 млн. тадан 7,6 млн. тагача ёки 1,8 баробарга ошган бўлса, бундай хизматлардан фойдаланувчи юридик шахслар сони 1,6 баробарга кўпайган.

**3.5.4. Миллий банклараро процесинг марказини яратиш борасида амалга оширилган ишлар**

Ўз навбатида, ҳисбот йилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3945-сонли “Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ Марказий банк Ахборотлаштириш Бош маркази таркибида Миллий банклараро процесинг марказини ташкил этиш ҳамда тегишли чакана тўлов тизимини яратиш ва ишга тушириш юзасидан муайян тайёргарлик ишлари амалга оширилди.

Мазкур марказнинг ишга туширилиши банк карталарига асосланган чакана тўлов хизматларини кўрсатиши соҳасида рақобат мухитининг шаклланишига ва кучайишига, бундай хизматлардан фойдаланиш ҳақининг арzonлашишига, иқтисодиётда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўламининг сезиларли даражада ошишига ҳамда банк карталарига асосланган чакана тўлов тизимлари фаолияти билан боғлиқ хатарларнинг камайишига хизмат қиласи.



Марказий банк томонидан янги ташкил этилаётган чакана тўлов тизими брендини яратиш мақсадида аҳоли ўртасида ўтказилган овоз бериш натижаларига асосан унга “Humo” номи берилди.

Бугунги кунда “Humo” тўлов тизими учун муҳандислик инфратузилмаларини яратиш ва банк карталари, терминал қурилмалари, банкоматлар (инфокиосклар) харид қилиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда ҳамда мазкур тўлов тизимини 2019 йилнинг I ярим йиллиги мобайнида ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, 2018 йил давомида Марказий банк томонидан банк тизимида етакчи хорижий тўлов тизимлари билан интеграциялашган замонавий чакана тўлов тизимларини ривожлантиришнинг ташкилий-хукуқий асосларини яратиш юзасидан тижорат банклари билан биргаликда:

Марказий банкнинг “Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисида”ги Низомига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди;

етакчи хорижий тўлов тизимлари (Mastercard, Visa ва UnionPay) билан интеграциялашган замонавий чакана тўлов тизимларининг ташкилий-хукуқий асослари яратилди ва уларнинг фаолият юритиш механизмлари белгиланди.

Миллий банклараро процессинг марказининг маҳаллий ва халқаро банк карталари бўйича ҳисоб-китобларда иштирок этувчи банклар ўртасида ахборот ва технологик алоқа ўрнатишга кўмаклашиш борасидаги имкониятларга эга бўлиши кўзда тутилмоқда.

### **3.6. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини такомиллаштириш**

Ҳисбот йили давомида тижорат банкларининг молиявий ҳисбот шаклларини халқаро андозаларга мувофиқлаштириш, банк бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи тизимини янада такомиллаштириш бўйича муайян ишлар давом эттирилди.

Хусусан, тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш, банк хизматлари кўрсатишида тадбиркорлик субъектларига янада қулай шароитлар яратиш ҳамда банк ҳисбарақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларининг янада ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси банкларида

*очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида”ги Йўриқномага (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб:*

мижозларнинг ҳисобварақларини рўйхатга олиш китобини электрон тарзда юритиш имконияти яратилди;

тадбиркорлик фаолияти субъектлари хужжатларига муҳр қўйиш ёки хужжатларини муҳр билан тасдиқлашни талаб этмаслик бўйича меъёр киритилди;

товар-хом ашё биржасининг очик электрон савдоларида қатнашувчилар, ташкилий савдоларда акцияларни сотувчи (сотиб олувчи) чет эллик инвесторлар учун талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очиш тартиби белгиланди;

таъсисчилари резидент жисмоний шахслардан иборат бўлган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтиш жараёнида миллий ва чет эл валютасидаги банк ҳисобварағини масофадан туриб очиш имконияти яратилди.

Шунингдек, тижорат банклари балансининг актив ва пассивларидағи айrim моддаларини янада аниқроқ акс эттирилишини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim фармон ва қарорларида белгиланган вазифа ва топшириқлар ижроси юзасидан зарур маълумотларни шакллантириш ва юритиш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси”га (рўйхат рақами 773-17, 2004 йил 13 август) бир қанча ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан:

махсус дастурлар бўйича берилган қисқа ва узоқ муддатли кредитлар;

жисмоний шахсларга банк карталари орқали берилган узоқ муддатли кредитлар;

норезидент - юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари;

субординар қарз, улар бўйича ҳисобланган мукофот ва дисконтлар;

бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган активлар ҳисобини юритишга мўлжалланган янги ҳисобварақлар киритилди. Натижада, тижорат банкларида юқорида қайд этилган маблағлар ҳисоби такомиллаштирилиб, уларнинг ҳисобини алоҳида юритиш имконияти яратилди.

Банк тизимида шахсий идентификацион рақамларидан фойдаланган ҳолда жисмоний шахсларнинг ягона базасини яратиш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиши тартиби тўғрисида”ги Низомга (рўйхат рақами 1863,

2008 йил 27 сентябрь) ўзгартеришлар киритилиб, Банк депозиторларининг миллий ахборотлар базасида жисмоний шахслар шахсий идентификацион рақамларидан фойдаланишнинг хукукий асослари яратилди.

Бундан ташқари, 2018 йил давомида Марказий банк томонидан тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини юритиш амалиётини такомиллаштириш юзасидан 9 та меъёрий-хукукий ҳужжатларга тегишли ўзгартериш ва қўшимчалар киритилиб, Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди.

### **3.7. Пул-кредит ва банк тизими статистикасини такомиллаштириш ва тарқатиш борасидаги фаолият**

Таъкидлаш жоизки, ҳисбот йили Марказий банк ва банк тизими фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш борасида қатор туб ўзгаришлар амалга оширилган йил бўлди. Бунда, мамлакат аҳолиси 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси бўйича пул-кредит статистикаси, шу жумладан мамлакатимизнинг олтин-валюта захиралари ва банк тизими фаолиятига оид статистик маълумотлар билан танишиш ва улардан фойдаланиш имкониятига эга бўлди, мазкур маълумотларни эълон қилиш (чоп этиш, тарқатиш) йўлга қўйилди ҳамда эълон қилинадиган маълумотлар турлари ва кўлами ҳисбот йили давомида доимий равища кенгайтириб борилди.

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) методологияси асосида шакллантирилган “Банк тизими (Депозит корпорациялари) шарҳи”, “Марказий банк шарҳи”, “Фоиз ставкалари”, “Олтин-валюта захиралари”, “Айирбошлаш курси” ва “Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари” статистик маълумотлар жадвалларининг ўзбек, рус ва инглиз тилларида Марказий банк веб-сайтида жойлаштириш ва даврий равища янгилаб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

2018 йилнинг иккинчи ярим йиллигига эса эълон қилинадиган статистик маълумотлар рўйхати кенгайтирилиб, Марказий банк томонидан шакллантириладиган “Ташқи қарз”, “Тўлов баланси” ва “Халқаро инвестицион позиция” статистик маълумотлар жадвалларининг ҳам Марказий банк веб-сайтида жойлаштирилиши ва даврий равища янгилаб борилиши йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг *ХВЖнинг кенгайтирилган Маълумотлар Тарқатишнинг Умумий Тизимига (к-МТУТ)* қўшилишига тайёргарлик кўриш юзасидан 2018 йилнинг февраль ва апрель ойларида ХВЖ техник кўмак миссиялари билан ҳамкорликда к-МТУТ тизимида Марказий банк томонидан жойлаштириладиган маълумотларни

шакллантириш бўйича Марказий банк ходимлари билим ва малакаларини ошириш мақсадида зарур семинар-тренинглар ташкиллаштирилди.

2018 йил 1 майдан бошлаб эса, Ўзбекистон Республикасининг к-МТУТга аъзо бўлиши муносабати билан, ушбу тизимда жойлаштирилиши кўзда тутилган Марказий банк фаолиятига оид барча 9 турдаги маълумотларнинг ХВЖнинг Йиғма миллий маълумотлар саҳифасида эълон қилиб борилиши таъминлаб келинмоқда.

Шунингдек, ҳисобот йилида халқаро тажрибадан келиб чиқиб, жамоатчиликни Марказий банк ва банк тизими фаолиятига оид янада чуқурлаштирилган ва кенг кўламдаги маълумотлар билан таъминлаш мақсадида Марказий банкнинг даврий (чораклик) статистика бюллетеңларини шакллантириш ва тарқатиш амалиёти жорий қилинди.

“Марказий банкнинг Статистика бюллетени” б та бўлимдан иборат бўлиб, макроиктисодий кўрсаткичлар, пул-кредит кўрсаткичлари, пул-кредит сиёсатининг асосий кўрсаткичлари ва инструментлари, молия бозори – банклараро операциялар тўғрисидаги ва валюта бозорига оид кўрсаткичлар, кредит ташкилотлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, тўлов тизимига оид асосий кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига қамраб олган.

Хусусан, мазкур статистик бюллетень тижорат банкларининг депозитларни жалб қилиш ва кредитлаш фаолиятига оид деярли барча маълумотларни ўзида акс эттириб, унда тижорат банклари томонидан жалб қилинган депозитлар ва ажратилган кредитлар тўғрисидаги маълумотлар валюта тури, муддатлари, худудлар ҳамда депозит ва кредитларнинг турлари ва мақсадлари кесимида акс эттирилмоқда.

Ҳисобот йилида Марказий банк томонидан банк тизимида статистик маълумотларни шакллантириш, юритиш ва тарқатиш бўйича ишларни тартибга соловчи меъёрий-хуқуқий база ҳам қайта кўриб чиқилди. Бу борада, асосий эътибор, статистик ҳисобот шаклларини соддалаштириш, ўз аҳамиятини йўқотган ҳисобот шаклларини бекор қилиш ҳамда статистик маълумотларни шакллантириш, юритиш ва тарқатиш бўйича талаб ва меъёрларни янгилаш ва янада аниқлаштиришга қаратилди.

Натижада, Марказий банк Бошқарувининг 1998 йил 20 февралдаги 386-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси банкларида статистик ҳисоботни ташкил этиши Қоидалари” (рўйхат рақами 680, 1999 йил 22 март) бекор қилиниб, янги таҳрирдаги “Тижорат банкларида статистик ҳисоботларни юритиши Қоидалари” тасдиқланди ҳамда Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан (рўйхат рақами 3031, 2018 йил 2 июнь) ўtkазилди.

Тижорат банклари томонидан Марказий банкка тақдим қилинадиган статистик ҳисобот шакллари сони 86 тадан 46 тагача қисқартирилди.

Шунингдек, мазкур Қоидаларда кўзда тутилган талаб ва меъёрларни тижорат банклари масъул ходимларига батафсил тушунтириш ҳамда уларнинг статистик ҳисоботларни шакллантириш борасидаги билим ва малакасини ошириш мақсадида Марказий банк томонидан даврий ўқув-семинарлар ўтказиш йўлга қўйилди.

Ҳисобот йилида Халқаро валюта жамғармасининг кенг қамровли статистик маълумотлар тизими ҳисобланган “Халқаро молиявий статистика” ахборот тизимида Ўзбекистон Республикаси саҳифасини очиш ва унда пул-кредит ва банк статистикасига оид маълумотларини жойлаштиришга тайёргарлик ишлари доирасида 2018 йил сентябрь ойида ХВЖ билан ҳамкорликда Марказий банк статистик маълумотлари сифатини ошириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.

ХВЖнинг “Халқаро молиявий статистика” ахборот тизимида Ўзбекистон Республикаси саҳифасини очиш бўйича ишлар 2019 йилда ҳам давом эттирилади ҳамда ушбу мақсадда ХВЖнинг қўшимча техник кўмак миссиясини жалб қилиш режалаштирилган.

### **3.8. Кредит ташкилотларида молиявий мониторингни мувофиқлаштириш ва валюта назорати**

Ҳисобот йилида “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Конунига мувофиқ Марказий банк томонидан тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва кредит бюролари томонидан ички назорат қоидаларига ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни маҳсус ваколатли давлат органига тақдим этиш тартибига риоя этилиши устидан мониторинг ҳамда назоратни таъминлаш юзасидан тизимли ишлар давом эттирилди.

Бунда, асосий эътибор, соҳага оид меъёрий-хуқуқий хужжатларни халқаро андозалар асосида такомиллаштириш, кредит ташкилотлари фаолиятида соҳага оид таваккалчиликларни тизимли равища ўрганиш, таҳлил қилиш ва аниқлаш жараёнини ҳамда назоратни амалга оширишда таваккалчиликка асосланган ёндашувни илғор халқаро тажриба ва тавсиялар асосида такомиллаштиришга қаратилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Конуни талаблари ҳамда Молиявий чораларни қўллаш бўйича маҳсус гурӯх (FATF) тавсияларидан келиб чиқиб, тижорат

банклари томонидан кўрсатиладиган ҳар бир хизматда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ таваккалчиликлар бўйича Марказий банк ҳисботининг маълумотлари инобатга олинган ҳолда, маҳсус ваколатли давлат органи билан биргаликда кредит ташкилотларида соҳага оид фаолиятни тартибга солувчи меъёрий-хуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, “*Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришига ва терроризмни молиялаштиришига қарши қурашии бўйича ички назорат Қоидалари*”даги (рўйхат рақами 2886, 23.05.2017 й.) ички назорат тизимини ташкил этиш, мижозларни лозим даражада текшириш талаблари ҳамда шубҳали ва гумонли операцияларни аниқлаш меъзонлари янгиланди.

Марказий банк томонидан “*Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришига, терроризмни молиялаштиришига ва оммавий қиргин қуролини тарқатишни молиялаштиришига қарши қурашии соҳасига доир қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан ҳамкорликда мониторинг ва назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисида*”ги Низом ишлаб чиқилиб, тегишли масъул вазирликлар ва идоралар билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши қураши департаментига тақдим этилди.

Назорат вазифаларини амалга ошириш доирасида Марказий банк томонидан 21 та банкда ва 13 та нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришига ва терроризмни молиялаштиришига қарши қурашиш масалалари юзасидан текширувлар ўтказилди. Ўтказилган текширувлар натижалари бўйича ушбу қоидаларга амал қилмаган кредит ташкилотларига нисбатан тегишли чоралар қўлланилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ-5446-сонли “*Иқтисодий жиноятларга қарши қурашиш механизmlарини такомиллаштириш ва бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*”ги Фармони билан мамлакатимизда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришига, терроризмни молиялаштиришига ва оммавий қиргин қуролини тарқатишни молиялаштиришига қарши қурашишга қаратилган бир қатор асосий вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги Қарори билан ушбу масалаларга оид Ишчи гуруҳ ташкил қилиниб, унинг асосий вазифалари сифатида:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш бўйича таваккалчиликларни миллий баҳолашни самарали амалга ошириш;

ушбу соҳада давлат сиёсатини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда Молиявий чораларни ишлаб чиқиш бўйича ФАТФ гуруҳи тавсиялари ва халқаро ҳукуқий хужжатлар талабларини татбиқ этиш белгиланди.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё гурухининг халқаро эксперtlари томонидан 2020 йилда соҳа бўйича республикамизда олиб борилаётган ишлар “Ўзаро баҳолаш”дан ўтказилиши режалаштирилган.

“Ўзаро баҳолаш” жараёни олдидан ҳар бир давлат ўзининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимини “Миллий баҳолаш”дан ўтказиши мақсадга мувофиқлигини инобатга олган ҳолда, ҳисобот йилида ҳам Марказий банк томонидан махсус ваколатли давлат органи билан ҳамкорликда банк тизимидағи соҳага оид таваккалчиликларни баҳолаш юзасидан ишлар давом эттирилди.

Хусусан, Марказий банк томонидан ҳозирда тижорат банклари фаолиятида соҳага оид таваккалчиликларни тизимли равища ўрганиш, таҳлил қилиш ва аниқлаш жараёнини такомиллаштириш мақсадида тижорат банклари учун намунавий методология ишлаб чиқилмоқда.

Таваккалчиликка асосланган ёндашувни илғор халқаро тажриба ва тавсиялар асосида такомиллаштириш мақсадида, бундай ёндашувни кредит ташкилотларининг соҳага оид таваккалчиликлар профилини даврий баҳолаш асосида жорий қилинишини кўзда тутувчи алоҳида услубий қўлланма устида иш олиб борилмоқда.

Ушбу услубий қўлланма Марказий банк томонидан банк тизими бўйича соҳага оид таваккалчиликларни бир неча омиллар (мижозларнинг тури ва фаолияти, банк хизматлари ва уларни тақдим этиш каналлари, бошқа омиллар) асосида аниқлаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш методологиясини ўз ичига олиб, соҳага оид таваккалчиликларга асосланган ҳолда жойдаги ва хужжатли назоратни амалга ошириш кўлами ҳамда даврийлигини янада самарали аниқлаш механизмини жорий қилиш имконини беради.

Шунингдек, 2018 йилда Марказий банк томонидан “Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиши бўйича Евросиё гуруҳи тўғрисидаги Битим”да кўзда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан Жиноий

даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гурухи Котибиятининг таклифига асосан Марказий банк ходими Тожикистон Республикасининг соҳага оид тизимининг “Ўзаро баҳолаш”дан ўтказилишида эксперт-баҳоловчи сифатида иштирок этди. Ҳозирги вақтда Марказий банкнинг масъул ходими Беларусь Республикасининг соҳага оид тизимини баҳолашдан ўтказилишида эксперт-баҳоловчи сифатида иштирок этмоқда.

Ҳисобот йили давомида Марказий банк масъул ходимларининг Евроосиё гурухининг май ойида Хитой Xалқ Республикасининг Нанкин шаҳрида ҳамда ноябрь ойида Беларусь Республикасининг Минск шаҳрида ўтказилган Ялпи йиғилишларида, Россия Федерациясининг Молиявий мониторинг бўйича ҳалқаро ўқув-методик маркази томонидан ташкил этилган масофавий ўқув семинарларида ҳамда Евроосиё гурухи томонидан ташкил этилган семинар-тренингларда иштирок этиши таъминланди.

2018 йилда тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва кредит бюролари ходимларининг билим ва малакасини ошириш ҳамда уларга соҳага оид меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар моҳиятини батафсил тушунтириш мақсадида Ўзбекистон банклари ассоциацияси, Тошкент молия институти, Микромолиявий ташкилотлар ассоциацияси, маҳсус ваколатли давлат органи, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Ўзбекистондаги Лойиҳаларни мувофиқлаштирувчisi билан ҳамкорликда қатор маҳсус семинарлар ташкил қилинди. 2018 йил давомида, юқорида қайд этиб ўтилган тадбирларда икки мингдан ортиқ мутахассислар иштирок этиб, ўз малакасини ошириди.

### **3.9. Банк қонунчилигини тақомиллаштириш**

2018 йил давомида Марказий банк томонидан банк қонунчилигига доир фаолияти доирасида банк тизимини ислоҳ қилиш, кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, пул-кредит сиёсатининг янги инструментларини жорий қилиш ҳамда миллий тўлов тизимини янада ривожлантириш учун зарур бўлган қонуний асосларни яратиш ва тақомиллаштириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, илғор хорижий тажрибани, умумэътироф этилган меъёрлар ва андозаларни чуқур ўрганиш ҳамда ихтисослашган ҳалқаро молия институтларининг тегишли экспертлик хulosалари асосида:

“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги;

“Банк ва банклар фаолияти тўғрисида”ги;

“Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунларнинг янги таҳрири лойиҳалари;

“Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳасида:

нархлар, банк ва тўлов тизими барқарорлиги ва ривожланиши Марказий банк фаолиятининг стратегик мақсадли йўналишлари ҳисобланиши;

инфляцион таргетлашнинг тамойиллари ва механизмларини босқичмабосқич жорий қилиш билан пул-кредит сиёсати ва унинг инструментларини тубдан такомиллаштириш ва пул-кредит соҳасида амалга оширилаётган сиёсат ва чораларнинг шаффоғлигини ошириш;

Марказий банк томонидан банк тизимини назорат қилишда тизимли аҳамиятга эга кредит ташкилотлари истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, молиявий оммабоплик ва саводхонлик даражасини ошириш бўйича чоралар кўрилиши;

банклар фаолиятидаги муаммоларни эрта босқичларда аниқлаш, хатарларини баҳолаш ва уларни бошқаришда аниқ ҳаракатларни амалга оширишда банк тизимини тартибга солиш ва назорат қилиш механизмлари такомиллаштирилиши назарда тутилган.

Шунингдек, қонун лойиҳасида банклар, банклар гурухлари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва кредит бюролари фаолиятини тартибга солишга доир талаблар белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасида республика тўлов тизимининг самарали, ишончли ва хавфсиз иш фаолиятини таъминлаш мақсадида тўлов тизимлари операторлари ҳамда тўлов ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш, тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича меъёрлар белгиланмоқда. Халқаро амалиётни инобатга олган ҳолда, тўлов хизматларини кўрсатувчилар нафақат банклар, балки бошқа юридик шахслар ҳам ҳисобланиши мумкинлиги назарда тутилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Марказий банк пул-кредит сиёсатини амалга оширишда замонавий механизмлар қўлланилишини, тижорат банкларининг бошқарув ва риск-менежменти сифатига таъсир қилиш механизмларининг такомиллаштирилишини, банк тизимидағи маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш тизими самарадорлигининг оширилишини ҳамда инновацион технологиялардан кенг фойдаланилишини таъминлайди.

Ўз навбатида, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси илғор халқаро банк амалиётини республика банк тизимида кенг қўллаш орқали тижорат банклари фаолиятини ташкил этиш, банк тизими

барқарорлигини таъминлаш, омонатчилар, қарз олувчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича тўғридан-тўғри таъсир қилувчи меъёрларни ўз ичига олган.

Хусусан, банк фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, яъни жалб этиладиган маблағлар билан операцияларни амалга оширувчи ташкилот эканлигини инобатга олиб, қонун лойиҳасида банкларнинг таъсисчиларига аниқ талаблар, шу жумладан уларнинг ишбилармонлик обрў-эътибори ва олдинги фаолият натижаларига бўлган талаблар белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасида кредиторлар ва омонатчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида банклар учун тақиқланган ёки чекланган фаолият турлари аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Шу билан бирга, қонун лойиҳасида банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган, шу жумладан кредитлар ва депозитлар бўйича фоиз ставкаларини, воситачилик ҳақларини ва банк хизматларини кўрсатиш асосларини белгилаш, банк хизматлари ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш, банк ва унинг ўртасида тузиладиган шартномаларга талаблар, банклардаги омонатларни ҳимоялаш кафолатлари, шикоятларни кўриб чиқиши, банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларини бузганлик учун банкларнинг жавобгарлигини ўз ичига олган чоралар назарда тутилган.

“Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳасида:

халқаро тажрибани чукур ўрганиш асосида ҳамда тадбиркорлар эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, валюта операцияларини тартибга солишни соддалаштириш;

ҳаволаки меъёрларни максимал даражада қисқартирган ҳолда валюта операцияларини амалга оширишга оид барча жиҳатларни тартибга солиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз валюта маблағларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқининг кафолатларини белгилаш;

мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, капитал ҳаракати билан боғлиқ операцияларни тартибга солиш;

валюта бозори фаолиятини янада такомиллаштириш ва эркинлаштириш бўйича меъёрлар кўзда тутилган.

Юқоридаги қонунлар лойиҳалари Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси эксперtlари билан ҳамкорликда 2018 йил ноябрь-декабрь ойларида кўриб чиқилди ҳамда билдирилган тавсиялар асосида қайта ишланди. Қайта ишлаб чиқилган қонунлар лойиҳалари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Шунингдек, ҳисобот йилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3945-сонли “Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш тўловларни узилишларсиз ўтказилишини таъминлаш, инновацион маҳсулотларни жорий қилиш, банк хизматлари оммабоплигини оширишга қаратилган янги тўлов тизимларини яратиш ва уларнинг фаолият юритиши, тўлов тизимларининг ягона ахборот мухитини шакллантириш, уларни назорат қилиш ва мониторинг қилиб бориш, тўлов хизматларини кўрсатиш, нақдсиз тўловларни ва пул ўтказмаларини амалга ошириш, жумладан электрон пулларни ўтказиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш зарурияти вужудга келганлиги билан изоҳланади. Мазкур Қонун:

тўловлар ва тўлов тизимлари соҳасида ягона ахборот ва ҳуқуқий мухитини яратиш;

Марказий банк томонидан тўлов хизматлари бозорини, тўлов тизимларининг ишлашини, тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини кўрсатувчиларнинг фаолиятини самарали тартибга солиш;

тўлов хизматларининг оммабоплиги ва шаффофлигини, жумладан қишлоқ жойларда ва узоқ ҳудудларда ошириш;

электрон пуллар соҳасидаги муносабатларни ва электрон пуллар тизими иштирокчиларининг фаолиятини тартибга солиш борасидаги ишларни тизимли ташкил этишда меъёрий-ҳуқуқий база бўлиб хизмат қилиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, ҳисобот йилида кредит ташкилотларининг иқтисодиётдаги молиявий воситачилик ролининг ошиши ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган банк хизматлари кўламининг янада кенгайтирилиши учун зарур меъёрий-ҳуқуқий база яратиш мақсадида амалдаги қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, 2018 йил 3 октябрдаги ЎРҚ-494-сонли “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига иқтисодий муносабатлар ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Микромолиялаш тўғрисида”ги ва “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунларга микромолиялаш хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш,

истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, шу жумладан микромолиялаш хизматлари бўйича тўловларни асосиз равишда оширишга йўл қўймаслик бўйича меъёrlарни жорий қилиш юзасидан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунига молиявий оммабопликни ошириш мақсадида киритилган ўзгартишга асосан тижорат банкларига микроқарз бериш ҳукуки берилди.

Ҳисобот даврида банк-молия соҳасининг ҳукукий асосларини янада такомиллаштириш тадбирлари доирасида кредит ташкилотлари фаолиятига оид:

*“Аҳоли бандлигини таъминлаш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиши тартиби тўғрисида”* ги Низом;

*““Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида кредитлар ажратиши тартиби тўғрисида”* ги Низом;

*“Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан Малака талаблари”;*

*“Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари билан депозит операцияларини амалга ошириши тартиби тўғрисида”* ги Низом ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилди.

Шунингдек, тижорат банкларининг ички меъёрий хужжатларининг амалдаги, шу жумладан Марказий банкнинг меъёрий-ҳукукий хужжатларига мувофиқлиги мунтазам равишда ўрганилиб, уларга ўз хужжатларини амалдаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқлаштириш юзасидан тегишли хулоса ва қўрсатмалар бериб борилди.

### **3.10. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш**

Ҳисобот йили мобайнида Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига асосан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, кредит ташкилотлари фаолиятидаги мавжуд камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш ҳамда Марказий банк раҳбарияти томонидан жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг шахсий қабулига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, 2018 йилда 266 та шахсий қабул ташкил этилиб, ундан 75 та мурожаатчига амалий ёрдам қўрсатилди ва 191 та мурожаатчига тегишли тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, Марказий банк раҳбарияти ва таркибий бўлинма раҳбарлари томонидан 2018 йил мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини жойида кўриб чиқиши, мавжуд тизимли муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш юзасидан сайёр қабуллар ўтказилди.

Республикамиз ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчisi, Марказий банк раҳбарияти ва тижорат банклари вакиллари иштирокида ўтказилган сайёр қабулларда эса банк фаолиятига оид масалалар юзасидан 3 750 та мурожаатлар кўриб чиқилди.


2018 йил мобайнида Марказий банк республика аппаратига келиб тушган жами 3 514 та мурожаатнинг 359 тасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, 105 тасини Марказий банк электрон почтаси, 487 тасини Марказий банк веб-сайти, 1 809 тасини Марказий банкка тўғридан-тўғри ва бошқа вазирлик идоралар орқали келиб тушган ёзма мурожаатлар, 754 тасини Марказий банк раҳбарияти ва масъул ходимларининг шахсий ва сайёр қабуллари ҳамда “Ишонч телефони” орқали билдирилган оғзаки мурожаатлар ташкил этди.

Мурожаатларнинг барчаси белгиланган муддатларда кўриб чиқи либ, уларда кўтарилган масалаларни ҳал этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Қайд этиш лозимки, 2018 йил давомида келиб тушган мурожаатлар сонининг 2017 йилга нисбатан қарийб 52 фоизга ёки 7 281 тадан 3 514 тагача камайди.

### 3.10.1-чизма

#### **Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари сони**



Ўз навбатида, ҳисобот йилида Марказий банкка келиб тушган мурожаатларда кўтарилиган масалалар таркибида ҳам ўзгаришлар рўй берганлиги кузатилди. Хусусан, валютани тартиба солиш масаласидаги мурожаатлар улуши 2017 йилдаги 29 фоиздан 5 фоизгача, банк хизматлари ва банк операциялари юзасидан маълумот олиш юзасидан мурожаатлар улуши 8 фоиздан 6 фоизгача ҳамда нақд пул масаласидаги мурожаатлар улуши 3 фоиздан 1 фоизгача камайди.

Шу билан бирга, банк кредитлари ва кредит операциялари масаласидаги мурожаатлар улуши 37 фоиздан 57 фоизгача ошган бўлиб, уларнинг аксариятини “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Yoshlar – kelajagimiz” ва бошқа ижтимоий дастурлар доирасида имтиёзли кредитлар ажратиш тўғрисидаги мурожаатлар ташкил қилган.

Ҳисобот йилида тўлов тизимлари ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар масаласида келган мурожаатлар улуши ҳам 2 фоиздан 5 фоизгача ошган бўлиб, мазкур ўсиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3945-сонли “Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида ташкил этилаётган Миллий банклараро процессинг марказининг номланиши ва “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси бўйича фуқаролардан таклиф ва мулохазалар олинганлиги билан изоҳланади.

### **3.11. Банк хизматлари истеъмолчиларининг хуқуқларини ҳимоя қилиш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сонли “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ банк хизматлари истеъмолчилари хукуки ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш Марказий банк фаолиятининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Ушбу вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида, Марказий банк ташкилий тузилмасида “Банк хизматлари истеъмолчиларининг хуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати” ташкил этилиб, мазкур хизмат зиммасига:

банк тизимида мижозларга хизмат кўрсатишдаги тизимли камчиликлар ва банк хизматлари истеъмолчиларининг хуқуқлари бузилиш ҳолатларини аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш чораларини кўриш;

банк хизматлари истеъмолчиларининг хуқуқларининг бузилишига йўл қўйган кредит ташкилотларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўрилишини таъминлаш;

банк хизматлари истеъмолчиларининг бузилган хуқуқларини тиклашда уларга маслаҳат бериш ва кўмаклашиш ҳамда банк хизматлари истеъмолчиларининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, 2018 йил давомида Марказий банк томонидан банк хизматлари истеъмолчиларининг хуқуқларини ҳимоя қилишининг хуқуқий асосларини яратиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартағи ПҚ-3620-сонли “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори асосида Марказий банк томонидан “*Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишида кредит ташкилотларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида*”ги Низом ишлаб чиқилди ҳамда Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказилди.

Ушбу Низомда банк хизматлари истеъмолчиларининг хуқук ва манфаатларини ҳимоялашнинг асосий тамойиллари ва банк хизматлари истеъмолчилари билан муносабатларни амалга оширишда тижорат банклари риоя этиши шарт бўлган минимал талаблар белгилаб берилди. Жумладан:

тижорат банклари томонидан бир хизматнинг истеъмолчига қўшимча хизматдан фойдаланиш шарти билан қўрсатилиши тақиқланиши;

кредит (банк омонати) шартномаси шартларига қарз олувчининг (омонатчининг) хуқук ва қонуний манфаатларига дахл қиласидиган ўзгартишларни банк томонидан бир томонлама киритилишига йўл қўйилмаслиги;

банк қонун хужжатларига мувофиқ истеъмолчидан ундирилиши тақиқланган қўшимча йифимлар, воситачилик ҳақлари ва бошқа тўловларни кредит шартномаси шартларига киритмаслиги лозимилиги белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, кредит ташкилотларига микроқарз шартномалари, шунингдек, ломбардлар томонидан тузилган кредит шартномалари бўйича йиллик қарз суммасининг ярмидан кўп миқдорида фоизлар ҳисоблаш, комиссия ундириш ва неустойка (штраф, пеня) ҳамда жавобгарликнинг бошқа чораларини қўллаш таъқиқлаб қўйилди.

Шунингдек, банк хизматларидан фойдаланишда мижозларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

дастлабки рухсатларсиз ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатларсиз мижозларга банкнинг бевосита хизмат кўрсатиш худудига тўсқинликсиз кириш-чиқиши учун шароит яратилди;

мижозларни дастлабки қабул қилиш ва кўрсатилаётган банк хизматлари тўғрисида дастлабки маслаҳатларни олиш хизмати йўлга қўйилди.

2018 йилдан бошлаб Марказий банк томонидан банк истеъмолчиларининг ҳуқуқларини бузилишига йўл қўйган тижорат банкларига нисбатан жарима санкцияларини қўллаш амалиёти жорий қилинди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминламаганлиги учун ҳамда мижозлар билан муносабатларни амалга оширишда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этмаганлиги учун тижорат банкларидан жами 120 млн. сўм миқдорида жарималар ундирилди.

Ҳисобот йилида Марказий банк фаолиятидаги муҳим ислоҳотлардан бири шубҳасиз мамлакатимизда банк хизматлари истеъмолчиларининг молиявий саводхонлигини ҳамда молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш борасидаги ишларнинг фаоллаштирилиши бўлди.

Ушбу йўналишдаги ишларни энг илфор халқаро тажриба ва андозаларга мувофиқ ташкиллаштириш ҳамда бу борадаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида 2018 йилнинг август ойида Марказий банк Молиявий оммабоплик альянси (Alliance for Financial Inclusion) халқаро ташкилотига аъзо бўлди.

Мазкур Альянс 2008 йилда аъзо мамлакатларга молиявий оммабоплик сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кичик бизнесни молиялаштиришда кўмак бериш мақсадида ташкил этилган.

Ҳисобот йилида Марказий банк томонидан мазкур Альянс билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, Марказий банк делегацияси 2018 йилнинг октябрь ойида Альянснинг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган X глобал форумида иштирок этди. Мазкур Форум доирасида Ўзбекистон Альянснинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатларининг (Грузия, Беларуссия, Арманистон, Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Муғулистон) марказий банкларидан иборат ҳудудий гуруҳига аъзо бўлди.

Мазкур гурух фаолияти ушбу давлатларда молиявий хизматлар оммабоплигини ривожлантириш бўйича биргаликда чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қаратилган.

Шунингдек, Марказий банк мутахассислари Альянснинг истеъмолчиларнинг хуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш, молиявий оммабоплик даражасини аниқлаш, халқаро андозаларни бир маромда қўллаш, молиявий оммабоплик стратегияси, рақамли молиявий хизматлар ҳамда кичик ва ўрта бизнесни молиялаштириш масалалари бўйича Ишчи гурухлари таркибига киритилди. Мазкур Ишчи гурухлар молиявий оммабопликни ошириш бўйича долзарб масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилиш майдони ҳисобланади.

Бундан ташқари, аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини ошириш ва банк хизматлари истеъмолчиларининг хуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тўпланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш мақсадида, 2018 йилнинг 23 ноябрь куни Тошкент шаҳрида тижорат банклари, молия муассасалари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳамда хорижий давлатлар эксперtlари иштирокида “Молиявий оммабоплик ва аҳоли саводхонликни ошириш” мавзусида халқаро семинар ўтказилди.

Семинарда аҳолининг молиявий саводхонлигини, банк хизматларининг қамрови ва оммабоплигини оширишдаги Россия, Қозоғистон, Қирғизстон давлатлари марказий банклари, Жаҳон банки, Молиявий Оммабоплик Альянси ва Осиё тараққиёт банки каби халқаро молиявий ташкилотларнинг ушбу соҳадаги тажрибалари ва тавсиялари муҳокама қилинди.

## IV. КОММУНИКАЦИЯ СИЁСАТИ, ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ҲАМКОРЛИК

### 4.1. Марказий банк коммуникация сиёсатини ривожлантириш юзасидан амалга оширилган ишлар

2018 йилда Марказий банк томонидан пул-кредит ва валюта сиёсати соҳасида ҳамда банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг моҳияти, мақсадлари ва натижалари тўғрисида кенг жамоатчиликка ахборот беришни кенгайтириш ва Марказий банк фаолияти шаффофлигини ошириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди.

Йил давомида Марказий банкнинг коммуникация сиёсатини ривожлантириш борасидаги ишлар доирасида банк веб-сайтига Марказий банк фаолиятига оид муҳим масалалар бўйича 63 та пресс-релиз ва 19 та шарҳ, Марказий банкнинг 2017 йилдаги фаолияти бўйича йиллик ҳисоботи, Монетар сиёсатнинг 2019 йил ва 2020-2021 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари ва бошқа шу турдаги банк фаолиятига оид муҳим хужжатлар жойлаштирилди.

Шунингдек, Марказий банк томонидан вазирлик ва идоралар ҳамда ҳалқаро ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган анжуман (конференция, брифинг, семинар, интервью)ларни жамоатчиликка кенг етказиш мақсадида Марказий банкнинг веб-сайтига видеоматериаллар жойлаштирилиб борилмоқда.

Оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ҳамкорлик йўлга кўйилган бўлиб, хусусан, Марказий банкнинг раҳбар ва масъул ходимлари 2018 йил давомида 6 та телекўрсатув ва 18 та анжуманда (семинар, конференция, чиқишлиар ва давра сухбатларида) иштирок этди ҳам да қатор интервьюлар берди.

Бундан ташқари, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш, банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, лойиҳалар ва янгиликлар тўғрисида кенг жамоатчиликка ахборот беришни кенгайтириш мақсадида Марказий банкнинг интернет тармоғидаги, шу жумладан аҳоли орасида кенг тарқалган ижтимоий тармоқлардаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу мақсадда Марказий банкнинг Facebook ижтимоий тармоғидаги расмий саҳифаси, “Telegram” мессенжери ва “Youtube” хизматида расмий каналлари очилиб, уларда Марказий банк фаолиятига оид маълумотларни тезкор жойлаштириб бориш йўлга кўйилди.

Жумладан, Марказий банкнинг Facebook ижтимоий тармоғидаги саҳифасида 2018 йилда 119 та эълон ва хабар жойлаштирилган бўлиб, ушбу саҳифадан фойдаланувчилар сони 3,1 мингтадан ошди. 2018 йилнинг ноябрь

ойида “Telegram” мессенжерида очилган расмий каналда жойлаштирилган эълонлар, мақолалар, таҳлилий материаллар ва видеороликлар сони 147 тани ташкил этди. Каналдан фойдаланувчилар сони эса 6,7 минг кишига етди.

2018 йилда Марказий банк фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, олиб борилаётган пул-кредит, валюта ва пруденциал сиёсат, банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг моҳияти, мақсадлари ва натижалари тўғрисида жамоатчиликка ахборот етказиш мақсадларида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 ноябрда бўлиб ўтган Монетар сиёсатнинг 2019 йил ва 2020-2021 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишларини муҳокама қилишга бағишлиланган кенгайтирилган мажлиси тижорат банклари раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида очиқ тарзда ўтказилди.

Натижада, ўз ичига ўрта муддатли истиқболда пул-кредит сиёсатининг мақсад ва тамоиллари, пул-кредит соҳасида амалга оширилган ишлар таҳлили ва кутилаётган натижалар, макроиқтисодий ривожланиш сценарийлари ҳамда ўрта муддатли истиқболда пул-кредит инструментларини такомиллаштириш чораларини қамраб олган мазкур дастурий ҳужжатнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши таъминланди.

Банк-молия мавзусини ёритадиган журналистлар малакасини ошириш мақсадида Марказий банк томонидан 2018 йилнинг май ва сентябрь ойларида семинар-тренинглар ташкил этилди ҳамда ушбу тадбирларда 40 га яқин оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди. Журналистларга Марказий банк ва кредит ташкилотларининг функция ва вазифалари, пул-кредит ва валюта сиёсати, тижорат банкларининг кредит ва депозит фоиз ставкалари, лойиҳаларни молиялаштириш жараёнлари ҳамда банк тизимининг ҳукумат дастурларидағи иштироки тўғрисидаги маълумотлар берилди.

Мазкур тадбир давомида журналистлар банк қонунчилиги, банк хизматлари кўрсатишдаги замонавий тенденциялар, халқаро ҳамкорлик масалалари ҳамда банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳукуқларини ҳимоя қилиш йўналишларидаги билимларини оширдилар.

Шу билан бирга, халқаро молиявий институтлар, дунёning етакчи тижорат банклари ва хорижий давлатлар марказий банклари билан икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш мақсадида 2018 йилнинг 14 сентябрь куни Марказий банк томонидан “Инновацион банк хизматлари” мавзусига бағишлиланган халқаро семинар ташкил этилди. Унда

банк тизимини ривожлантириш, илғор молиявий технологияларни банк тизимиға жорий қилиш, инновацион банк хизматлари сифати ва сонини ошириш масалалари бўйича фикр алмашиниб, бу борадаги жаҳоннинг етакчи тижорат банклари ва компанияларининг тажрибалари муҳокама қилинди.

#### **4.2. Халқаро муносабатлар ва ҳамкорлик**

Республика банк тизими, шу жумладан Марказий банк фаолиятини халқаро тажриба асосида такомиллаштириш вазифаларидан келиб чиқиб, ҳисобот йили давомида Марказий банк томонидан халқаро молия институтлари ва хорижий марказий банклар билан мавжуд ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш ва янги алоқаларни йўлга қўйиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

#### **Халқаро валюта жамғармаси билан ҳамкорлик**

Бугунги қунда Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) Марказий банк фаолиятини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш борасидаги ишларда асосий ҳамкорлардан ҳисобланади. Мазкур халқаро молиявий ташкилот билан ҳамкорлик доирасида, асосий эътибор, Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати, монетар операциялари, валютани тартибга солиши ва бошқа муҳим йўналишлар бўйича фаолиятини такомиллаштириш масалаларига қаратилган.

Хусусан, ҳисобот йили давомида валюта сиёсатини либераллаштириш ва пул-кредит сиёсатининг инфляцион таргетлаш режимига ўтиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида Халқаро валюта жамғармаси билан ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашди.

2017 йил 19 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг ХВЖ Бошқарувчи директори К. Лагард билан икки томонлама учрашуви доирасида Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари фаолиятини такомиллаштириш бўйича Халқаро валюта жамғармаси техник кўмагини жалб қилиш ҳамда республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар бўйича амалий маслаҳатлар бериш юзасидан бир қатор келишувларга эришилган.

Мазкур келишувга мувофиқ, 2018 йилнинг февраль-март ойларида Халқаро валюта жамғармаси Низомининг IV моддаси бўйича маслаҳатлар доирасидаги миссияси ҳамда июль ва ноябрь ойларидағи ХВЖ миссиялари билан мамлакатимиз иқтисодиётнинг жорий ҳолатини ўрганиш, макроиктисодий кўрсаткичларни аниқлаштириш, амалга оширилаётган ислоҳотларни таҳлил қилиш, келгусидаги туб иқтисодий ўзгаришлар бўйича режаларни муҳокама қилиш борасида ўзаро мулоқотлар ва учрашувлар ўтказилди.

Ушбу ташрифлар доирасида Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсати, валюта сиёсати, банк назорати ва бошқа йўналишлар бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди ҳамда ушбу масалалар бўйича ХВЖ мутахассисларининг тегишли тавсиялари олинди.

Шунингдек, 2018 йилнинг май ойида ХВЖ ижрои директор ўринбосари жаноб Тао Чжаннинг республикамизга ташрифи доирасида Марказий банк ва ХВЖ ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётини, шу жумладан банк тизимини ислоҳ қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Хисобот йилининг ноябрь ойида, қаторасига иккинчи йил, Марказий банк томонидан ХВЖ билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида ХВЖнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директори ўринбосари Ю. Каҳконен бошчилигига “*Кавказ ва Марказий Осиё: минтақавий иқтисодиётни ривожлантириши истиқболлари*” хисоботи тақдимоти ўтказилди ҳамда унда вазирликлар ва идоралар, илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари ва тижорат банклари вакиллари иштирок этди.

Хисобот йили давомида пул-кредит сиёсати, валютани тартибга солиш, тўлов балансини шакллантириш, статистик маълумотларни шакллантириш ва тарқатиш масалалари бўйича Марказий банк салоҳиятини мустахкамлаш мақсадида ХВЖнинг жами 7 та техник қўмак миссиялари жалб қилинди.

### **Жаҳон банки билан ҳамкорлик**

Хисобот йили давомида республика банк тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар доирасида Марказий банкнинг Жаҳон банки билан ҳамкорлиги сезиларли даражада фаоллашди.

Жаҳон банки билан ҳамкорликда, асосий эътибор, банклар фаолиятини тартибга солишнинг меъёрий-хуқуқий базасини такомиллаштириш ҳамда банк назоратининг замонавий механизми – тижорат банкларини стресс-тестдан ўтказиш методологиясини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш масалаларига қаратилди.

Хисобот йили давомида банклар фаолиятини тартибга солишнинг меъёрий-хуқуқий базасини такомиллаштириш йўналишидаги ҳамкорлик давом эттирилиб, Марказий банкнинг:

“*Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида*” ги;

“*Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаши ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаши учун захиралар шакллантириши ҳамда улардан фойдаланиши тартиби тўғрисида*” ги;

“Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришига қўйиладиган талаблар тўғрисида” ги Низомлари;

“Банк назорати бўйича тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тақдим этадиган ҳисоботларини тўлдириши бўйича тавсиялар”ни қайта кўриб чиқиш ва уларни такомиллаштириш бўйича ишлар якунига етказилди.

Жаҳон банкининг техник қўмак миссияси билан ҳамкорликда тижорат банкларини стресс-тестдан ўтказиш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг меъёрий-хукукий базасини такомиллаштириш ишлари амалга оширилди.

Хусусан, 2018 йилнинг I чорагида банк фаолиятига оид хатарларни аниқлашда қўлланиладиган Марказий банкнинг “Top-down” тамойилига асосланган ва 2018 йилнинг ноябрь ойида тижорат банклари томонидан банк фаолиятига оид хатарларни баҳолашда қўлланиладиган “Bottom-up” тамойилига асосланган стресс-тест моделлари яратилди.

Марказий банкнинг меъёрий-хукукий ҳужжатларига (активларни таснифлаш, ликвидлик коэффициентлари, капитал етарлилиги, назорат ҳисботи) тегишли ўзгартиришлар киритиш, шунингдек корпоратив бошқарув ва рискларни бошқариш бўйича низомларнинг янги таҳририни ҳамкорликда тайёрлаш графиги белгилаб олинди.

“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунларнинг янги таҳрирдаги лойиҳалари Жаҳон банки эксперtlари билан ҳамкорликда 2018 йил ноябрь-декабрь ойларида кўриб чиқилди ҳамда мазкур қонунларнинг халқаро тажриба ва амалиётга мослигини таъминлаш юзасидан билдирилган тавсиялар асосида қайта ишланди.

